

ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

АКАДЕМИК
Бўрибой Аҳмедов

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
АТОҚЛИ ТАРИХШУНОС
ОЛИМЛАРИ**

(био – библиографик маълумотнома)

Тарихшунослар ва тарих муаллимлари учун
қўлланма

«Чўлпон» нашриёти

Тошкент–2003

АЗИЗ КИТОБХОНЛАР!

Бўрибой Аҳмедов машҳур олим, манбашунос, тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, «Дўстлик», «Буюк хизматлари учун» ва бир қанча бошқа юксак унвонлар соҳиби, 300 дан ортиқ монографиялар, дарслик, китоб ва илмий – оммабоп мақолалар муаллифидир.

Олимнинг мазкур китобида Ўзбекистонда VIII – XIX асрлар орасида яшаб ижод этган атоқли тарихшунос олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида сўз юритилади.

Бўрибой Аҳмедовнинг ушбу китоби Ўзбекистон тарихи ва тарихшунослигини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб, тарихшунос олимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртарининг ўқитувчилари ва талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий – техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан–технология марказининг инновация лойиҳаси дастури асосида нашрга тайёрланди, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг Раёсати томонидан нашрга тавсия қилинган.

Тақризчилар: Академик Неъматулло Иброҳимов, т.ф.д. проф. Дилором Алимова, ф.ф.д. проф. Наим Ғойипов, т.ф.н. Мусаллам Жўраев, т.ф.н. Наим Норқулов.

Нашрга тайёрловчилар: Бахтиёр Қосимов, т.ф.н. Музаффар Аҳмедов

63.3 г (5 У)
А 98

Аҳмедов Бўрибой.

Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари: (Био-библиографик маълумотнома): Тарихшунослар ва тарих муаллимлари учун қўлланма. – Т.: «Чўлпон», 2003. – 110 б.

Сарлавҳада: Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси.

ББК 63.3 г (5 У) я 7 +
91.9:63

А 430602060 – 2 – гриф 2003 й.
360 (04) – 2003

ISBN 5 – 8250 – 0800-4

© «Чўлпон» нашриёти, 2003 й.

УШБУ РИСОЛА ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу хайрли иш бугун давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг бу босқичи ҳам бугун мамлакатимизда яхши бораётир ва тегишли идоралар тарафидан ишлаб чиқилган махсус дастурлар асосида босқичма – босқич амалга оширилмоқда. Бу ҳақда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августда чиқарган махсус қарорига, хусусан, қуйидагиларни ўқиймиз:

"Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Шарқ" нашриёт – матбаа концерни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида яратилган оригинал дарсликларни буюртма ва эҳтиёж асосида ўз вақтида чоп этиш ҳамда жойларга етказишни таъминласинлар".

"Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим Вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги академик лицейлар, касб – ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари учун давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийликни, таълим мазмунининг узлуксизлигини таъминласинлар".

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки тарихни, у қадимги дунё тарихи бўладими, ёки ўрта асрлар тарихими, ё бўлмаса янги давр тарихи бўладими, ундан қатъий назар, уни манбасиз, аниқроғи биринчи манбасиз, ўрганиб бўлмайди. Масалан,, яъни қадимги дунё тарихини ўрганиш учун ашъвий (археологик) манбалар: қадимги шаҳарлар, қалъалар, сув ва мудофаа иншоотларини ва умуман қадимги одамлардан қолган меҳнат қуроллари ҳамда зеб – зийнат ашёлари биринчи манба бўлиб хизмат қилади. Ўрта асрлар, хусусан VIII – XIX асрлар тарихини араб, форс, туркий, хитой ва ҳинд тилларида ёзилган қўлёзма асарларсиз ўрганиб бўлмайди. Янги замон тарихини ўрганишда эса давлат ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан ҳужжатларсиз, яъни архив материалларисиз ўрганиб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир зарур гапни айтиб ўтишга тўғри келади. Маълумки, манбадан фойдаланишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тадқиқотчи биринчи навбатда хорижий тилларни яхши билиши билан бирга ўша тилларда ёзилган манбалардан фойдалана олиш малакасига ҳам эга бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда манбасиз тарихни ўрганиб бўлмайди.

Таъбир жоиз бўлса яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, қадимги тарих, айниқса, ўрта асрлар тарихи кўпнинг йиллик тарихимизнинг энг кам ўрганилган ва муаммолик даври ҳисобланади. Қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда ҳали кам ўрганилган, аниқроғи етарли даражада ўрганилмаган масала ва муаммоларнинг ўзи кўп учрайди. Қадимги шаҳар – давлатлар тарихи, халқларнинг турмуш тарзи ва асосий машғулоти, дини ҳамда эътиқоди, уларнинг бошқа давлатлар, хусусан хорижий, қўшни давлатлар билан бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари, ўрта асрлар тарихидан эса феодал – ер эгаллиги, унинг форма ва турлари, меҳнаткаш халқнинг ҳаёти, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашлари, қўшни давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий

алоқалари шундай муаммолар жумласига киради. Бунга кўп асрлар давомида яратилган кутубхона ҳамда музейларда тахланиб, ҳалигача ўз тадқиқотчисини кутиб ётган қўлёзма асарлар ва ҳужжатларни чуқур ўрганиш, хусусан мамлакатимизда тарихшуносликнинг вазифа ва муаммоларини чуқур ўрганиш орқасида эришиш мумкин. Лекин, ҳозирча фақат бир нарсани айтиш мумкин.

Манбашунослик ҳам, тарихшунослик ҳам бугунги кунда ўзининг бошланғич ўрганиш босқичида турибди. Тўғри, кейинги пайтларда бу мавзуда бир неча дарслик, қўлланма ва дастур ёзиб ҳурмагли ва талабчан ўқувчига етказилди. "Ватан тарихидан ҳикоялар" (1999 й.), "Амир Темура дарслари" (2000 й.), "Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари" (1991 й.), "Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. (Письменные памятники)" шундай китоблар жумласига киради. Ўз–ўзидан кўриниб турибдики, бу ҳали етарли эмас. Бу соҳада яна кўп ишларни амалга ошириш зарур.

Мазкур рисола ҳам шундай асарлар жумласига киради. Лекин, у асосан тарихшуносликнинг айрим муаммоларини ечишга ёрдам бериши мумкин, холос. У, масалан, тарихшуносликнинг умумий аҳволи ва даражасини белгилаш, катгароқ ва пухта асарлар яратишга ўзига хос дебодадир. Рисолада Ўзбекистонда VIII–XIX асрларда яшаб ижод этган тарихшунослар, уларнинг илмий фаолияти ва муҳим асарларига қисқача тўхталиб ўтилди. Рисола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмга тарихшунос ва географ олимлар киритилди. Сабаби, географик асарларда ҳам тарихий маълумотлар кўп учрайди. Масалан, ал–Хоразмийнинг "Сурат ул–арз" асарида Хоразм, хусусан Орол бўйи халқлари орасида қадимдан туркийзабонлари ҳам кўп бўлганлиги, уларнинг ҳаёти, дини ва эътиқодига оид маълумотлар кўп учрайди. Нажмиддин ан–Насафийнинг "Китоб ул–қанд фи тарихи Самарқанд", Муллазоданинг "Тарихи Муллазода", Абу Тоҳирхожанинг "Самария", Худойберди ибн Қўшмуҳаммаднинг "Дили гаройб", Маҳмуд ибн Валининг "Сирлар денгизи" асарларида Самарқанд, Балх, Бухоро ва Хоразмнинг қадимги тарихи, шаҳарларининг умумий аҳволи ҳақида муҳим тарихий маълумотларни учратамиз. Рисоланинг иккинчи қисмида биограф олимлар ва уларнинг муҳим асарлари (тазкиралари, маноқиблари) ҳақида умумий маълумот берилади.

Мазкур рисола Ўзбекистонда тарихшунослик ва манбашунослик ҳақида илк тадқиқот бўлгани учун у, шубҳасиз, айрим нуқсон ва камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин, "Ўқиганда, ўзганинг камчиликлари юзига афв пардасини тортиш савоб иш бўлади", деганларидай, Сиз азиз муҳтарам китобхонлардан узр сўраган ҳолда асар ҳақидаги фикр–мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Мовароуннаҳрда тарихшунослик ва географик Фан тараққиёти

Мовароуннаҳр қадимдан илм – фан ва маданият тараққий этган мамлакат ва жаҳоннинг барча илми толибларини ўз бағрига олиб тарбиялаган юрт бўлиб келган. Мовароуннаҳр Ал – Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Абу Хафс Насафий, Ибн Сино ва Самъоний, Абу Бакр Наршахий, Саъдуддин Муҳаммад Авфий, Абу Мансур ас – Саолибий, Балъамий, Банокатий, Маҳмуд Кошгарий, Жамол Қарший, Замахшарий, Абу Наср Утбий, Мирхонд, Хондамир, Муллазода каби йирик тарихшунос ва географ олимларга Ватан бўлган мамлакатдир. Шунинг учун ҳам унинг бой кутубхоналари ва ўз вақтида дорифунун ролини ўйнаган мадрасалари, қолаверса, унинг буюк олимлари кўпдан бутун жаҳон илм фан намояндаларини ўзига тортиб келади, жаҳондаги барча илми толиблар шу юрт, уни кўриш ва билимларидан сабоқ олиш учун Мовароуннаҳр сари талпинганлар.

Мовароуннаҳр махсус географик термин сифатида араблар ўртасида VII – VIII асрдан, аниқроғи, араб истилолари бошланиш давридан маълум ва "Дарё орқасидаги (Амударё ортидаги) ерлар" маъносини англатган.

Дарҳақиқат, шундан бошлаб Мовароуннаҳрнинг шон – шуҳрати жаҳонга намён бўлди. Мовароуннаҳр илму зиё маркази сифатида бутун дунёга ёйилди. У ислом уламоларини етиштирган, хусусан, тарихшунос ва географ олимлар Ватани сифатида оламда шуҳрат қозонган муқаддас юртдир.

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ – VIII – IX асрларда ўтган хоразмлик қомусий олим. Тўлиқ исми – шарифи: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий ал – Мажусий ал – Қатраббулий. 789 йили Хоразмда таваллуд топган ва 850 йили вафот этган.

Ал – Хоразмий арифметика, алгебра, астрономия, musiқа, география, тарих ва халқшунослик (этнография) каби фанларга оид 20 га яқин муҳим асарлар ёзиб қолдирган йирик олимдир. Олимнинг асарларидан энг йириклари "Ал – китоб ул – мухтасар фи ҳисоб ул – жабр ул – муқобала" ("Алгебра ва муқобала ҳақида мухтасар китоб"), "Китоб фи ҳисоб ул – ҳинд" ("Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб"), "Зиж" ("Астрономик жадваллар"), "Китаб ул – арз" ("Ернинг шакли ҳақида китоб"), "Китоб ул – тарих" ("Тарих китоби"), "Қўшув ва айирув ҳақида иккинчи китоб"), "Китоб асос ул – устурлоб" ("Устурлобнинг тузилиши"), "Астролябиянинг таъсис этилиши ҳақида рисола" дир. Булардан ташқари, олим "Қуёш соатлари ҳақида рисола" "Муסיқа илми ҳақида рисола" каби асарлар ёзгани ҳам маълум.

Ал – Хоразмий ихтирочилик соҳасида ҳам улкан фаолият кўрсатган олим бўлиб, унинг ихтироларидан бири шу бўлдики, унинг раҳбарлигида Ер меридианининг бир градуси ўлчанди.

Олим ёзиб қолдирган асарлар ичида ижтимоий фанлар: география билан тарихга оидлари ҳам бордир.

Ал—Хоразмийнинг географик асари ҳақида юқорида айтиб ўтдик, "Сурат ал—арз" ("Ернинг кўриниши") деб аталади. Асар қўлёзмаси Страсбург (Франция) кутубхонасидан топилган. Асар 1037 йили кўчирилган. У Птолемейнинг "Гексамион" асарига ("Географиядан қўлланма"сига) асосланган. Асарда 637 та муҳим жойлар, денгизлар, улардаги ороларнинг координатлари баён этилган. Тўғри, Птолемей географиясида Орол денгизи кўрсатилмаган. Сирдарё билан Амударё тўппа—тўғри Каспий денгизига бориб қуйилган. Ал—Хоразмий географиясида эса Орол денгизи қилиб кўрсатилган ва юқорида тилга олинган иккала дарё шу денгизга келиб қуйилган. Шарқий яримшариякда Баҳр ул—музаллам, яъни қимматбаҳо тошларга бой орол деган жой бор. У ҳозирги Тинч океан ва Японияга тўғри келади. Ва яна шимолий—шарқий тарафда қандайдир номаълум қуруқлик учрайди. Олим уни Яжуж ва Мажужлар ери деб атайди. Бу ерлар Мўғулистоннинг ғарбий қисми Манжурия бўлиб, шимолий—шарқий Хитойда жойлашган. Бу ерларда ўтмишда тўқизўғузлар, турклар, хазарлар ва славянлар истиқомат қилган.

Биз юқорида ал—Хоразмийнинг тарихий асари—"Китоб ут—тарих" ҳақида эслagan эдик. Асардан фақат айрим парчалар бизнинг таълимига етиб келган. Парчаларда: 1) араблар билан Византияликлар ўртасида бўлиб ўтган юришлари; 2) арабларнинг Эрон ва Ўрта Осиё устига қилган босқинлари; 3) халифалик билан хазарлар ўртасида бўлган муносабатлар; 4) халифаликнинг ички аҳволи каби масалалар ҳақида фикр юритилади. Хулласи калом, Хоразмийнинг тарихида 733 йилдан бошлаб халифалик тарихи йилма—йил, хронологик тартибда баён этилади. Асарнинг бу қисмлари ат—Табарий (839—923)нинг "Китоб расул ул—мулук ва—л—хулаф" ва Ибн ал—Асир (1160—1234)нинг "Тарихи фи—л—комил" асарларида учрайди.

Ал—Хоразмийнинг илмий мероси жаҳоннинг машҳур олимлари: П.Таннер, П.Марков, Рушка, Ганди, Вилейтнер, Роде, Симон, Зоутер, Сартон, Юшкевич, Қори—Ниёзий, Матвиевская, Қобулов, Файзуллаев, П.Г.Булгаков, А.Аҳмедов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Адабиёт: Аҳмедов А. Научное наследие ал-Хоразми и его место в истории, науки и культуры, // автореф. Док. дис; Ташкент: 1985.

АБУ БАКР МУҲАММАД НАРШАХИЙ. Тўлиқ исми: Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик ан—Наршахий (899—959). Х асрда яшаб ўтган бухоролик йirik тарихшунос олим. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар деярли йўқ. Машҳур биограф, тарихчи ва сайёҳ Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас—Самъоний (1113—1167)нинг маълумотларига қараганда, Наршахий асли Бухоронинг Наршах (ҳозирги Вобкент ёнида) қишлоғидан чиққан.

Наршахий "Тарихи Бухоро" ("Бухоро тарихи") деб шуҳрат топган қимматли бир асар ёзиб қолдирган. Асар "Тарихи Наршахий" ("Наршахий тарихи"), "Тахқиқ ал—вилоят" ("Бухоро) вилоятини

тахқиқ этувчи китоб") номлари билан ҳам машҳур (асар 944 йили ёзилган).

Мазкур асар аслида араб тилида ёзилган, лекин арабча матни сақланмаган. Бизгача унинг қисқартирилган форсийча таржимаси етиб келган, ҳолос. Таржима 1128 йили Қува (Фарғона)лик Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубавий тарафидан амалга оширилган. Мазкур форсийча нусха орадан 50 йил ўтгандан кейин. 1178 йили Муҳаммад ибн Зафар ибн Умар тарафидан иккинчи марта тахрир этилган.

"Тарихи Бухоро"да Бухоро ва Зарафшон воҳасининг қуйи оқимида жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг географик ҳолати, маҳаллий аҳолининг VII–X асрлардаги туриш–турмуши, Бухоронинг диққатга сазовор жойлари, Ўрта Осиёнинг араблар тарафидан истило этилиши, мамлакатнинг Сомонийлар ҳукмронлиги (819–1005) йилларидаги сиёсий тарихи воқеаларигина қисқа тарзда баён этилган.

Асарнинг бизнинг замонамизгача етиб келган нусхаларида 1178–1220 йил воқеалари ҳам қисқача баён этилган. Шунга қараганда, асар учинчи марта номаълум муҳаррир томонидан тахрир қилинганга ўхшайди.

"Тарихи Бухоро"нинг форсийча матни 1892, 1894, 1904 ва 1939 йиллари Париж, Бухоро ва Теҳронда чоп этилган. Асарнинг русча, инглизча ва ҳозирги ўзбек тилларига қилинган таржималари 1897, 1954 ва 1966 йиллари нашр этилган.

Алабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Тошкент: Ўқитувчи, 1991.– 116–117–бетлар.

БАЛЪАМИЙ. X асрда ўтган бухоролик тарихнавис ва давлат арбоби (туғилган йили номаълум, 974 йили вафот этган). Тўла исми: Мир Абу Али ибн Муҳаммад Балъамий. Марвга қарашли Балъамон қишлоғида туғилган. Асли арабларнинг Бану тамим қабиласидан чиққан, отаси Абулфазл Муҳаммад ибн Убайдулло. Сомонийлардан Исмоил ибн Аҳмад (892–907)нинг вазири бўлган. Сомоний амирларидан Абдумалик ибн Нуҳ (954–961) ҳамда Абу Солиҳ Мансур I (961–976)ларнинг бош вазири бўлиб хизмат қилган.

Балъамий юқори даражадаги мансабдор сифатида эмас, балки тарихшунос олим сифатида шўҳрат топди. У машҳур араб тарихчиси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839–923)нинг "Тарих ул-анбиё ва-р-расул ва-л-хулофо" ("Пайғамбарлар, подшолар ва халифалар тарихи") номли машҳур асарини форс тилида мухтасар қилиб қайтадан ёзган (963 й. ёзиб тамомлаган). Мазкур асар Ўрта Осиёда форсийча битилган биринчи асар ҳисобланади ва оламнинг "яратилиши"дан то 912–913 йилларгача Арабистон, Рум (Кичик Осиё), Эрон ва араб халифалиги қўл остидаги мамлакатларда, шунингдек, Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ижтимоий–сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Воқеалар йилма-йил, хронологик тартибда баён этилганки, бу ўз навбатида асардан фойдаланишни бирмунча осонлаштиради.

Асарнинг нусхалари Россия, Эрон, Туркия, Ироқ, Арабистон (Қуддус), Ҳиндистон, Англия, Голландия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Асардан айрим парчалар инглиз (1798,1811–1821,1824,1903 й.), француз (1836,1867–1874), турк (1844), эски ўзбек (1913), уйғур (XVIII аср) ва урду (1870) тилларига таржима қилинган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 81–82 бетлар.

АБУ НАСР МУҲАММАД УТБИЙ (тахм. 961–1022 ёки 1036 й.).

X асрда ўтган йирик арабийнавис тарихшунос олим. Асли Эроннинг Рай шахридан бўлиб, бадавлат ва нуфузли хонадондан чиққан. Она тарафдан тогалари Абу Жаъфар ал–Утбий ва Абулхусайн Абдулла ибн Аҳмад ал–Утбий Сомоний амирлардан Абулмалик ибн Нуҳ (954–961) ва Абу Солиҳ Мансур (961–976) ҳамда Абулқосим Нуҳ II ибн Мансур (976–997)нинг вазири бўлиб хизмат қилишган. Абунаср Муҳаммад ал–Утбийнинг ўзи ҳам Сомонийлар даврида юқори давлат мансабларида фаолият кўрсатган эгаллаб турган. Масалан,, Сомонийларнинг Хуросондаги ноибни Абу Али ибн Симжур (989–998), кейин Зиёрийлардан (927– тахм. 1090 йиллари Эроннинг Табаристон ва Журжон вилоятларини идора қилган сулола) Шамс ул–Маолий Қобус ибн Вушмагир (978–1012)нинг шахсий котиби, кейинчалик Ғазнавийлар (Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон устидан 977–1186 йиллар орасида ҳукмронлик қилган сулола)дан Сабуктакин (977–997), Султон Маҳмуд (998–1030) ҳамда Султон Масъуд (1031–1041) саройида хизмат қилган. Шунингдек, Абунаср Муҳаммад Утбий Султон Маҳмуднинг элчиси сифатида 999 йили Ғарчистонга борган, сўнгра Ганж Рустақда соҳиб барида лавозимида хизмат қилган, 1023 йили яна ўша Султон Маҳмуднинг амр–фармони билан хизматдан четлаштирилган.

Манбаларда, хусусан ас–Саолибийнинг (қ.) тилга олинган машхур мажмуасида келтирилган маълумотларга қараганда, Абу Наср Муҳаммад ал–Утбий бир неча йирик асар ёзиб қолдирган. Лекин, улardan фақат биттаси, яъни "Тарихи яминий" (Ямин–араб. ўнг қўл; Султон Маҳмудга халифа ал–Қодир [991–1031] тарафидан берилган фахрий унвон; "ямин уд–давла" – "давлатнинг ўнг қўли") номи билан машхур. Асарнинг қўлёзма нусхалари бизнинг замонамизгача етиб келган. Олимнинг (ал–Утбийнинг) яна бир асари "Латоиф ал–кутуб" ("Котибларнинг латиф сўзлари")нинг фақат номи сақланган, холос.

"Тарихи яминий" амир Сабуктакин ҳамда Султон Маҳмуд Ғазнавий замонида Ғазнавийлар давлати таркибига кирган Хуросон, Хоразм ва қисман Мовароуннаҳрнинг 875–1021 йиллар орасидаги ижтимоий–сиёсий тарихини баён этади. Асарда Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши (992–996 йиллар) ҳақида келтирилган маълумотлар бениҳоя қимматлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, "Тарихи яминий" ўрта аср тарихшунослигига хос оғир услуб–саж билан ёзилган. Асарда ҳукмрон феодал синфнинг мақсад ва манфаатлари ҳимоя қилинади, хусусан Султон Маҳмуд ва унинг атрофидаги кишилар кўкларга кўтариб мақталади. Шунинг билан бирга олим бетўхтов давом этган феодал урушлар, зулм, бедодлик, турли–туман солиқлар ва жарималардан хонавайрон бўлган меҳнаткаш халқнинг оғир қисматига ҳам айрим ўринларда кўз ташлаб ўтади.

Мазкур асарнинг арабча матни Деҳли (1847), Булоқ (1874) ва Лоҳур (1883)да чоп этилган. Асардан айрим парчалар француз, немис ва инглиз тилларида К.Шефер, Т.Нёдкеке, Эллиот ҳамда Доусон тарафидан чоп этилган. "Тарихи яминий"нинг форсча таржималари ҳам бор. Энг дурусти Абу Шариф Носих ал-Журбазоқоний қаламига мансуб бўлиб, 1205–1206 йили Абу Шариф Носих ибн Зафар Саъад ал-мунший тарафидан амалга оширилган ва Журбазоқон (Ироқ) ҳокими Улуғ Бердибек Айюбга бағишланган. Таржимادا муҳим қўшимчалар бор ва унга 1186–1207 йил воқеалари ҳам қўшилган. Асар "Таржимайи тарихи яминий" деб аталади. Қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади. Асарнинг Рейнольдс тарафидан амалга оширилган инглизча таржимаси ҳам бор (1858 йили Лондонда чоп этилган).

Адабиёт: Собрание Восточных рукописей (кейинчалик СВР деб кўрсатилади) АН. Уз. История, сост: Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. Ташкент: ФАН, 1998. - №258/3252/ v, 259/3144/ II стр. 107-108; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, 98–101 бетлар.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973–1048). Табиий ва ижтимоий фанларнинг кўпгина соҳаларига оид, бўйича 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган Хоразмлик буюк қомусий олим. Тўла исми шарифи: Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий; 973 йилнинг 4 сентябрда Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот (Фир, Фил, Кос)да таваллуд топган. Замонасининг йирик олимларидан Абу Наср Ироқдан математика ва астрономия илмларини, Абу Саҳл Исо ал-Масихийдан тибб ҳамда фалсафа илмларининг сиру асорини ўрганган. У 17 ёшиданоқ Котда мустақил равишда осмон жисмларининг ҳолати ва ҳаракатини кузатган. Ўшанда ёш олим Кот шаҳрининг географик кенглиги масофасини ўлчади. 994 йили, яъни 21 ёшида эклиптика текислигининг экватор сари оғишининг ҳажмини ўлчаб берди, дунёда биринчи бўлиб глобусни ихтиро этди.

995 йили олимнинг ҳаётида оғир дамлар бошланди. Ўша йили у Сомонийлар салтанатига қарши фитна уюштирган Абу Али Симжурийнинг иниси амир Абулқосим Журжонни эғаллади. Натижада, Сомонийлар билан иттифоқдош бўлган Кот ҳокими, шунингдек, ўша пайтларда унинг саройида хизмат қилиб турган Абу Райҳон Берунийнинг ҳам ҳаёти хавф остида қолди. Натижада олим Райға (Қадимий Рага)га қочиб кетишга мажбур бўлди. Орадан икки йил ўтиб, 997 йили у яна ватанига (Кот)га қайтиб келди ва илмий иш билан машғул бўлди. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, ўша 997 йилнинг кузида Гурганж ҳукмдори Абдулҳасан Али ибн Маъмун (997–1009) Жанубий Хоразм ва унинг пойтахти Котни эғаллаб олди. Беруний яна Журжонга кетишга мажбур бўлди ва 999–1004 йиллар орасида Зиёрийлар (927–1009) ҳукмдори Қобус ибн Вушмагир (1012 й. ўлдирилган) ҳузурига бориб кун кечирди. 1004 йили у яна Хоразмга қайтиб борди ва 1017 йилгача Гурганжда кун кечирди. Хоразм Маҳмуд Ғазнавий қўшинлари тарафидан босиб олингач (1017 й.), олим мажбуран Ғазнага олиб кетилди ва умрининг охиригача (1048 йил 11 декабргача) ўша ерда кун кечирди.

Абу Райҳон Беруний табиий фанлардан ташқари, тарих фанига оид бир неча муҳим асарлар ёзиб қолдирди.

Булардан бири "Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") китоби бўлиб, 1000 йили Журжонда ёзиб тамомланган. Асарда юнонлар, румийлар, эронийлар, ҳиндлар, суғдийлар, хоразмликлар, насронийлар, яҳудийлар ва бошқа халқларнинг ислом зуҳур бўлгунга қадар кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ турмуши ҳамда тарихи баён этилади. Асар 1957 ва 1968 йиллари рус, ўзбек тилларида Тошкентда нашр этилган.

Олимнинг яна бир тарихий асари "Китоб таҳқиқ моли-л-Ҳинд мин мақула, маҳбула фи-л-ақл фи-л-марзула" ("Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини таҳқиқ этиш ҳақида китоб") деб аталади ва 1035 йили Ғазнада ёзиб тамомланган. Мазкур асар санскрит тилида ёзилган китобларда, шунингдек, олимнинг шахсий кузатишлари натижасида тўпланган жуда кўп фактик материаллар асосида ёзилган. Асарда Ҳиндистоннинг географик ҳолати, ҳиндларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, дини-этиқоди, урф-одатлари, тарихий нақл-ривоятлари, ўша замонларда Ҳиндистонда муомалада бўлган оғирлик ва ҳажм ўлчовлари ҳақида маълумот келтирилади. Ушбу асар "Ҳиндистон" номи билан машҳурдир. Асарнинг араб тилидаги матни, инглизча таржимаси билан қўшиб, Э.Захау тарафидан 1887-1888 йили нашр этилган. Унинг русча ва ўзбекча таржималари ҳам мавжуд ва 1913 ва 1965 йиллари Тошкентда чоп этилган.

Абу Райҳон Берунийнинг яна бир тарихий асари "Китоб ал-мусаммара фи ахбори Хоразм" ("Хоразм ҳақидаги ахборотлар ҳақида суҳбатлар") деб аталади. Асар яна "Тарихи Хоразм" ва "Машоҳири Хоразм" ("Хоразмнинг машҳур кишилари") номи билан ҳам машҳурдир. Асар Ғазнада ёзилган. Унда Хоразмнинг султон Маҳмуд Ғазнавий қўшини тарафидан босиб олинishi (1017 й.)дан то Салжуқийлар хуружигача (1043 й.) ўтган давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади. Афсуски, олимнинг бу муҳим асари ҳам бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Асардан айрим парчалар Абулфазл Байҳақийнинг (қ.) ва Ёқутнинг 1056 йили ёзилган "Мўъжам ул-булдон" асарларида сақланиб қолган.

Улуғ олимнинг тарих илмига оид тўртинчи асари "Китоб фи ахборот ал-мубаййизот ва-л-каромита" ("Оқ кийимликлар ва карматларнинг ахборотлари ҳақида китоб") деб аталади. Унда ўша замонларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган яна бир муҳим халқ ҳаракати-кароматийлар (карматлар) ҳаракати ҳақида диққатга сазовор маълумотлар келтирилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 103-104 бетлар.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ. XI асрда ўтган тилшунос ва тарихчи олим. Тўлиқ исми: Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кошғарий (1028-1029 йиллар орасида туғилган - вафот этган йили маълум эмас), Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Машҳур туркшунос олимлар А.Н.Кононов, А.Рустамов, Ҳ.Ҳасанов, муаллим Рифъатлар берган маълумотларга қараганда,

Қорахонийлар (992–1211) хизматида бўлган нуфузли турк бекларидан бирининг оналасига мансуб бўлиб, умрининг катта қисмини Болосоғунда кечирган. У ёшлигида яхши маълумот олган ва ўрта аср илмининг кўп соҳаларини, хусусан араб ва туркий тилларни, тарих ва жўғрофия илмларини яхши эгаллаган. Маҳмуд Кошғарий Ўрта Осиё ва Эроннинг бирталай шаҳарларини бориб кўрди; уларнинг машҳур кишилари, хусусан олим ва шоирлари билан мулоқотда бўлди. Бу билан у билимини назарий ва амалий жиҳатдан бирмунча бойитди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларга бағишланган икки муҳим асар ёзиб қолдирди. Улардан бири "Жавоҳир ан-наҳв фи луғати турк" ("Турк тили синтаксиси асослари") номи билан маълум. Лекин, афсуски, бу муҳим асар бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Олимнинг яна бир муҳим ва қимматли асари "Девону луғат ат-турк" ("Туркий сўзлар луғати") бўлиб, 1072–1074 йиллар орасида ёзилган ва Аббосийлардан халифа Муқтадий (1075–1094)га бағишланган.

"Девону луғат ат-турк", муаллифнинг Марказий ҳамда Ўрта Осиёнинг туркий забон қабила ва уруғлари орасида юриб тўплаган далилар асосида битилган ва XI асрдаги туркий забон қабила ҳамда уруғларнинг тили, лаҳжалари, шунингдек, уларнинг этник таркибини ўрганишга бағишланган. Асар туркий халқларнинг тили, уларнинг келиб чиқиши ва тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

"Девону луғат ат-турк"нинг тарих фани учун ҳам қиммати катта бўлиб, унда ҳар бир туркий қабила (бижанок–печенег, қипчоқ, ўғуз, ямоқ, бошқирд, басмил, кой, ябоку, тотор, қирғиз, чигил, тухси, яғмо, уйғур, иғроқ, жорух, жумул ва б.қ.)лар, уларнинг тамғалари, истикомат қилиб турган мақомлари ҳамда ўз даврининг ижтимоий–сиёсий ҳаётида тутган ўрни кўрсатиб берилади. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг бу асари Ўрта ҳамда Марказий Осиёнинг туркийзабон халқлари тарихини, шунингдек, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Мазкур асарнинг ягона қўлёзма нусхаси ҳозир Истанбул (Туркия)даги кутубхоналардан бирида сақланмоқда. Унинг арабча матни 1915–1937 йиллари уч жилдада Истанбулда, мукаммал ўзбекча таржимаси (таржимон С.М.Муталибов) 1960–1963 йиллари Тошкентда чоп этилган. Асар усмонли туркчаси 1939–1941 йиллари Бесим Аталай тарафидан, инглиз нашри Р.Дванкофор ва Ж.Келли томонидан 1982–1985 йиллари, уйғурча таржимаси 1981–1984 йиллари Синьцзянда чоп этилган. "Девону луғат ат-турк" атоқли тилшунос олим Алибек Рустамов тарафидан рус тилига таржима қилинган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 105–107 бетлар.

АБУ ҲАФС АН-НАСАФИЙ (1142–43 йиллар ичида вафот этган) Самарқандлик тарихчи (биограф) олим. Тўлиқ исми–шарифи: Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий. Унинг "Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд" (бошқача номи: "Ал-қанд фи маърифат-и уламоий Самарқанд"–"Самарқанд уламоларининг маърифатлари" деб аталади) ва унда Самарқанднинг

осору атиқалари ва уламоларининг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотларни учратамиз.

Бахтга қарши асарнинг арабча нусхаси сақланмаган. Бизнинг замонамизга унинг имом Абулфазл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдулмалик Али ибн Ҳайдар Хоразмий (VII аср) тарафидан амалга оширилган қисқача таҳрири етиб келган холос ва кўпинча "Қандияйи хура" ("Кичик қандия") деб аталади. Асарда Самарқанднинг исломиятгача бўлган тарихи, унинг араб қўшинлари тарафидан истило этилиши, шаҳарнинг осору атиқалари, суғориш иншоотлари ва у ерда ўтган улуғ олимлар ҳақида зътиборга молик маълумотлар келтирилган.

"Қандияйи хурд"нинг, В.А.Вяткиннинг сўзларига қараганда, иккита таҳрири мавжуд. Биринчиси тўлароқ бўлиб, В.А.Вяткиннинг юқорида тилга олинган русча таржимаси шу нусхага асосланган. Таржима 1906 йили "Справочная книжка Самаркандской области" номли тўпламнинг VIII сонида (236–290 – бетлар) чоп этилган.

Асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари бизнинг замонамизгача етиб келган ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 261/1773/ I, 262/5404/III, 263/5838/I ва ҳ.к.) сақланади.

Адабиёт: СБР, АН. Уз., История, стр. 109-115.

САМЪОНИЙ. XII асрда ўтган машҳур қомусий олим. Тўлиқ исми: Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас–Самъоний. 1113 й. Марвада йирик қонушунос олим хонадонида дунёга келган. Самъоний Марв, Бухоро ва Самарқандда таҳсил кўрди. 1155–1156 йилларда Мовароуннаҳр ва Хоразм бўйлаб саёҳат қилди. Бирмунча вақт Нишопур, Исфаҳон, Бағдод, Халаб, Дамашқ ҳамда Қуддус (Иерусалим) шаҳарларида яшади.

Самъоний ўзидан катта ёдгорлик қолдирди. У иккита йирик асар "Китоб ул – ансоб" ("Насаблар ҳақида китоб", ёки "Машҳур кишилар ҳақида китоб") ҳамда йигирма жилдлик "Тарихи Марв" китобларининг муаллифидир.

Олимнинг иккинчи китоби бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Фикримизча, бу қимматли асар Чингизхон хуружи вақтида йўқ бўлиб кетган бўлиши мумкин, чунки ўша пайтда Марвнинг энг катта ва бой кутубхонаси билан бирга Самъонийлар хонадонига тегишли бўлган иккита йирик кутубхона ҳам, қомусчи олим Ёқут Ҳамавий (1160–1234)нинг гувоҳлик беришига қараганда, тамом ёниб кетган.

Самъонийнинг бизнинг замонамизгача етиб келган асари "Китоб ул – ансоб", тарихчи олим ибн Халиқон (1211–1282)нинг маълумотларига қараганда, 8 жилддан иборат бўлган. Афсуски, бу асарнинг тўла нусхаси йўқолган, фақат тарихшунос ибн ал–Асир (1160–1234) томонидан таҳрир қилинган 3 жилдлик мухтасар таҳририятигина сақланган холос.

Асарда алифбо тартибда исломиятдан то муаллиф яшаган замонгача мусулмон мамлакатларида, хусусан Эрон ва Мовароуннаҳрда яшаган машҳур кишилар ҳақида зарур маълумотлар келтирилган.

"Китоб ул – ансоб" Ўрта Осиёнинг қадимий тарихи, унинг йирик шаҳарлари, қўшни мамлакатлар, хусусан Хитой билан олиб борган савдо – сотиқ ва маданий алоқаларини ўрганишда муҳим манбалардан бири ролини ўташи мумкин. Шунингдек, асарда алифбо тартибида, исломиятдан то муаллифнинг замониғача мусулмон мамлакатларда, Қўқон, Эрон ва Мовароуннаҳрда ўтган машҳур кишилар ҳақида кенг маълумот берилган.

Асарнинг арабча матни икки марта: 1835 йилда Ф.Вюстенфельд тарафидан (унинг бош қисми) ва тўлиғича 1912 йили проф. Д.С.Марголиус томонидан чоп этилган.

Унинг Байрутда амалга оширилган нашри ҳам мавжуд.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 108 – бет.

АВФИЙ. XII асрнинг сўнгги чорағи ва XIII асрнинг биринчи ярмида ўтган адиб, таржимон ва тазкиранавис олим. Тўлиқ исми – шарифи: Саъдулдин Муҳаммад Авфий (1172–73). 1201 йили Қорахонийларнинг Самарқанддаги ҳокими Иброҳим IV ибн Ҳусайн (1178–1204)нинг хизматига кирган ва унинг саройида кўпгина фозил кишилар, жумладан, шайх Нажмиддин Кубро (1145–46–1221) ва шайх Маждуддин Бағодий (1216 йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200–1220)нинг амр – фармони билан қатл этилган) билан учрашган. Авфий 1205 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари (Нисо, Марв, Тус, Ҳирот) ва Сеистон бўйлаб саёҳат қилган. Адиб Нишопурда бўлганда Хуросоннинг етук арабийнавис ва форсийнавис шоирлари билан танишиш шарафига муяссар бўлган. Бу вақтда бўлажак асари ("Лубоб ул – албоб") учун зарур бўлган манбалар тўплаган. Мўғуллар истилоси арафасида у Ҳиндистонга кетиб қолди. Фазнага етганда Чингизхон (1206–1227) бош бўлган мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга бостириб кирганлигини эшитади. Шундан кейин Мовароуннаҳр ва Афғонистондан келган қочоқларга қўшилиб, Ҳиндистонга жўнайти ва 1222 йили Панжоб вилоятига қарашли Уч шаҳарига келиб, маҳаллий ҳоким Насирулдин Кубоча (1205–1227)нинг хизматига киради. Орадан кўп вақт ўтмай, у Гужоратга қози этиб тайинланади. Авфий 1227 йилда Деҳлига кўчиб боради ва Муъиззийлар сулоласидан чиққан Султон Шамсуддин Элутмиш (1211–1236)нинг хизматига ёланади ва умрининг охиригача шу ерда кун кечиради.

Авфий "Лубоб ул – албоб" ("Қалблар қалби") ва "Жомеъ ул – ҳикоят" ("Ҳикоялар мажмуаси") номли иккита қимматли асар ёзиб қолдирган.

"Лубоб ул – албоб" 1222–1223 йиллари ёзилган бўлиб, Ўрта Осиё, Хуросон, Ироқ, Фазна ҳамда ғарбий Ҳиндистонда X–XVI асрларда истиқомат қилиб ижод этган 299 шоир ва адиб ҳақида қисқача маълумот берувчи антологиядир. Тазкира уч вилоятнинг ҳокими Разиуддин Абубакрнинг топшириғи билан ёзилган.

"Лубоб ул – албоб"нинг форсийча матни 1903 ва 1906 йиллари машҳур инглиз олими Э.Г.Браун ва Эронлик шарқшунос олим Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний томонидан чоп этилган.

Олимнинг иккинчи асари "Жавомеъ ул-ҳикоят ва-л-авомеъ ар-ривоят" ("Ҳикоялар мажмуаси ва ривоятлар шӯъласи") деб аталади. Асар 1227—1236 йиллар орасида ёзилган.

"Жомеъ ул-ҳикоят" тўрт қисмдан (ҳар қисм, ўз навбатида, 25 бобдан иборат). Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид 2113 та дидактик мавзудаги тарихий латифани ўз ичига олади. Асарнинг тўртинчи қисмида Ўрта Осиёнинг қадимий туркий халқлари ва Бухоро садрлари ҳақида муҳим маълумотларни учратамиз.

"Жомеъ ул-ҳикоят" нашр этилмаган. Асар XV—XVI асрларда уч марта усмонли туркчага (таржимонлар ибн Арабшоҳ, Нажотий, Салоҳ ибн Жалол) айрим қисмлари эса ўзбек тилига (таржимонлар: Илёс Низомиддинов ва Турғун Файзиев) таржима қилинган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 127—129 бетлар.

БАНОКАТИЙ. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган шоир ва йирик тарихшунос олим. Тўлиқ исми: Фахруддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абулфазл Муҳаммад Банокатий (1330 йили вафот этган). Қадимги Банокат (Шош) шаҳри Илоқ (яъни Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшилиш жойи) яқинида жойлашган қадимий шаҳар. Чингизхон истилоси пайтида вайрон этилган ва 1392 й. Амир Темур (1370—1405) тарафидан қайта тикланиб ва соҳибқироннинг кичик ўғли Шоҳрух Мирзо шарафига Шоҳрухия деб номланган шаҳарда таввалуд топган. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид бошқа маълумот йўқ. Фақат Элхонийлардан Ғозонхон (1295—1304) ҳамда Ўлжайтухон (1304—1317) саройида хизмат қилгани ва 1301 йили малик уш-шуаро (шоирлар подшоиси) деган фахрли унвонга сазовор бўлганлиги маълум, холос. Машҳур адабиётшунос олим Давлатшоҳ Самарқандий (1435—36—1495) "Фахруддин Абу Сулаймон Довуд Банокатий шоирлиқда ҳам олий мартабага эга эди ва қасидалар ҳамда пишиқ қитъалар битган", — деб ёзади. Лекин у кўпроқ тарихшунос олим сифатида ном қолдириди.

Фахруддин Банокатий жаҳон тарихини ўз ичига олган "Равзат ул-и-л-албоб фи таворих ал-акобир ва-л-ансоб" ("Акобирлар ва асил кишилар тарихи хусусида оқиллар боғи") номи муҳим асар ёзиб қолдирган. Асар 1317 йилда ёзиб тамомланган. У муқаддима ва тўққиз қисмдан иборат: 1. Одам Атодан то Мусо пайғамбаргача ўтган давр ичида яшаган патриарх ва пайғамбарлар; 2. Қадимий Эрон подшолари; 3. Муҳаммад пайғамбар, халифайи Рошидин, имомлар, Умавия ҳамда Аббосия халифалари даври; 4. Аббосийлар билан ҳамаср бўлган сулоалар (Тоҳирийлар, Саффорийлар, Самонийлар, Хоразмшоҳлар ва б.қ.); 5. Яҳудийларнинг пайғамбарлари ва подшолари; 6. Насронийлар ва оврупаликлар, насронийларнинг дини ва эътиқоди. Арманистон ва Овруро мамлакатларининг жуғрофий ҳолати; 7. Ҳиндистон тарихи, ҳиндларнинг дини ва эътиқоди; 8. Хитойлар ва Хитойнинг жуғрофий ҳолати; 9. Мўғуллар тарихи ва уларнинг истилочилик юришлари.

"Равзат ул-и-л-албоб"ни юқорида тилга олинган Рашидуддиннинг "Жомеъ ул-таворих" ("Тарихлар мажмуъаси")

асарининг қисқартирилган нусхаси деб ҳам айтиш мумкин. Лекин "Равзат ул-и-л-албоб"да Рашидуддиннинг асарида учрамайдиган маълумотлар ҳам бор. Масалан, етти иқлим мамлакатларининг тавсифи, Эроннинг 1310–1317 йиллар орасидаги сиёсий тарихи шулар жумласидандир.

Хулласи калом, Фахруддин Банокатийнинг мазкур асари Ўрта Осиёнинг XIII–XIV асрнинг биринчи чорагидаги тарихи, жуғрофий ҳолати, аҳолисининг туриш–турмуши хусусида қимматли маълумотлар беради.

Асар XVII асрдан бери илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари лотин (1677 й.), инглиз (1820) ҳамда француз тилларига таржима қилинган.

"Равзат ул-и-л-албоб"нинг қўлёзма нусхалари Россия, Ҳиндистон, Туркия, Голландия, Англия ва Франция кутубхоналарида сақланмоқда.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 138–139 бетлар.

ЖАМОЛ ҚАРШИЙ. XIII–XIV аср бошларида ўтган тилшунос ва тарихчи олим. Ҳақиқий исми: Абулфазл Муҳаммад ибн Ҳолид. Қўпинча Жамол Қарший номи билан маълум, 1230 йилда Олмалиқда (Ила водийсида: Гулжаннинг ғарбий–шимолий тарафида жойлашган йирик ўрта аср шаҳари, Чигатой улусининг сиёсий, маданий ва баймурий марказларидан бири) руҳоний хонадониде туғилган. Отаси, шаҳарнинг машҳур ҳофизларидан (ҳофиз "Қуръон"ни қироат билан ўқувчи), онаси эса марвлик шайх Абу Алининг авлоди бўлган.

Жамол Қарший дастлабки таълимни олмалиқлик машҳур шайх Заҳириддин Ашраф ибн Нажиб ал-Косонийдан олган: Чингизийларнинг маҳаллий ноиб турк Сугнок текин (1250–1253 йиллар орасида вафот этган) хизматига кириб, ўғли Элбутарга тарбиячи бўлган. Унинг ва Садр Бурҳонуддиннинг ҳомийлигида девони иншога хизматта олинган, лекин 1264 йили истеъфога чиқиб, Кошғарга кетиб қолган. 1264 йили Садр Бурҳонуддин ҳам Олмалиқдан сургун қилинади ва у ҳам Кошғарга келади. Жамол Қарший Кошғарда асосан ижодий меҳнат (шеър ёзиш) билан машғул бўлади. 1302 йили Садр Саъдудиннинг таклифи билан ўзининг муҳим асари "Ас-сурах мин ас-Сахон" ("Фойдали мулоҳазадан келиб чиққан тўғри гап")ни ёзади.

Олим 1269–1294 йиллари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бир қанча шаҳарларида: Иламишда (Анджондан Таласга борадиган йўл устида жойлашган манзил), Шош (Тошкент)да, Барчинлиқкент ва Жандда бўлиб, уларнинг етук олимлари, шоирлари ва шайхлари билан учрашади. Саёхатлар пайтида тўплаган маълумотларидан кенг фойдаланади.

Жамол Қаршийнинг юқорида зикр этилган асари Ўрта ҳамда Марказий Осиё халқларининг XIII асрдаги тарихи, маданияти, йирик шаҳар аҳолиси ва уларнинг умумий аҳволини ўрганишда зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Жамол Қаршийнинг мазкур асари ҳозиргача тўла тарзда биронта тилга таржима қилинмаган. Қўлёзма нусхалари Россия, Англия, Франция ва Германия кутубхоналарида сақланмоқда.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 114 – 116 бетлар.

НИЗОМИДДИН ШОМИЙ. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид жуда кам маълумотга эгамиз. Эронлик олимлар Ҳусайн Наҳичевоний ва Дониш Пажухларнинг сўзларига қараганда, у асли Табриз шаҳридан тахминан икки мил нарида жойлашган Шанби Ҳозоний деган жойда таваллуд топган. 1393 йилнинг 29 августда ҳазрат соҳибқирон томонидан Бағдод олингандан кейин, шайх Иброҳим Лак мазорини зиёрат қилиб турганда унинг ҳузурига келган. "Шу вақтда, – деб эслайди олимнинг ўзи, – бу банда Бағдодда турган эдим. Шаҳар аҳолиси ичидан палос ўпишга етиб келганлардан биринчиси бу банда бўлди. Амир соҳибқирон илтифот қилиб, уни бошқалардан илгари келишини мақтов билан қарши олиб, ҳурмат – эҳтиром кўрсатди ва муборак лафзи билан шундай деди: "Худо сенга ўз раҳматини йўлласинки, бу шаҳардан менинг ҳузуримга биринчи бўлиб чиққан киши сен бўлдинг". (Низомиддин Шомий, "Зафарнома" Таржимон ва масъул муқаррир А.Ўринбоев. Тошкент, «Ўзбекистон» 1996, 184 бет). Шомийнинг ўзи ҳазрат соҳибқироннинг 1401 йил 11 август куни уни ҳузурига чақиртириб, ўз тарихини ёзиб беришни буюрганлигини айтди: "ҳижрий 804 (1401 й. 11 август – 1402 й. 1 август) йили амир соҳибқирон ҳазратлари, камина бандангиз Низомиддин Шомийни ҳузурига келтиришни буюрди. Мен палос ўпиш шарафига мушарраф бўлганимда [ул ҳазрат] сийлашу иззатлаш маросимларини бажо келтириб, лутфу эҳсонлар кўрсатдилар. Шундан кейин тарбият ва бандипарварлик юзасидан олий ишорат содир бўладиган, гарчи ул зот қилган ишларининг бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган эди. Бу банда уларни йигиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб – боб қилиб тартиб беришга машғул бўлгайман, лекин шу шарт биланки, тақаллуфу безак бериш, лоф уруш зийнатидан ўзимни тийгайман ва асар услуби, сўз оройишию иборадорлик санъатидан соф ва ҳоли бўлгай". (Низомиддин Шомий, "Зафарнома", А.Ўринбоев. Тошкент, Ўзбекистон 1996, 22 – 23 бетлар). Шундан кейин Шомий Амир Темур хизматида бўлди ва 1404 йилгача ҳазрат соҳибқироннинг ҳарбий юришларида қатнашиб воқеанавис ҳамда воиз бўлиб хизмат қилди. Олимнинг вафот этган йили ҳам маълум эмас. Ҳофиз Абрунинг сўзларига қараганда, бу воқеа 1404 йилдан кейин содир бўлган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринишича, Шомий ўз асарини 1402 йилгача ёзган, лекин асар ҳали таҳрирга муҳтож бўлганлиги учун ўша учрашувда (ҳижрий 804 йилги учрашувда) уни ҳазрат соҳибқиронга тақдим этолмаган.

Шомий ёзган "Зафарнома" ҳазрат соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келишидан (1370 й.) то 1404 йилгача унинг бошидан кечган воқеаларни ўз ичига олади.

"Зафарнома"нинг иккита таҳрири бор. Биринчиси Амир Темур 1404 йили Озарбайжондан қайтишида унга тақдим этилган нусха ва

иккинчиси 1404 йилнинг 20 мартда Мироншоҳнинг ўғли, Озарбайжон ҳукмдори Мирзо Умарга Қорабоғда тақдим этилган нусха. Шомий умри охирида Табризда истиқомат қилган ва Мирзо Умарнинг хизматида бўлган.

Асар иккита нусхада бизнинг замонамизгача етиб келган. Битта нусха Туркияда—“Нури Усмания” кутубхонасида (тартиб рақами: 3367), иккинчиси Англияда—Британия музейида (тартиб рақами: 23980) сақланмоқда.

“Зафарнома” 1937 ва 1956 йиллари чехословакиялик йирик шарқшунос олим Феликс Тауэр тарафидан икки жилда қилиб Прагада чоп этилган. Асар 1949 йили Анқарада турк олими Нежотий Луғае тарафидан қисқартириб турк тилига ўгирилган. Асар 1969—1972 йиллари Ўзбекистон шарқшунослик институтида Юнусжон Ҳакимжонов тарафидан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилинган эди. Лекин, у 1996 йилгача чоп этилмади. Унинг нашри 1996 йили Асомиддин Ўринбоев тарафидан амалга оширилди.

Асарнинг тили бирмунча содда, воқеалар нисбаган объектив ёритилган. Шомийнинг ушбу асари Амир Темур тарихи бўйича асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 140—141 бетлар; Низомиддин Шомий. Зафарнома / таржимон ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.— 3—10 бетлар.

ҲОФИЗИ АБРУ. Туғилган йили маълум эмас—1430 йили Занжонда (Эрон) вафот этган катта тарихшунос олим. Амир Темур, сўнгра Шоҳрух Мирзо саройида хизмат қилган. Ҳақиқий исм—шарофи: Шиҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал—Хавофий.

Ҳофизи Абру Шоҳрух Мирзонинг топшириғи билан иккита катта асар ёзиб қолдирган.

Булардан бири тарихий—географик мазмунда бўлиб, 1414—1420 йиллар орасида ёзилган ва баъзи шарқшунос олимларнинг, масалан, Ю.Е.Борщевский (Санкт—Петербург)нинг сўзларига қараганда, “Китоб ул—масолик ва—л—мамолик” деб аталган ва Ҳасан ибн Аҳмад Муҳаллабийнинг қаламига мансуб бўлган асар, Ҳофизи Абру уни форс тилига таржима қилиб, айрим янги маълумотлар билан бойитган. Ҳофизи Абру Амударёнинг Каспий денгизига бориб қуйилиши, Мовароуннаҳр ва унинг Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хўжанд ва шунга ўхшаш йирик шаҳарлари ҳақида муҳим маълумотлар келтиради.

Ҳофизи Абру ёзган асарлар (1414—1418) орасида унинг Табарий (қ.), Рашидуддин (қ.), Низомиддин Шомийнинг (қ.) “Зафарнома” китобига ёзган қўшимчалари (зайли) ҳам бор. Булар “Мажмуъ ут—таворих” номи билан машҳур.

Табарий асарига Балъамий битган форсча таҳририга ёзилган зайлда халифа Муқгадир (908—932) замонидан то халифа Мустаъсим (1242—1258) замонигача Аббосийлар халифалигига қарашли мамлакатларнинг ижтимоий—сиёсий ҳаётида кечган воқеаларни ўз ичига олади.

Рашидуддиннинг "Жомий ут—таворих" асарига ёзилган залда Куртлар (Картлар) сулоласидан чиққан подшоҳлар, Туға Темурхон Амир Вали ибн Шайх Али Ҳинду, Хуросон сарбадорлари ҳамда Амир Арғуншоҳ тарихи, яъни Эронзаминда 1306—1393 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган.

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарига ёзилган иловада эса Амир Темур ҳукмронлигининг сўнгги даври ва Шоҳрух ҳукмронлигининг 1416 йилгача кечган тарихи баён қилинган.

Мазкур асарнинг айрим қисмлари (матни, таржимаси билан қўшиб) Х.Баёний (1938), Ф.Тауэр (1959) ва К.Майтра (1934) тарафидан чоп этилган.

Олим яна Шоҳрух Мирзонинг ўғли ва вазири Бойсунгур Мирзонинг (1433 й. вафот этган) топшириги билан 1423—1425 йиллари "Мажмуъ ут—таворих" (бошқа номи "Зубдат ут—таворих") номли катта бир тарихий асар ҳам ёзган. Мазкур асар тўрт қисмга (арбаъга) бўлинган: 1) Исломиятдан олдин ўтган пайгамбарлар ва қадимги Эрон подшоҳлари; 2) Муҳаммад Пайгамбар ва араб халифаликлари (Умавия ва Аббосия халифаликлари); 3) Эроннинг Салжуқийлар ҳамда Мўғуллар давридаги тарихи (Элхон Абу Саъид давригача кечган тарих); 4) "Зубдат ут—таворихи Бойсунғурий". Асарнинг сўнгги тўртинчи қисми бўлиб, оригинал ва муस्ताқил аҳамиятта эга. Унда Амир Темур тарихи қайта ишланган ва бирмунча тўлдирилган ҳамда Хуросон ва қисман Мовароуннаҳрнинг 1427 йилгача кечган ижтимоий—сиёсий аҳволи зикр этилган.

"Мажмуъ ут—таворих"нинг қўлёзма нусхалари Санкт—Петербург, Тошкент ҳамда хорижий мамлакатларда, масалан, Туркия, Германия, Англия, Франция, Эрон ва Афғонистон кутубхоналарида сақланмоқда.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 143—145 бетлар.

МИРХОНД. Ўрта аср тарих илмининг йирик намоёндаларидан бири. Ҳақиқий исми: Муҳаммад Ховандшоҳ ибн Маҳмуд (1438—1498). Ота—боболари асли бухоролик бўлиб, фикҳ илмида замонасининг етук олимлари сифатида шуҳрат топганлар. Масалан, улардан бири Маҳмуд ибн Аҳмад ал—Маҳбубий (тахм. 1300 йили вафот этган) фикҳ илмида пешқадам олим бўлгани учун тож аш—шариъа (шариат тожи) номи билан машҳур бўлган ва Шарқнинг йирик фақиҳларидан саййид Бурҳонуддин Марғилоний (1197й. вафот этган)нинг "Ал—Ҳидоя" асарига шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ "Виқоя ар—ривоят фи масоил "Ал—Ҳидоя" ("Ал—Ҳидоя масалаларини ҳимоя қилувчи ривоятлар") деб аталади. Мирхонд аждодларидан яна бири Убайдулла ибн Масъуд ал—Маҳбубий (1346 йили вафот этган) Тож аш—шариъайи соний (иккинчи шариат тожи) номи билан машҳур бўлган ва "Шарҳ ал—виқоя", "Ан—ниҳоя мухтасар "Ал—виқоя" номли машҳур асарларни ёзиб қолдирган. Мирхонднинг отаси саййид Бурҳонуддин Ховандшоҳ ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, Темурийлар ҳукмронлиги даврида Балхга келиб қолган ва ўша ерда вафот этган.

Мирхонд 1438 йили Балхда туғилиб, умрининг кўп қисмини Ҳиротда кечирган. Олимнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Мирхонднинг набираси, атоқли тарихчи Хондамир

(қ) ўзининг "Хулосат ул—ахбор" ("Тарихлар хулосаси") асарида бобоси ҳақида мана буларни ёзиб қолдирган; "Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад йигитлик чоғларида [турли] илмларни касб этиш ҳамда нафис фазилатларни камолга етказиш йўлида тиришқоқлик билан катта меҳнат қилди.. Қисқа вақт ичида билимдонликда замон фозилларининг пешқадами бўлиб олди. У [кўпроқ] тарих илмини касб этиш ва оламнинг аҳволи ҳамда осору атиқаларини таҳқиқ қилишга киришди. Олижаноб хотирини тез фурсат ичида бу фанни эгаллашдан фориғ қилди, аммо феълү—атвори маишат аҳли билан қўшилишга йўл бермади, завқу шавққа берилмади..., дарс бериш ва амру маърифатга иштиёқ унинг равшан хотиридан асло кўринмади. Аммо [бу ҳол]... орзу ва омонликнинг қиблагоҳи, яъни олижаноб Султон [Ҳусайн] ҳазратлари яқин дўстининг (амир Алишер Навоийнинг) ҳузурларига боргунча ва унинг ҳар турли навозиш, марҳамат, илтифот ҳамда муруватларини топмагунларича давом этди". Яна ўша Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий ўзининг "Ихлосия" хонақосидан бир ҳужрани унга ажратиб берган ва ундан битта тарихий асар ёзиб беришни илтимос қилган. Мирхонд бу асарни қисқа вақт ичида ёзиб тамомлаган, сўнгра умрининг охирида, тахминан бир йил Гозиргоҳда истиқомат қилган. 1497 йилнинг баҳорида Мирхонд оғир касалик (сариг сув—водянка касали)га мубтало бўлиб қолади ва 1498 йилнинг 22 июн куни вафот этади.

Алишер Навоийнинг кўрсатмаси ва ҳомийлиги билан Мирхонд яратган ўша тарихий асарнинг номи "Равзат ус—сафо фи сийрат ул—анбий ва—л—мулк ва—л—хулафо" ("Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи") деб номланган. Асарда оламнинг "яратилиши"дан то 1522—23 йилларгача Эрон, Араб мамлакатлари ва Ўрта Осиёда бўлиб ўтган ижтимоий—сиёсий воқеалар кенг баён этилган.

"Равзат ус—сафо" муқаддима, хотима ва етти жилдан иборат.

1) Дунёнинг "яратилишидан" Сосоний подшоси Яздижард III (632—651) давригача кечган тарихий воқеалар, 2) Муҳаммад Пайғамбар ва халифай рошидин (Абубақр, Умар, Усмон, Али) даврида бўлиб ўтган воқеалар. 3) Ўн икки имом (Али, Ҳасан, Ҳусан, Зайн ал—Обиддин, Муҳаммад ал—Боқир, Жаъфар ас—Содиқ, Мусо ал—Козим, Али ар—Ризо, Муҳаммад ат—Тақи, Али ан—Нақий, Хасан ал—Асқарий, Муҳаммад ал—Маҳдий) тарихи. Умавия (661—750) ва Аббосия (750—1258) халифалари тарихи. 4) Аббосийлар билан замондош бўлган сулолалар (Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар ва б.қ.) 5) Чингизхон ва авлодининг тарихи. 6) Амир Темур замонидан то Султон Абу Саъид ўлимигача (1469) Эрон ва Ўрта Осиёда кечган воқеалар. 7) Султон Ҳусайн Бойқаро (1470—1506) ва авлодининг тарихини (1523 йилгача) ўз ичига олади. Асарнинг сўнгги жилди, юқорида айтилгандек, Хондамир томонидан ёзилган.

Асарнинг I—V жилдлари кўчирма, сўнгги икки жилдигина оригинал бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

"Равзат ус—сафо"нинг қўлёзма нусхалари кўп. Матни Бомбай (1845—1848), Теҳрон (1853—1875—1960) ва Лакхнавада (1874—1883—1891) чоп этилган. Ундан айрим парчалар рус, француз, инглиз тилларида кўп бор нашр этилган. Асарнинг эски ўзбек (XIX а.) ва

усмонли турк (1550) тилларига қилинган таржималари ҳам мавжуд. Ўзбекча таржимаси ҳам етти жилддан иборат.

Адабиёт: СВР АН Уз. История. № 62/5257, 149/3446 стр. 44-60, 61-66; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 153–155 бетлар.

Мовароуннаҳрда кейинги асрларда ҳам истеъдодли тарихшунослар етишди. Улар ҳақидаги маълумотларни қуйида алифбо тартибида келтирамиз.

XV–XIX асрларда ўтган Ўзбекистон тарихшунослари ва географ олимлари

АБДУЛЛА НАСРУЛЛОҲИЙ. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган тарихшунос олим. Асли балхлик. XV асрнинг 80–90 йилларида Балх ҳокими темурийзода Бадиуззамон Мирзонинг хизматида бўлган. Шайбонийхон Ҳиротни ишғол қилган йили (1506) унинг хизматига кирган. Шайбонийхон ўлдирилгандан (916/1510) кейин унинг ўғли Муҳаммад Темур султон билан бирга бўлган ва Самарқандни ишғол этишда иштирок этган. 1511 йили Бобур қизилбошлар билан қўшилиб Самарқандни эгаллагандан кейин, Шайбоний султонлар билан, бирга, Туркистонга кетиб қолган, сўнг Суюнчхожаҳон (Тошкент ва Туркистон ҳокими) билан Тошкентда қолган. Кўп ўтмай Суюнчхожаҳоннинг кенжа ўғли, Шоҳрухия ҳокими Султон Муҳаммад (1533 йили вафот этган)нинг (кўпинча Келди Муҳаммадхон номи билан машҳур) хизматида бўлган ва унинг топшириғи билан "Зубдат ул – асар" ("Солномалар қаймоғи") деган асарини ёзган.

"Зубдат ул – асар" умумий тарих типига ёзилган асар (1525 йили битилган) бўлиб, қадим – қадим замонлардан то 1525 йилгача ислом мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий – сиёсий воқеаларни қисқа тарзда баён этади.

Асар II қисм (фасл)дан иборат; фақат сўнги II – қисм оригинал ҳисобланади ва унда XVI асрнинг биринчи чорагида Хуросон ва Мовароуннаҳрда кечган воқеалар муфассал баён этилади. Айниқса, Шайбонийлар (Суюнчхожаҳон, Кўчкунчихон, Жонибек султон, Убайдуллахон, Муҳаммад Темур султон) билан Бобур ва унинг иттифоқчилари бўлмиш қизилбошлар ўртасида тожу тахт учун борган қуроли кураш, Суюнчхожаҳон ва Султон Саъидхон ўртасида тожу тахт учун олиб борилган жанглар (1512–1514), Фарғонанинг Дашти Қипчоқ ўзбеклари тарафидан қайтадан бўйсундирилиши, Шайбоний султонларнинг 1514, 1520, 1524 йилларда Хуросон устига қилган ҳарбий юришлари ва Балхнинг бўйсундирилиши (1526), шунингдек, Шайбонийлар билан қозоқ султонлари, хусусан Қосимхон (1511–1523) ўртасида Сирдарё бўйида жойлашган шаҳарлар: Туркистон, Сайрам, Сузоқ ва б.қ. учун бўлиб ўтган жанглар тарихи кенг ёритиб берилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кам. Масалан, Россия ва Ўзбекистонда унинг фақат иккита нусхаси сақланиб қолган. Улардан бири Тошкентда (тартиб рақами 608), иккинчиси Санкт – Петербургда

(тартиб рақами 104) сақланади. Лекин, афсуски, уларнинг биронтаси ҳам мукамал эмас.

"Зубдат ул – асар" кам ўрганилган, ҳали – ҳануз тўла равишда чоп этилмаган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 165 – 166 бетлар.

АБДУЛКАРИМ БУХОРИЙ – XIX асрда ўтган бухоролик давлат арбоби (элчи), шоир, тарихнавис олим. Асарида келтирилган ва бошқа маълумотларга қараганда, ҳаёти ва фаолияти ҳақида фақат қуйидагиларни айтиш мумкин. У манғитлар сулоласидан чиққан амирлардан Шоҳмурод (1785 – 1800) ва амир Ҳайдар (1800 – 1825) замонида ўтган ва давлатнинг муҳим дипломатик юмушларини бажарган. У, хусусан, Россия, Афғонистон ва Туркияга махсус Бухоро элчилиги таркибиде борган. Охирги умрини Истанбулда ўтказган ва 1830 – 31 йили ўша ерда вафот этган.

Абдулкарим Бухорий Афғонистон, Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиқларининг 1740 – 1818 йиллар орасидаги тарихидан баҳс юритувчи муҳим бир асар ёзиб қолдирган. Мазкур асар 1876 йили Парижда француз олими К.Шефер тарафидан икки жилда қилиб нашр этилган. Асарнинг биринчи жилди матн бўлиб, иккинчи жилда асарнинг французча таржимаси берилган.

Мазкур асарда, масалан,, Афғонистоннинг катта шаҳарлари, улардан олинадиган солиқ ва жарималар, афғон қабилаларининг Сафавийлар истибдодидан халос бўлиши, мамлакатда Абдолийлар (Дурронийлар) ҳукмронлигининг ўрнатилиши воқеалари баён этилади. Ва яна унда Бухоро хонлигининг ўша замонлардаги тарихи ҳам ёритилган. Масалан,, муаллиф Абулфайзон ҳукуматининг инқирозидан (1747 й.) то амир Ҳайдар давригача (1800 – 1826) кечган воқеаларни баён қилади. Асарда Хива хонлиги тарихига ҳам катта ўрин берилган. Масалан,, мазкур асарда Хоразм тарихи Муҳаммад Амин иноқ давридан (1763 – 1790) то Муҳаммад Раҳимхон(1806 – 1826) замонигача бўлган тарих баён этилади. Асар кўпинча "Марказий Осиё тарихи" деб аталади. Унда Қўқон хонлиги ва у билан қўшни бўлган мамлакатлар тарихига ҳам ўрин берилган. Асарда Фарғона ўлкаси тарихи Норбўтаҳон (1763 – 64 – 1798 – 99)дан то Олимхон (1798 – 99 – 1810) ва Умархон (1810 – 1821 – 22) давлрлари кенг ёритилган. Асар сўнгида Бадахшон, Кашмир, Балх ва Тибат ҳақида ҳам айрим, эътиборга молик маълумотлар учратамиз.

Адабиёт: Низомиддинов И. Абдулкарим Бухорий. Тошкент: ФАН, 1966. – 115 бет.

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ. XV асрда ўтган йирик тарихчи олим. Тўлиқ исми: Камолиддин Абдураззоқ ибн Исҳоқ Самарқандий (1413 – 1482). Ҳиротнинг бадавлат ва нуфузли шахсларидан бири хонадонига мансуб бўлиб, отаси Шоҳрух мирзо (1405 – 1447) ҳузурда қози, аскар ва имомлик лавозимларида хизмат қилган. 1447 йили шу лавозимда Гилонда бўлган. Абдураззоқ Самарқандий яхши билим олган ва фиқҳ, тафсир, ҳадис, араб тили, аруз ҳамда тарих илмларини пухта эгалаб, замонасининг етук олимларидан бири бўлиб етишди.

Абдураззоқ 1438 йили Шоҳрух Мирзо хизматига (фикримизча девони иншога) ишга қабул қилинган. 1463 йилга қадар у дастлаб Шоҳрух, сўнгра Абдулқосим Бобур (1449–1457) ва бошқа темурийзодалар саройида хизмат қилди. Шоҳрух Мирзонинг топшириғи билан икки марта (1444 ва 1447 йиллари) Мисрга элчи қилиб тайинланди, лекин подшоҳнинг вафоти (1447 йил 12 март) сабабли бу иш қолдирилди. Олим Шоҳрухнинг кўрсатмаси билан 1441–1444 йиллари Ҳиндистонга (Вижаянагар штатига) элчи бўлиб борган. У Абулқосим Бобур хизматида бўлганида унинг ҳарбий юришларида (масалан, 1453 йили Мозандарон ва 1454 йили Самарқанд устига қилган ҳарбий юришларида) иштирок этди. У ерда кўрган – кечирганларини эсдалик сифатида ёзиб қолдирди. Унинг мазкур саёҳатномаси 1965 йили алоҳида китоб бўлиб Тошкентда А.Ўринбоев томонидан чоп этилди.

1463 йили Султон Абу Саъид (1451–1469) уни Шоҳрух Мирзонинг Ҳиротдаги хонақосига шайх қилиб тайинлади ва умрининг охиригача ўша муқаддас манзилгоҳда кун кечирди ва асосан илмий фаолият билан машғул бўлди.

Абдураззоқ Самарқандий асосан йирик тарихшунос олим сифатида ном қолдирди. У Эрон ва Ўрта Осиёнинг XIV–XV асрлардаги, аниқроғи 1304–1470 йиллар орасидаги ижтимоий – сиёсий ва маданий ҳаётдан, шунингдек, Темурийлар давлатининг кўшни мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой Миср ва б.қ.) билан бўлган савдо, сиёсий ва маданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи "Матлаъ ус – саъдайн" ва мажмаъ ул – баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ўрни ва икки денгизнинг қўшилиш жойи") деган қимматли асар ёзиб қолдирди. Асар 1467–1469 йиллар орасида ёзилган.

"Матлаъ ус – саъдайн" икки қисм (дафтар)дан иборат:

1) Элхоний Абу Саъид (1317–1336) замонидан то темурий Султон Абу Саъид (1406–1496) давригача Эрон ва Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилади. Асарнинг 1427 йилгача бўлган тарихни ўз ичига олган қисми кўчирма бўлиб, Ҳофиз Абу (833 йил шаввол ойининг 3 – куни / 1430 йил 25 июнь куни вафот этган)нинг "Мажмуъ ут – таворих" ("Тарихлар мажмуъаси") китобига асосланган. "Матлаъ ус – саъдайн"нинг 1427–1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган иккинчи қисми оригинал бўлиб, Эрон ва Ўрта Осиёнинг шу давр ичидаги тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Асарда воқеалар йилма – йил берилган. Бу ҳол асардан фойдаланишда катта қулайликлар туғдиради, албатта.

Абдураззоқ Самарқандийнинг мазкур асари Россия ва хорижий мамлакатларнинг шарқшунос олимлари (Б.А.Дорн, В.В.Бартольд, В.Ф.Минорский, А.Ю.Якубовский, И.П.Петрушевский, Б.Ф.Фофуров, М.Е.Катрмер, М.Шармуа, Муҳаммад Шафеъ ва б.қ.) тарафидан биринчи даражадаги тарихий манба сифатида юксак баҳоланган.

"Матлаъ ус – саъдайн"нинг қўлёзма нусхалари кўп. Улар Россия, Франция, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, АҚШ, Эрон ҳамда бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланади.

Асарнинг матни (иккинчи қисми) покистонлик шарқшунос олим Муҳаммад Шафеъ тарафидан 1941 ва 1949 йиллари Лоҳурда чоп этилган. Ундан айрим парчалар рус, инглиз, француз, турк тилларига

таржима қилинган. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган сафари ҳақидаги қисми ва "Матлаъ ус – саъдайн"нинг биринчи кўчирма қисми А.Ўринбоев томонидан ўзбек тилида 1960 ва 1969 йиллари чоп этилган.

Абдураззоқ Самарқандий илмий фаолиятининг яна бир қирраси ҳам бор. У яхшигина тилшунос олим ҳам эди. Масалан, у 1438 йили қози Азудиддиннинг араб тили грамматикасининг баъзи масалаларига, хусусан, юклама ва олмошга бағишланган "Рисолайи Азудия" китобига шарҳ ҳам ёзган. Бу иши билан Абдураззоқ Мирзо Шоҳрухнинг диққат – эътиборини қозонган.

Адабиёт: Абдураззоқ Самарқандий. Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси / форс, тожик тилидан таржима изоҳлар муаллифи Ўрибоев А, Тошкент: ФАН, 1960. – 132 бет; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 151 – 153 бетлар.

АБДУРАҲМОН ДАВЛАТ. Убайдуллахон ва Абулфайзхон (1711 – 1747 йй.) саройида хизмат қилган мунажжим (астролог), шоир ва тарихшунос олим. Кўпроқ Абдураҳмон Толъ номи билан машҳур. Туғилган ва вафот этган вақти маълум эмас.

Абдураҳмон Давлат "Тарихи Абулфайзхон" номли муҳим бир тарихий асар ёзиб қолдирган. Мазкур асар ҳажм жиҳатдан кичик (161 varaқ) бўлиб, юқорида зикр этилган "Убайдулланома"нинг давоми ҳисобланади ва Бухоро хонлигининг 1711–1723 йиллар орасида кечган тарихини ўз ичига олади. Маълумки, XVIII асрнинг биринчи чорағида Бухоро амирлигининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи янада заифлашади: улус етакчиларининг, яъни маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақиллик учун олиб борган ҳаракати кучаяди; уларнинг айримлари (масалан, Балх ва Самарқанд ҳукмдорлари) марказий ҳукуматга бўйсунмай қўйдилар; Фарғона XVIII аср бошларида (1709 йили) Аштархонийлар давлатидан ажралиб чиқади ва ўлкада мустақил Қўқон хонлиги ташкил топади; 1722 йили Самарқанд ҳам мустақиллик эълон қилади ва Ражабхон исми шахсни хон деб эълон қиладилар (1722–1728); феодал урушлар бошланиб кетади. "Тарихи Абдулфайзхоний" мана шу масалаларни кенг ёритиб берган асардир. Бундан ташқари, асарда Бухоро амирлигининг давлат тузуми ва ўзбек халқининг этник таркиби ҳақида ҳам айрим, диққатга сазовор факт ва маълумотлар бор.

"Тарихи Абдулфайзхоний"нинг тўла русча таржимаси, зарур изоҳлар билан, 1959 йили А.А.Семенов томонидан Тошкентда нашр қилинган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 200 – 201 бетлар; Аҳмедов Б.А. Историко – географическая литература XVI – XVIII вв. (Письменные памятники) Ташкент: ФАН, 1985. – стр. 93 – 95.

АБУЛҚОСИМ МАҲМУД АЗ–ЗАМАХШАРИЙ – XI асрнинг биринчи ярмида ўтган хоразмлик қомусий олим. Тўла исми – шарифи Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад. Ҳижрий 467 йил ражаб ойининг 27 куни (милодий 19 май 1075 йили) Хоразмнинг қадимий

шаҳарларидан Замахшарда диндор (мутазаллий) оиласида таваллуд топган.

Аз – Замахшарий тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис, илм ул – қироатга оид 50 дан ортиқ қимматли асарлар ёзиб қолдирган. У, хусусан, араб тили грамматикасига оид "Ал – муфассал" (Маккада ёзилган), олимлар ва шоирлар ҳаётига бағишланган "Муқаддат ул – адаб", Сибавайхнинг китобига ёзилган муқаммал шарҳ ва хоразмшоҳ Алоуддава Абулмузаффар Отсиз (1127 – 1156)га бағишланган "Муқаддат ул – адаб" асарлари, географияга бағишланган "Китоб ал – амкина ва – л – миёҳ ва – л – жибол" ("Жойлар, сувлар ва тоғлар ҳақида") китоби, "Асос ал – балағ" ("Нотиқлик асослари"), тарих ва адабиётга бағишланган "Рабиъ ул – аброр ва нусус ал – аҳёр" ("Эзгулар баҳори ва яхшилар изҳори") асари шулар жумласидандир.

Муҳим асарлардан бири "Рабиъ ул – аброр" бўлиб, 97 бобдан иборат ушбу китобда адабиёт ва тарихга оид латифалар, суҳбатлар келтирилади. Унинг нодир қўлэмаларидан бири Тошкентда, Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади. Олимнинг аруз вази ҳақида фикр юритувчи "Ал – қустос фи – л – аруз" ("Арузда ўлчов мезони") китоби адабиётшуносликда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Олимнинг "Китоб ал – амкина ва – л – миёҳ ва – л – жибол" ("Жойлар, сувлар ва тоғлар ҳақида") деб аталган географик асари ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир. Маълумки, аз – Замахшарий умрининг катта қисмини сайру – саёҳатларда кечирган. У Ироқ, Сурия, Саудия Арабистони, Яман ва бошқа мамлакатларда бўлган. Ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган мазкур асарини у Ҳижозда ёзган. Алифбо тартибда ёзилган жуғрофий тусдаги ушбу асарда асосан Ҳижоз ҳудудида жойлашган шаҳарлар, машҳур қишлоқлар, водийлар, тоғлар ва сувлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Маҳмуд аз – Замахшарий ҳаётининг охирини ўз юрти Хоразмда кечирди ва милодий 1144 йили Жўржонияда вафот этди.

Адабиёт: Убайдулла Уватов. Маҳмуд аз – Замахшарий, Тошкент: Маънавият, 1995. – 273 бет

АБУЛҒОЗИХОН. Шайбонийлар сулоласига мансуб бўлган Хива хони (1644 – 1664) ва йирик тарихчи олим. Ҳижрий 1012 йил раббӣ ул – аввал ойининг 15 куни (1603 йил 23 августда) Урганчда таваллуд топган. 1619 йилгача ўша шаҳарда истиқомат қилган, сўнг инилари Ҳабаш султон ва Илборс султонлар билан тожу тахт учун бўлган ўзаро курашда мағлубиятга учраб, Бухорога қочиб борган ва Имомқулихон (1611 – 1642) саройидан паноҳ топган. Акаси Исфандиёр хон этиб кўтарилгач (1623 – 24), Хоразмга қайтиб боради. Акаси уни Урганчга ҳоким этиб тайинлайди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, Абулғозихон яна тожу тахт учун курашда, бу сафар Исфандиёрнинг ўзи билан бўлган курашда, мағлубиятга учрайди (1627) ва Туркистонга қозоқ хони Ишимхоннинг ҳузурига қочиб боради (1627 – 28). Орадан бир йил ўтгач, уни Турсунхон Тошкентга олиб кетади. Абулғози Тошкентда 1630 йилгача истиқомат қилади. Орадан кўп вақт ўтмай, Хива туркманларининг таклифи билан, у яна Хоразмга қайтиб боради. Лекин, бари бир, ўз юртига сиймайди.

Орадан ярим йил ўтар – ўтмас, Исфандиёрхон уни Нисо ва Дарун вилоятларига боққинчилик юриши уюштирганликда айблаб, хибсга олдиради ва Эронга шоҳ Сафи I (1629–1642) ҳузурига омонат тариқасида жўнатади. Ўшанда Абулғози Исфаҳон (ўша вақтларда Эроннинг пойтахт шаҳари)даги Таборак қалъасига қамаб қўйилади. У шу тарзда Эронда 10 йил ҳаёт кечиради. 1639 йилнинг ёз кунларидан бирида Абулғози қамоқдан қочишга муваффақ бўлади ва кўп машаққатлар чекиб (икки йил Абулхонда така туркманлар орасида, бир йил Мингқишлоқда қалмоқлар орасида кун кечиради), 1642 йили она юртига қайтиб боради. Исфандиёрхон вафотидан бир йил ўтиб, 1643 йили Орол ўзбеклари уни хон қилиб сайлайдилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили Абулғози Хивадаги рақиблари устидан ғалаба қозониб, мамлакат тахтини эгаллайди.

Абулғозихон феодал ҳукмдор эди. У фаолияти давомида ўз синфига хизмат қилди, унинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилди. Бир неча бор бошқа халқлар ва мамлакатлар устига ғоратгарлик юришлари уюштирди. Масалан, у 1646–1653 йилларда Тажан, Боми бовурма, Атрок ва Жўржон туркманлари устига юриш қилиб, уларнинг юртларини талон – тарож қилди, кўплаб беғуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига сабабчи бўлди. 1658 ва 1661 йиллари Бухоро хонлиги устига қўшин тортиб, бирқанча шаҳар ҳамда қишлоқларни, масалан, Чоржўй, Қоракўл, Вардонзи ва бошқа шаҳарларни талон – тарож қилди.

Абулғозихон ҳам Бобур сингари йирик олим сифатида тарихда қолди.

Абулғозихон саломатлиги бир қадар заифлашиб қолгани учун 1663 йили тожу – тахтни ўғли Ануша (1664–1687)га топшириб, умрининг қолган қисмини илмга бағишлади. Абулғозихон 1074 йилнинг рамазон ойида (1664 йилнинг апрел ойида) вафот этди.

Абулғозихон икки йирик тарихий асар "Шажарайи тарокима" ҳамда "Шажарайи турк ва мўғул" китобларини ёзиб қолдирди.

"Шажарайи тарокима" 1660–61 йили ёзиб тамомланган ва Абулғозихоннинг ўз сўзларига қараганда, туркман мулалари, шайхлар ва бекларнинг илтимоси билан ёзилган. Асар эронлик машҳур тарихчи Рашидуддин (1247–1318)нинг "Жомеъ ут – таворих" асари таъсирида ёзилган ва туркман халқининг этник тарихини, шунингдек, туркманларнинг оғзаки адабиётини, топишмоқ ва масалларини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

"Шажарайи тарокима" рус тилида биринчи марта 1897 йили А.Г.Туманский (1851–1920) тарафидан ва 1958 йили машҳур туркшунос олим, академик А.Н.Кононов тарафидан сўзбоши, зарур изоҳлар ва катта илмий тадқиқот билан чоп этилди.

Олимнинг иккинчи тарихий асари "Шажарайи турк ва мўғул" ("Турк ва мўғул халқларининг шажараси") бўлиб, Хоразм ва Ўзбекистоннинг XV–XVII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим манба ролини ўтайди. Абулғозихон бу асарини тамомлолмаган. VII–VIII ва IX бобларнинг бир қисмигина ёзилган, холос. Асарнинг тамомланмай қолишига Абулғозихоннинг оғир бетоб бўлиб қолиши ва тез орада (1664 йили) вафот этиши сабаб бўлган. IX бобнинг давоми, яъни 1644–1663 йиллар орасидаги воқеалар Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад исмили шахс

томонидан ёзилган. Асарнинг I–VI боблари ҳам ўша Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад тарафидан ёзилган.

"Шажарайи турк ва мўғул" қисқа муқаддима ва 9 бобдан иборат.

Муқаддимада асосан, асарнинг ёзилиш тарихи хусусида сўз боради.

I боб. Одам алайҳиссаломдан Мўғулхонгача ўтган турк хонлари ҳақида.

II боб. Мўғулхондан Чингизхонгача содир бўлган воқеалар ҳақида.

III боб. Чингизхоннинг туғилган пайтидан то вафотигача (1227) содир бўлган воқеалар хусусида.

IV боб. Ўгадайхон (1227–1241) ва унинг Мўғулистонда ҳукмронлик қилган авлодининг тарихи.

V боб. Чингизхоннинг 1227–1241 йиллар орасида Мовароун – наҳрни идора қилган авлоди тарихи баён этилади.

VI боб. Тулуйхон (авлоди Хитойни XVI асргача идора қилган) ва унинг Эрон, Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган авлоди ҳақида.

VII боб. Жучихон (1227 й. вафот этган) ва унинг Дашти қипчоқни идора қилган авлоди тарихи.

VIII боб. Шайбонхон (XIII аср) ва унинг Мовароуннаҳр, Хоразм ва Қримда подшолик қилган авлодига бағишланган.

IX бобда Шайбонхоннинг 1512 йилдан Хоразмни идора қилган авлоди тарихи баён этилган.

"Шажарайи турк ва мўғул"нинг сўнги боби ниҳоятда қимматлидир.

Унда Хоразмнинг 1512–1663–64 йиллар орасидаги ижтимоий – сиёсий тарихи баён қилинган. Шайбонийларнинг Оқ Ўрда тахтига дахлдор эканлиги, Кучимхон ва Дашти ва Қипчоқ ўзбекларининг Сибир хонлиги, туркий халқлар орасида амалда бўлган "курэн" ва "қўш"нинг моҳияти, олий даражадаги шахсларга совға бериш тартиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларнинг тарих ва этнография илмлари учун қиммати бениҳоят каттадир. Асарда Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларидан Вазир, Тирсак, Янги шаҳар, Булдумсоз, Боғобод, Кот, Исм Маҳмуд ота, Чилик ва бошқалар, Амударё ўзанининг ўзгариши ҳақидаги, шунингдек, Хоразмдаги ўзбек уруғлари, Хоразм ўзбеклари билан туркманлар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда муҳимдир.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп. Матни 1824 йили Қозонда, французча таржимаси билан бирга, якки жилда, 1871–1874 йили Петербургда, русча таржимаси 1906 йилда Қозонда (Г.С.Саблуков нашри) чоп этилган. Унинг XVIII асрда қилинган немисча, французча, русча ва инглизча таржималари ҳам бор.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Историко – географическая литература Средней Азии XVI–XVIII в.в. стр. 72–78; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 169–171 бетлар.

АБУ ТОҲИРХОЖА САМАРҚАНДИЙ. XIX асрда ўтган Самарқандлик географ ва биограф олим. Ҳаёти ва илмий – адабий фаолияти ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. У Самарқанд қози калони Абу Саидхожанинг ўғлидир. Қисқаси, фазлу дониш эгалари

хонадонига мансуб бўлиб, бобоси ҳам, отаси ҳам ўз замонда ўқимишли кишилар бўлишган. Масалан,, бобоси Мир Абдулхай (1755—1827) 40 йил мобайнида Самарқанднинг қозикалони бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, у бирталай илмий асарлар ҳам ёзган. "Хавоши Шофеин бар шарҳи Байзавий", "Саҳиҳи Бухорийнинг форсийча шарҳи", "Забири Довуд"нинг форсийча таржимаси, "Ахлоқи Баҳодирхоний", " Ҳидоя шарҳи"нинг шарҳи шулар жумласидандир. Абу Тоҳирхожанинг отаси мавлоно Абу Саидхожа (1849 йил 23 августда вафот этган) ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, фикҳ, ва калом илмларида асарлар ёзган. Абу Тоҳирхожа ҳам кенг маълумотли киши бўлиб, XIX асрнинг 40 йилларида муфтийлик лавозимида турган. Кейинчалик (руслар Самарқандни эгаллаганларидан кейин) Карманга кўчиб кетган ва раис¹ бўлиб хизмат қилган. У 1874 йили ўша ерда вафот топган.

Абу Тоҳирхожа оғир пайтларда ҳаёт кечирди ва ижод қилди. У Самарқанд шаҳри ўзaro урушлар туфайли бузилиб, қуруқ бир чўлга айланиб қолган эди. Муҳаммад Раҳимбий (биринчи манғит амири) Самарқандни қўлга киритиш учун келганда (1752 й.) Самарқандда бирон одам йўқ эди. Муҳаммад Раҳимбий Работи хожа бандини тузатдириб, шаҳарга сув олиб келган. Шаҳарнинг ободонлашуви амир Шоҳмурод даври (1780 й.)дан бошланди. Амир ҳукмронлигининг охирида у бир шаҳар тусига кириб обод бўлди. Шаҳардаги 24 гузар (Ўратепа, Ховос, Зомин ва б.қ.) тикланди.

Абу Тоҳирхожа буларни ўрганиб, эски Самарқандни тиклаб, унинг осору атиқалари ҳақида "Самария" отлиқ бир китоб ёзиб қолдирди. Асар ҳижрий 1260—1265 йиллар орасида ёзилган бўлиб, 11 бобдан иборат.

Биринчи боб Шаҳарнинг "Самарқанд" деб аталиши тўғрисида. Бу бобда шаҳарнинг "Самарқанд" аталишига уч сабаб ва манбалар ("Бурҳони қотеъ", "Масолик ул—мамолик", "Тарихи Табарий", "Ҳафт иқлим" ва ҳ.к.) келтирилади.

Иккинчи боб Шаҳарнинг девор ва истеҳкомларининг аввал ким тарафидан бино этилгани ҳақидадир (масалан,, Кайковус, Гиршосп, Луҳросп, Тубба, Искандар Зулқарнайн).

Учинчи боб: Шаҳарнинг ўрни, об—ҳавоси ҳақида.

Тўртинчи боб: ери, теварак—атрофининг кўриниши тўғрисида.

Бешинчи боб: Самарқанд атрофидаги тоғлар, уларда етишадиган мевалар, ўсимликлар дунёси, уларда яшовчи қушлар (масалан,, Худдин, Кўҳак тоғлари) ҳақида.

Олтинчи бобда вилоят ўрамида жойлашган булоқлар, дарё ва кўллар ҳақида маълумотлар келтирилади. Масалан,, Зарафшон, кўллардан Искандаркўл, шаҳарнинг суғориш тизими; булоқлардан: хожа Дониёл мазори булоғи, бошқа иссиқ ва совуқ булоқлар, Наводон булоғи, Оби Машҳад булоғи ва б.қ. ҳақида муҳим маълумотлар берилади.

Еттинчи бобда Шаҳарнинг теварак—атрофида жойлашган ғорлар ва уларнинг хосиятлари, масалан,, Афросиёб қалъаси ташқарисидаги ғор, хожа Санграсон мазори рўбарасида жойлашган

¹ Раис—ўрта асрларда назоратчи. Шаҳарда нарх—наво ва тош—тарозининг тўғрилигини, шунингдек, мўмин—мусулмонлар тарафидан ислом ва шариат арконларининг бажарилишини назорат қилиб турган мансабдор.

Мискин ғори, Талли Муҳаммад Чоп, хожа Дониёл ғори, ғори Ошиқон, Кўҳак ғори ва б.қ. ҳақида маълумот келтирилади.

Саккизинчи бобда "Самарқанднинг масжидлари ва мадрасалари. Уларнинг хосияти ва сифатлари" ҳақида. Бу ерда масалан,, ҳазрати Хизр масжиди, Абдулла ибн Хаттоб (ҳазрати Умар) масжиди, Улуғбек мадрасаси, хожа Абулфазл масжиди, Жавзоил масжиди, Дари Занжир масжиди, Амир Темур жомеъ масжиди, шунингдек,, расадхона (1428), Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси, Қози Соқий мадрасаси, Тиллақорий мадрасаси, Хожа Аҳрор мадрасаси, Олий мадраса (Арк ичида), қози Ғафур мадрасаси, Надр Муҳаммад девонбеги мадрасаси ҳақида маълумот берилди.

Тўккизинчи боб: Самарқанд ва унинг атрофидаги сербаракот мазорлар", масалан,, Ҳазрати шоҳ (Қусам ибн Аббос), Шайхулислом хожа Абулҳасан, Абу Наср қассоб, Амири Хуросон, Муҳаммад ибн Малик Аштор, хожа Абулҳасан, хожа Муҳаммад санграсон, Ғотфар маҳалласи мазорлари ҳақида.

Ўнинчи боб: Самарқанд арки ичидаги мазорлар, масалан, қутби чордахум мазори, шайхулислом Али Паздавий, шайх Абдурахмон ибн Афв мазорлари ҳақида.

Арк ташқарисидаги мазорлар: Руҳобод мазори, Вайсий ота мазори, Амир Саид Барака мазори, хон Саид имом мазори, Шайх Мансур Мотурудий мазори ва б.қ ҳақида.

Ўн биринчи боб: Самарқанд ва унинг атрофидаги қабристонлар ҳақида.

"Самария" 1921 йили самарқандлик ёш ўлкашунос олим Абдулмўмин Сатторий тарафидан ўзбек тилига ўгирилган, лекин чоп этилмай қолган эди. 1925 йили Садриддин Айний маориф вазирлигининг тошшириги билан асарни нашрга тайёрлаган ва яхшигина сўз боши ҳам ёзган. Лекин, Айний домланинг мазкур иши ҳам қўлёзмалигича қолди. Қўлёзма ушбу сатрлар муаллифи тарафидан, А.Жувонмардиев билан биргаликда, форсчасига солиштириб тузатилди ва 1991 йили "Ёш гвардия" нашриётида чоп этилди.

Адабиёт: Мерос тўплам. Тошкент: Мерос, 1991. — 7—81 бетлар.

АВАЗ МУҲАММАД АТТОР ҲЎҚАНДИЙ. (XIX асрнинг 30—йиллари — 1895—96 й.) Фарғонанинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллудидан (1483) то Худоёрхон (1845—1858; 1862—1863; 1865—1875) давригача, хусусан мазкур хон ҳукмронлигининг 1818 йилигача бўлган сиёсий тарихини баён этиб берган тарихшунос олим. Ўзининг эътироф этишича, асарини қарийб 15 йил мобайнида ёзган. Санкт—Петербурглик йирик шарқшунос олим Н.Д.Миклухо—Маклайнинг сўзларига қараганда, асар 1866—68 йиллар орасида ёзиб тамомланган. Номи "Тарих—и жаҳоннумойи"дир.

Мулла Аваз Муҳаммад ибн домла Рўзи Муҳаммад сўфи аттор асли Қўқонлик бўлиб, Муҳаммад Алихон (1822—1842) Шералихон (1842—1845) ва Худоёрхон билан замондош бўлган.

Асар уч жилддан иборат бўлиб, Муҳаммад пайгамбар замонидан бери Марказий Осиёда бўлиб ўтган воқеаларни баён этади. Асарнинг ҳажми катта—424 varaқдан иборат; суқутлари бор,

хусусан баъзи варақлари йиртиб олинган. Асар охирида етти иқлим ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Адабиёт: СВР А Н. Уз. / История № 571/9455, стр. 207-208; Вахидов Ш. Аваз Муҳаммад Аттор Хукандий и его сочинение "Тарих-и джаханнумайи" ("Тухфат ат-таварих-и хани" деб ҳам аталади) // автореферат кандидатской дис. Ташкент: 1990.

АҲМАД ДОНИШ. Ҳақиқий исми: Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Аҳмад калла номи билан ҳам машҳур бўлган. XIX асрда ўтган кўзга кўринган мутафаккир шоир, адиб, давлат арбоби ва тарихнавис олим. 1827 йили Бухорода таваллуд топган. Ёшлигидан илмга интилиб, тарих, мумтоз адабиёт, математика, астрономия, мусиқа ва тиббиёт илмларини эгаллади. Ҳуснихат ва мусаввирлик сирларини ҳам яхши ўрганди.

Аҳмад Донишнинг фаолияти хатготликдан бошланган ва XIX асрнинг 50-йиллари бошларида амир Насруллоҳон хизматига қабул қилинган, 1870 йили истеъфога чиқиб, илмий фаолият билан машғул бўлган.

Аҳмад Дониш 1857 йили амир Насруллоҳон, 1869 ва 1874 йиллари амир Музаффар (1860-1885) элчилиги таркибида Петербургда бўлди ва Россиянинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишди. Бу сафарлар олимнинг дунёқарошига катта таъсир кўрсатди. Лекин у Бухоронинг Россияга нисбатан ривожланишда орта қолганининг ҳақиқий сабабларини охиригача тушуниб етмади. У жамиятни мавжуд қонун ва давлат тартибини такомиллаштириш йўли билан, одил подшоҳнинг қўли билан қайтадан қуриш мумкин, деб ҳисобларди. Олимнинг бу қарашлари унинг "Наводир ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар") асарида ўз аксини топган (1875-1882 йиллар орасида ёзилган). Аҳмад Дониш мазкур асарида амирга давлатни бошқариш ишларини қайтадан қуришни маслаҳат берди. Амир бундан дарғазаб бўлди ва 70-йиллар охирида Аҳмад Дониш пойтахтдан узоқлаштирилиб, Ғузорга қози қилиб юборилди. 1885 йили, амир Музаффар вафотидан кейин, у Бухорога қайтиб келишга муваффақ бўлди ва қолган умрини илмий машғулотлар билан кечирди. Олим 1897 йили вафот этди.

Аҳмад Дониш илоҳиёт, астрономия, география, адабиёт ва тарихга оид 20 га яқин асар ёзиб қолдирди. "Манозир ул-кавокиб" ("Сайёраларнинг манзаралари"), юқорида қайд этилган "Наводир ул-вақоеъ", "Таржимаи аҳвол амирони Бухорийи шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад" ("Бухорои шариф амирларининг таржимаи аҳволи. Амир Дониёлдан то амир Абдулаҳадгача") асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда олимнинг сўнгги асари (1885 йилдан кейин ёзилган) катта аҳамиятга эга. Асар сўзбошисидан (сайёраларнинг инсон тақдиридаги роли, дин ва унинг жамиятдаги ўрни) кейин қисқа тарзда амир Дониёл (1759-1785), Шоҳмурод (1785-1800), Ҳайдар ва амир Насрулло ҳукмронлиги йилларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилади.

Унинг сўнгги, салмоқли қисми амир Музаффарга бағишланган. Бу қисмда Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги

ижтимоий—сиёсий ҳаёти, шунингдек, чор Россияси қўшинлари томонидан Жиззах (1866 й.) ҳамда Самарқанднинг (1868 й.) ишғол қилиниши воқеалари батафсил ёритилган.

"Таржимаи аҳвол амирони Бухорийи шариф"нинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Самарқанд, Душанба кутубхоналарида сақланади. Асарнинг матни машҳур шарқшунос олим, проф. Абдуғани Мирзоев томонидан чоп этилган. Унинг қисқартирилган русча таржимаси ҳам Душанбада нашр қилинган (1960 й.).

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 208—209 бетлар.

АҲМАД ИБН МАСРУҚ. Шахсини яхши аниқлаб бўлмади. "Насабномаи ўзбекия" ("Ўзбекларнинг наслу насаби ҳақида китоб") номли кичик бир рисоласи билан машҳур. Асар Нақшбандия тариқатининг XVI асрдаги йирик намояндаси хожа Аҳмад ибн мавлоно Жалолиддин Косоний (1461—62—1542—43)нинг "Танбеҳ ас—салотин", "Рисолайи танбеҳ ул—уламо", "Нафаҳот ус—соликин", "Рисолайи зикр", "Силсилат ус—соликин", "Рисолайи батиҳия", "Мирот ус—сафо", "Меърож ул—ошиқин", "Рисолайи Бобурия" ва бошқа асарлари билан бир муқовага жамланган. Мазкур нусха 1896—97 йили Шоҳ Низомиддин ибн домла Шоҳ Саид маҳдум тарафидан кўчирилган. Асар кичик ҳажмда бўлса—да муҳим аҳамият касб этади.

Асар ярмининг афсонавий муқаддимасида ўзбеклар пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом ва рафиқаси Биби Соранинг авлоди бўлган дейилган ва халифа Абубакр Сиддиқ (632—634) замонида Туркистонга келиб қолишган 92 баҳодирнинг фарзандлари, деб таърифланадилар. Қисқа муқаддимадан кейин ўша 92 баҳодирдан тарқалган қавм (уруғ)лар номма—ном келтирилади. Улар, қуйидагилардир: минг, юз, қирқ, ўзбек, ункажот, жалойир, сарой, қўнғирот, олчин, арғин, найман, қипчоқ, чақмоқ, азақ, қолмоқ, торлиқ, тудак, бурлоқ, самарчик, келачи, кинакаш, буйрак, урат, қиёт, хитой, тункли, узжуловчи, кўйчи, ўтажи, бўлатчи, жийут, жот, чилчут, бувмовут, уймовут, орлот, кераит, укалан, қори, араб, илачи, жубурғон, тишлиқ, керай, туркман, дўрмон, тобиш, тама, рамадан, муйтан, уйшин, бадати, ҳофиз, қирғиз, можор, кўчалик, саврон, баҳрин, уйрис, жуброт, бидай, тотор, табиш, миҷқир, сулдус, тубайи, тилов, кирдор, қорқин, ширин, ўғлон, қурлот, бағлон, чинбой, чеҳилкас, уйғур, агар, ёбу, торғил, тургак, тохат, унқут, танқут, манғит, чилчивут, месит, меркит, буркут, қиёт, қурлас.

Асар нашр этилмаган. Қўлёзма нусхаси (тартиб рақами 3386/XXIV) Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Адабиёт: СВР. А. Н. Уз., История. № 640/3386 XXIV, стр. 244. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (Письменные памятники) стр. 129-130.

ЗАЙНУДДИН ВОСИФИЙ. XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган таниқли адиб ва олим. Тўла исми шарифи: Зайнуддин Маҳмуд ибн Абдуҷамил. 1485 йили Ҳиротда туғилган. Отаси ўзига тинч ва маълумотли киши бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаро (1470—1506) саройида кичик лавозимлардан бирини (мунший ёки воқеанавис лавозимини) эгаллаган.

Зайнуддин Восифий яхши ўқиб, атрофлича маълумот олди. У илоҳиёт, тарих, адабиёт каби илмларни яхши эгаллади. 1507–1511 йиллари Шоҳрух Мирзо мадрасасида кўзга кўринган илоҳиёт олими Имодудин Иброҳимдан таълим олди. Чамаси 16 ёшлигида яқин қариндоши ва Ҳиротнинг таниқли зотларидан бўлган амир Соҳибдоронинг воситачилигида вазир Алишер Навоий билан танишиш шарафига муяссар бўлган. У 1500–1502 йиллари Ҳиротлик нуфузли амир Шоҳвали кўкалтош хизматида бўлди; 1502–1507 йиллари Султоннинг ўғилларидан Фаридудин Ҳусайннинг саройида китобдорлик мансабида ишлади.

1511 йилдан кейин Восифийнинг ҳаётида оғир кунлар бошланди. Хуросон Исмоил Сафавий (1502–1524) ва қизилбошилар тасарруфига ўтган (1511–1512 й.)дан кейин, мамлакатда сунна мазҳабидаги мусулмонларни таъқиб этиш кучайди. Шу сабабдан кўп мусулмонлар ўз юрти ва уйларини ташлаб, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга ўтиб кета бошладилар. Булар орасида Зайнуддин Восифий ҳам бор эди. У 1512 йилнинг 17 апрелида бир гуруҳ руҳонийлар, масалан, саййид Шамсуддин Куртий, Амир Ҳусайн ва бошқаларга қўшилиб Мовароуннаҳрга кетиб қолди ва урнинг охиригача (1511 й.) Туркистоннинг Самарқанд, Бухоро, Ясси, Саброн, Шоҳрухия, Пискент, ва Тошкент каби шаҳарларида тирикчилик ўтказди. Мударрис, тарбиячи, имом лавозимларида хизмат қилди. Масалан, у Тошкент ҳокими Кўчқинчixonнинг кичик ўғли Наврўз Аҳмадхонга тарбиячи бўлиб хизмат қилди. Шоҳрухияда турганида Келди Муҳаммадхон ҳукуматида қози аскарлик қилди.

Зайнуддин Восифий 1551 йили оламдан ўтди ва Тошкентдаги шайх Хованд Тоҳур даҳасидаги машҳур мазорга дафн этилди.

Зайнуддин Восифийдан катта, воқеаларга бой мемуар асар — "Бадоеъ ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар") қолган. Икки жилдан иборат қилиб тузилган ушбу асарда муаллифнинг 1512–1532 йиллари Хуросон, Мовароуннаҳр, Тошкент ва Шоҳрухияда кўрган — кечирганлари зўр маҳорат ва юксак санъат билан баён этилади. "Асарда, хусусан, Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий—сиёсий ва маданий ҳаётга оид, хусусан, ўша даврда мамлакатда ҳукм сурган адабий жараён ҳақида ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

"Бадоеъ ул-вақоеъ" 1538–1539 йиллари ёзиб тамомланган.

"Бадоеъ ул-вақоеъ"нинг биринчи жилдида (11 бобдан иборат) олимнинг Ҳиротни тарк этишиб чиқшидан (1512 й.) то унинг Шоҳрухияга, шаҳзода Келди Муҳаммадхон саройига келгунга қадар (1518 й.) кечган воқеалар баёни бўлиб, иккинчи жилдида мазкур хонзода саройида кечган ҳаёт, хусусан, олимнинг саройида тез—тез бўлиб турадиган адабий йиғинлар ҳақидаги эсдаликлари ўрин олган.

"Бадоеъ ул-вақоеъ"нинг қўлёзма нусхалари кўп. Биргина Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институти кутубхонасида мазкур асарнинг ўндан ортқ нусхаси сақланмоқда.

Мазкур асарнинг танқидий матни Санкт—Петербурглик йирик шарқшунос олим А.Н.Боддирев томонидан тузилган ва 1961 йили икки жилд қилиб чоп этилган. Асар 1826 ва 1907 йиллари Хоразмда Диловархожа ва Муҳаммад Аминлар томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Асардан айрим парчалар рус тилида

қозоғистонлик шарқшунос олим В.П.Юдин ва бир қисми ўзбек тилида Норқулов Н тарафидан 1979 йили нашр этилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Историко — географическая литература Средней Азии XVI — XVIII вв. (письменные памятники) стр 155 — 161.

ЗАҲИРИ САМАРҚАНДИЙ XII асрда ўтган самарқандлик ўзбек шоири ва ёзувчиси. Қорахонийлар замонида яшаган ва давлат муассасаларидан бирига бошчилик қилган. Ҳаёти ва ижтимоий — сиёсий фаолиятига тегишли бошқа маълумотларга эга эмасмиз.

Заҳири Самарқандийдан иккита муҳим китоб қолган. Биринчи "Ағроз ус — саёса фи ароз ар — риёса" ("Хукмронлик юргизишнинг сиёсий мақсадлари") деб аталиб, 1156 йили ёзилган. Жамшиддан то Султон Санжаргача Эронда ҳукмронлик қилган подшолар ҳақида маълумот беради. Олимнинг иккинчи асари ахлоқ, одоб ва паңд — насиҳатлардан иборат бўлиб, "Синдбоднома" деб аталади. Асар Қорахоний Рукниддин Қилич Тамғачхонга бағишланган.

Адабиёт: Абдуллаев В, Валихўжаев Б. Дыхание веков. Самарқанд: 1970. — 147 с.

ИСҲОҚХОН ТўРА ТўРАҚўРҒОНИЙ (1862 — 1963). Тўлиқ исм — шарифи: Исҳоқхон ибн Жунайдулла Тўрақўрғоний. Машҳур маърифатпарвар шоир, (Ибрат тахаллуси билан машҳур) тарихшунос олим. "Тарихи Фарғона" асари билан шуҳрат топган.

"Тарихи Фарғона" Қўқон хонлигининг XIX асрдаги сиёсий тарихини ўз ичига олади ва хонлик тарихини ўрганишда муҳим, асосий манбалардан бири ҳисобланади. 1914 — 15 йиллари Тўрақўрғонда ёзилган.

Асарда Қўқон шаҳрига асос солиниши, хонликда Норбўтабий, Олимхон, Умархон, Муҳаммад Алихон, Шералихон (1842 — 1845) ва Худоёрхон даврида бўлиб ўтган воқеалар баён этилади. Асар сўнгида Туркистон, Андижон ва Наманган шаҳарлари ҳақида диққатга сазовор маълумотлар келтирилади.

"Тарихи Фарғона" нашр этилмаган; қўлёзма нусхалари мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида асарнинг тўртта нусхаси (тартиб рақамлари: 11616/І; 75 варақ; 11080, 70 варақ ва 10117/І, 52 варақ) сақланган.

Исҳоқхон Тўранинг 1918 — 19 йиллари ёзилган ва халқни илм — маърифат, касб — ҳунар эгалашга чақирувчи "Меъзон уз — замон" отлиқ яна бир кичик асари (21 варақдан иборат) ҳам мавжуд. Унинг бир нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 1168) сақланади.

Маърифатпарвар олимнинг яна бир асари "Тарихи маданият" деб аталади. Асар Марказий Осиё халқларининг маданиятига бағишланган, муаллифнинг сўзларига қараганда, махсус малакали кадрлар тайёрлаш учун қўлланма сифатида ёзилган. Асар 1926 йили ёзилган. Унинг иккита қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда. (тартиб рақамлари: 11616/ІІ, в. 77 б. — 95 б.; 10117/ІІ; в. 55 а — 70 б.)

Адабиёт: СВР АН. Уз., Узбекистана. История. стр. 227-230.

КАМОЛИДДИН БИНОИЙ. XVI асрда ўтган ҳиротлик шоир ва тарихнавис олим (1453–1512). Хуросонда машҳур бўлган меъмор уста Муҳаммадхон Сабз оиласида таваллуд топган. Ёшлиги оғир пайтларда: Шоҳрух мирзо вафотидан (1447) кейин мамлакатда бошланиб кетган ур – йиқитлар ва Шайбонийхон ҳамда Қора қуюнли туркманлар ҳуружи пайтларида кечган. 1458 йили Қора қуюнлилар подшоши Жаҳоншоҳ (1438–1467) Хуросонга кириб Ҳиротни эгаллагандан кейин ҳиротлик 100 нафар ҳунармандни, аҳлу оиласи билан қўшиб, ўзи билан бирга олиб кетган. Булар орасида уста Муҳаммад Сабз ва унинг оиласи ҳам бор эди. Энди олти ёшга тўлган Камолиддин ҳам ўшанда ота – онаси билан қўшиб олиб кетилади ва у уч йил Шерозда истиқомат қилади. 1461 йили Биноийлар оиласи яна Ҳиротга қайтиб келади.

Навий, Хондамир ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришларича, Камолиддин Биноий кенг маълумотли киши бўлиб, шеърят, иншо, илоҳиёт, муסיқа ва тарих илмларини чуқур билган. Бундан ташқари, у меъморчилик санъатида ҳам замонасининг пешқадам кишиларидан ҳисобланган. Муҳаммад Сабз ва унинг ўғли қўли билан бунёд этилган бинолар мамлакатнинг бошқа шаҳарларида, шунингдек, пойтахт Ҳиротда ҳам кўп бўлган. Масалан,, 1481 йили ҳозирги Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида (эски номи Хожа ҳайрон) халифа Али ибн Абу Толиб (656–661) мозори устига қурилган муҳташам мақбара ва бошқа бинолар шулар жумласидандир. Олим ва шоирнинг "Биноий" деб аталиши ҳам шундан бўлиши керак.

Камолиддин Биноий кўп вақт ўтмай Табризга кетиб қолди ва 1492 йилгача ўша юртда Султон Яъқуб Оқ қўюнулу (1478–1490) саройида хизмат қилди. 1492 йили у яна она шаҳри Ҳиротга қайтди, лекин 1495 йили, айрим сабабларга кўра (ўзининг сўзларига қараганда, баъзи ҳасадгўйларнинг иғвоси сабабли), Самарқандга кетиб қолади. У дастлаб хожа Убайдулла Аҳрорнинг тўнғич ўғли хожа Қутбиддин Яхъё, кейин Заҳриддин Муҳаммад Бобур, сўнгра 1501 йилдан то умрининг охиригача Шайбонийхон ҳузурида сарой шоири ва солномачи бўлиб хизмат қилди. 1507 йили Биноий Шайбонийхон билан бирга Ҳиротга келди ва 1510 йилгача ўша ерда ҳаёт кечирди. 1511 йили шаҳарга Исмоил Сафавий (1502–1524) қўшинлари яқинлашиши сабабли у яна Мовароуннаҳрга кетиб қолди ва Қарши шаҳрида кун кечирди. 1512 йили Қарши мудофачилари сафида туриб шаҳарни чор атрофдан қуршовга олган қизилбошларга қарши жанг қилди ва ўша урушда ҳалок бўлди.

Камолиддин Биноий айниқса, тарихшунос олим сифатида ном қоздирди. У "Шайбонийнома" номли қимматли тарихий асар муаллифидир. Мазкур асар Мовароуннаҳр ва Қозогистоннинг XV асрнинг сўнгги чораги XVI асрнинг бошларидаги тарихни баён қилган муҳим асарлар жумласига киради. Асар 1505–1507 йиллар орасида ёзилган. У 1450–1505 йиллар орасида Ўрта Осиё ва Қозогистонда, шунингдек, Хуросонда кечган ижтимоий – сиёсий воқеаларни қисқа тарзда, лекин аниқ қилиб баён этади. Асарнинг яна бир муҳим томони шундаки, у географик (масалан, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган йирик ўрта аср шаҳарлари: Саброн, Сигноқ, Арқуқ, Ўтрор, Туркистон, Ўзганд, Оққўрғон, Хоразмга қарашли

Урганч, Вазир, Булдумсоз, Адоқ ва бошқалар ҳақида), этнографик (масалан,, Дашти Қипчоқ ўзбеклари, уларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётда тутган ўрни) фактларга бойдир. Бундан ташқари, асарда Шайбоний амир ва аскарларининг бебошликлари, уларнинг босиб олинган шаҳару қишлоқларнинг халқига ўтказган зулми ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотлар келтирилади.

"Шайбонийнома"нинг ўзбекча матни ҳали чоп этилмаган. Лекин, қўлёзманинг бизгача кўп нусхаси етиб келган. Фақат биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида ундан 7 нусха сақланган. Улардан бири (тартиб рақами: 844) энг кўхна ва мўътабар нусха бўлиб, Шайбонийхон ҳали ҳаётлик пайтида унинг шахсий котиби Муҳаммад Мўъмин мирзо тарафидан кўчирилган. Унинг айрим жойлари Шайбонийхоннинг ўз қўли билан кўчирилган. Асарнинг яна бир эътиборли нусхаси (тартиб рақами 3122) асарнинг хоразмлик машҳур тарихшунос ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний тарафидан қилинган ўзбекча таржимасидир. Асардан айрим парчалар рус тилида илмий тўпламларда чоп этилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 175 – 177 бетлар.

МАЪСУД ИБН УСМОН ҚЎҲИСТОНИЙ – XVI асрда ўтган тарихчи олим (1590 й. вафот этган). Ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарда ("Тарихи Абулхайрхоний") келтирилган маълумотлардан баъзи фактларнигина билиб олиш мумкин, холос. Шунга қараганда, у дастлаб Шайбоний ҳукмдорлардан Суюнчхожахон (1531 – 1534)нинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилган. Унинг вафотидан кейин эса, ўғли ва Самарқанд ҳокими Абдуллатиф султон (1540 – 1552)нинг хизматида бўлган ва унинг топшириғи билан "Тарихи Абулхайрхоний" ("Абулхайрхон тарихи") асарини ёзган (шайбоний Абдуллахон I даврида – 1539 – 40 йили ёзилган).

"Тарихи Абулхайрхоний" умумий тарих типига ёзилган асар бўлиб, оламнинг "яратилиши"дан то XV асрнинг 60 – йилларигача мусулмон мамлакатларида бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Асар асосан кўчирма бўлиб, унинг асосий қисмида исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, Муҳаммад Мустафо, халифайи Рошидин, Умавия, Аббосия халифалари, халифаликнинг шарқий қисмидаги мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилган маҳаллий сулоалар: Саффорийлар, Сомонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар, Мўғуллар (Чингизхон), қоонлар, Темур ва Темурийлар тарихига бағишланган. Унинг фақат охириги қисми (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 9989, в. 209а – 240а) Шайбоний Абулхайрхон (1413 – 1469) ва унинг тарафидан Дашти Қипчоқнинг шарқий ва ғарбий – жанубий қисмларида ташкил топган Дашти Қипчоқ ўзбеклари давлати (1428 – 1469) тарихига бағишланган. Асарнинг бу қисми оригинал бўлиб, Шайбонийлар сулоласи тарихини баён этувчи номаълум бир манбага ва воқеаларга шоҳид бўлган кишилар: Шайбонихон, Суюнчхожахон ва йирик амирларнинг хотиралари асосида ёзилган. Асар охирида Самарқанд, Туркистон ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Шайбоний ҳукмдорлар тарихи қисқа тарзда баён этилади. Шунингдек, Абулхайрхоннинг

шажараси келтирилади. Асар охирида муаллиф бундай деб ёзади: "Кейин, икки тилга қалам, Тангрининг инояти ва марҳамати билан олам подшоши Шайбонийхоннинг ҳол – аҳволи ва ишларини қаламга олади" (в. 240а). Аммо асарнинг бу қисми нимагадир ёзилмай қолган.

"Тарихи Абулхайрхоний"нинг қўлёзма нусхалари анчагина (улар ҳақида қаранг: "СВР АН Уз. т. V, Тошкент, ФАН, 1960, стр. 36-41. А.Т.Тагирджанов. Описание таджикских и персидских рукописей биб-ки ЛГУ, т.1, Ленинград, Наука стр. 134. Ч.А.Стори, Персидская литература. Библиографический очерк, часть I, Москва Наука 1972, стр. 397-399). Асарнинг яхши нусхаларидан бири Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг 9989 рақамли қўлёзмаси бўлиб, унда машҳур расом Бехзод (1455–1537) чизган турли мавзудаги 34 миниатюра мавжуд.

Асарда Дашти Қипчоқ ўзбеклари давлатининг ташкил топиши (1428), темурийлар (Абу Саид, Муҳаммад Жуқий, Минучеҳр Мирза, Султон Ҳусайн) билан Абулхайрхон ўртасидаги муносабатлар, Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида XIV–XV асрларда кўчиб юрган ва кейин ўзбек халқи таркибига қўшилган турк – мўғул қавмлари, Дашти Қипчоқ ўзбекларининг ҳарбий санъати ҳақида муҳим маълумотлар топамиз.

Асар ҳали – ҳануз бирон тилга, хусусан ўзбек ва рус тилларига таржима қилинмаган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. стр. 145-147; Ахмедов Б.А. Тарих-и Абу-л-Хайр-хани как источник по истории кочевых узбеков, // Вестник ЛГУ, № 14, 1960. – стр. 28-35; Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI-XVIII вв. (Письменные памятники.) стр. 37-39.

МИР МУҲАММАД АМИНИ БУХОРИЙ (1643 ёки 1652–53 йиллар ораси). Убайдуллахон ва Абулфайзхон даврида яшаб ижод этган тарихшунос олим. Кўп ўтмай давлат хизматидан истеъфога чиқарилган, лекин 59 ёшга кирганда Убайдуллахон уни, Бекмуҳаммад додхоҳнинг воситачилиги билан, яна хизматга олган.

Мир Муҳаммад Амини Бухорий Убайдуллахоннинг топшириғи билан унинг тарихини ёзган (1710–11–1715–16 йил ўртасида). Асар "Убайдулланома" деб аталади. Асар Бухоро хонлигининг Убайдуллахон даврида ва Абулфайзхон ҳукмронлигининг бошларида бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олган тарихини баён этади. Асар сўнгида XVIII аср бошларида Бухорода истиқомат қилган илоҳиёт олимлари ва шоирлардан баъзилари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. "Убайдулланома"нинг муҳим томони шундаки, унда XVIII аср бошларида мамлакатда кучайиб кетган айирмачилик курашлари ва ўзаро феодал урушларнинг кучайиб кетиши натижасида марказий давлат аппаратининг кучсизланиши, аштархонийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши сабаблари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. "Убайдулланома"да Бухоро хонлигининг маъмурий тузилиши ҳақида, яхши ёритилган, шунингдек,, этнографик ва географик маълумотлар ҳам кўп.

Асарнинг анчагина қўлёзма нусхаларигина бизгача етиб келган. Улардан еттитаси ҳозирда республика ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Унинг А.А.Семёнов амалга оширган русча таржимаси 1957 йили Тошкентда чоп этилган.

Алабиёт: О.Д.Чехович, Бухарская летопись XVIII века "Убайдуллоном" —// Сб. "Письменные памятники, т. VIII, Москва: Наука, 1959. — стр. 191-227; Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии в XVI-XVIII вв. (Письменные памятники), стр. 87-93.

МИР ОЛИМ БУХОРИЙ (XIX аср). Бухоролик тарихнавис олим. Ҳаёти ва илмий – ижтимоий фаолиятига оид маълумотлар кам. Унинг хусусида фақат қуйидагиларни айтиш мумкин, холос. Бухоро амири Насруллохон (1826 – 1860) даврида Ғузор (Ҳузор) ҳокими Муҳаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва шахсан унинг топшириғи билан "Фатҳномаи Султоний" ("Султон [ҳазратлари]нинг зафарли юришлари ҳақида китоб") номи тарихий асар ёзиб қолдирган.

Асар амир Шохмурод (1785 – 1800) давридан то амир Насруллохон ҳукмронлигининг дастлабки йиларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида маълумот беради, лекин Шохмурод ва амир Ҳайдар (1800 – 1825) даврлари қисқача, амир Насруллохон даври батафсил баён этилган (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 1838, в. 76 – 556). Аммо мазкур нусха (тартиб рақами 1838) асарнинг биринчи жилди бўлиб, унинг иккинчи жилди, номаълум сабабларга кўра, ёзилмай қолган.

"Фатҳномаи Султоний"нинг биринчи жилди машҳур шарқшунос олима, марҳума О.Д.Чехович тарафидан рус тилига таржима қилинган, лекин чоп этилмай қолган. Таржиманинг қўлёзмаси ҳозирда Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Алабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 207 бет.

МИР ҲУСАЙН ИБН АМИР ҲАЙДАР (XIX асрнинг биринчи ярми) Манғит султонлари, шайбонийлар ҳамда аштархонийлар даврида ҳукмронлик қилган хонлар даврида (XVI – XVIII асрлар) Мовароуннаҳрнинг ижтимоий – сиёсий аҳволи тарихига бағишланган "Тарихи салотини Манғития, Ўзбекия ва Аштархония" деган каттагина (144 varaқ) тарихий асар ёзиб қолдирган тарихшунос олим.

"Тарихи салотини Манғития, Ўзбекия ва Аштархония"дан бир нусха (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами П 2/XI суқутли; аввали ва охири йўқ; воқеалар тафсилоти Убайдуллохон V ҳукмронлигининг аввалида бўлиб ўтган воқеалар баёни билан тугайди) бизнинг замонамизгача етиб келган.

Асарни тахминан уч қисмга: 1) манғит улусининг тарихи (Олгин ўрдалик машҳур амир Идиқубий 1352 – 1419)дан то Худоёр парвоначи (1612 й.гача) давригача кечган тарихи; 2) Шайбонийлар тарихи (Абу Саъидхондан, 1531 – 1533 – 34 то Пирмуҳаммадхон II; 1598 – 1697) давригача кечган тарихи; 3) Аштархонийлар тарихи (Боқи

Муҳаммадхондан; 1601–1611 то Убайдуллахон II, 1798–1756 гача бўлган тарихи)ни ўз ичига олади.

Асарнинг катта қисми кўчирма (компиляция) бўлиб, асосан Камолиддин Биноийнинг (қ) "Шайбонийнома", Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома", Абдурахмон Жомийнинг "Силсилат уз-заҳаб", Муҳаммад Юсуф муншийнинг "Тарихи Муқимхоний", Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллонома" асарларидан олинган.

Лекин, ушбу асарда, бошқа манбаларда учрамайдиган янги, муҳим маълумотлар ҳам бор. Сирдарёнинг сўл соҳилида жойлашган ва XVI асрда мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган Бош Ўзганд ва Оёқ Ўзганд шаҳарлари ва Оққўрғон ҳақида маълумотлар (в. 6), 1590–91 йили мамлакатда содир бўлган вабо касали (в. 96 а), 1645 йили Хўжанда юз берган фитна ва Надр Муҳаммадхоннинг ҳокимиятдан четлаштирилиши (в. 124 а), 1643–44 йили Имомқулихоннинг амри билан Бухоро атрофида жойлашган қўшқўрғонга наҳр қазиб, сув олиб келиниши (в. 120б), шайбонийзода Абдумўминхоннинг амри билан Балхда хожа Абу Наср Парсо мазорига қурилган баледа ҳашаматли равоқ, Субҳонқулихон замонида Балхда бино қилинган мадраса, кўринишхона ва Аминобод чорбоғи шулар жумласидандир.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко – географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. (Письменные памятники) стр. 135 – 137.

МИРЗА БАДИЪ ДЕВОН – Бухоро хонлигида юқори давлат муассасаларида, хусусан молия, ер ва солиқ ишлари билан шуғулланувчи девон хизматчилари учун махсус қўлланма сифатида яратилган "Мажмуъ ал-арқом" ("Рақамлар тўплами") номи муҳим асари билан шуҳрат қозонган олим. Келиб чиқишига қараганда ("Охунд мулла Бадиъ девон ибн мулла Шаҳобиддин девон ибн мулла Улуғ девон ибн мулла Риза девон ибн Мирза Муҳаммад Раҳим кутвол ибн Мирза Тоҳир девон") юқори давлат лавозимида турган мансабдор оиласига мансуб бўлган. Олим мазкур асарини 1798 йили ёзишга киришган. Шунга қараганда, муаллиф XVIII асрнинг сўнгги чорагида ўтган.

"Мажмуъ ал-арқом" беш бобдан иборат асар. Асар охирида хонликда амалда бўлган мансаблар, мансабдорларнинг бурч ва вазифалари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

"Мажмуъ ал-арқом"нинг қўлёзма нусхалари кам. Унинг эътиборли нусхаларидан бири Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 493/2463/1) яна бир нусхаси Тошкент Миллий университетининг кутубхонасида (тартиб рақами: 171914), учинчиси Санкт – Петербургда – Россия Шарқшунослик институтининг Санкт – Петербург бўлими кутубхонасида (тартиб рақами: В 2147) ва ниҳоят, тўртинчиси Тожикистонда Абулқосим Фирдавсий номидаги кутубхонада (тартиб рақами: 649) сақланмоқда.

Асар 1981 йили Москвада ўзбекистонлик шарқшунос олима А.Б.Вилданова тарафидан рус тилида, сўз боши ва зарур изоҳлар билан кўшиб chop этилган.

Адабиёт: СВРАН Уз.Р т 1 Тошкент: ФАН, 1952. – 219–220 бетлар;

МИРЗА ОЛИМ ТОШКАНДИЙ (XVIII асрнинг иккинчи ярми) – XIX асрда яшаб ижод этган тошкентлик тарихшунос олим. Тўлиқ исми шарифи: Мирза Олим ибн домла Мирза Раҳим Тошкандий. Ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид маълумотларга эга эмасмиз. Ундан "Ансоб ус – салотин ва таворих ул – ҳавоқин" ("Султонлар шажараси ва ҳоконлар тарихи") номли тарихий асар қолган. Мазкур асар XIX аср охирларида ёзилган. Унда Фарғона ўлкасининг XV – XIX асрлар орасидаги сиёсий тарихи баён этилган. Айниқса, 1842 – 1875 йиллар тарихи кенг ёритилган.

"Ансоб ус – салотин" ҳали чоп этилмаган. Унинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда. Қўлёзмаларнинг тартиб рақами: 3753, 7515, 9841 ва 1314.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 173 – 174 бетлар.

МИРЗА САЛИМБЕК (тўлиқ исм – шарифи: Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим) XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида ўтган бухоролик тарихчи олим. Ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолияти ҳақида фақат қуйидагиларни айтиш мумкин. 1851 – 52 йили Бухоройи шарифда бадавлат ва нуфузли хонадонда дунёга келган. 1871 йили Нарпай ва Зиёвуддин ҳокими, келгусида девонбеги бўлиб хизмат қилган. Останақулбек маҳкамасига хизматга кирган. Лекин орадан ярим йил ўтар – ўтмас амир Музаффар (1860 – 1885) уни чойфуруш қиёфасида Тошкентга жўнатган. Унга рус маъмуриятининг хатти – ҳаракатларини кузатиш ва бу ҳақда Бухорога ахборот бериб туриш вазифаси юклатилган эди. 1882 йили Тошкентдан чақиртириб олинган ва маълум вақт амирнинг шахсий хизматида турган, сўнг Тошкентга вакил қилиб жўнатилган ва генерал – губернатор Н.О.Розенбах (1884 – 1889) ҳузурида Бухоро хонлигининг расмий вакили бўлиб турган. 1885 йили Мирза Салимбек амир тарафидан мирохур мансабига тайинланади ва Хутфар ҳамда Сомжен туманлари бўйича закотчи (солиқ ундирувчи) лавозимида хизмат қилади. Абдулаҳадхон (1885 – 1910) даврида Бухоро элчилиги билан Санкт – Петербургга борди (элчилик ҳақидаги маълумотлар унинг "Тарихи Салимий" асарида (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами: 2016, в.90 а) баён этилган. 1888 – 89 йили Мирза Салимбек Бухоройи шарифнинг миршаби этиб тайинланади ва бу лавозимда беш йил (1899 йилдан бошлаб) хизмат қилади. Кейинчалик у тўқсабо лавозимига кўтарилади ва Яккабоғ, Нурота, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз ҳамда Чоржўй вилоятларига ҳокимлик қилади. Амир Саййид Олимхон (1910 – 1920) даврида бош закотчи мансабида туради ва Қушбегийи пойон вазифасини бажаради. 1920 йили у, амирнинг амр – фармони билан, қамоққа олинади ва мол – мулки мусодара қилинади. Лекин кейинчалик 1920 йили озод этилиб, турли ташкилотларида хизмат қилади. Мирза Салимбек 1936 йили вафот этган.

Мирза Салимбек бир неча муҳим тарихий ва адабий асарлар ёзиб қолдирган. "Кашкули Салимий ва тарихи мутақаддимин ва мутаохрин" ("Салимийнинг дарвишлик кашкули ва қадимий ва ундан кейинги замон тарихи" 1914 йили Тошкент типо-литографиясида чоп этилган), "Жомеъ ул-гулзор" ("Гулзорлар мажмуъи"), "Каъб ул-Ахбор ҳикоялари ва ҳикояти Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва ҳикояти пайғоми Оллоҳ таолоҳ ба Мусо алайҳиссалом" ("Каъб ул-ахбор ҳикоялари, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ҳамда Оллоҳ таолоҳ Мусо алайҳиссаломга юборган яхшиликлар ҳақида ҳикоя") ҳамда "Салимий тарихи" шулар жумласидандир.

"Тарихи Салимий" муҳим тарихий асар бўлиб, XX асрнинг 20-йилларида ёзилган. Унинг биринчи қисмида Марказий Осиёнинг Чингизхон ва чингизийлар замонидан манғит подшоҳларидан амир Музаффаргача кечган тарихи (унда темурийлар, шайбонийлар ва аштархонийлар тарихи ҳам ўрин олган) баён этилган. Асарнинг иккинчи қисмида (169 varaқ) муаллиф ўзи кўрган воқеаларни баён қилган. Бу қисмда Бухоро амирлигининг давлат тузилиши, солиқ ва жарималарни ундириш тартиби, хонлик аҳолисининг машғулотини ва Бухоро амирлигининг Россия билан муносабатлари ҳамда Мирза Салимбек ҳоким бўлиб турган Яккабоғ, Нурота, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз ҳамда Чоржўй вилоятларининг тафсилоти келтирилган.

Асар қўлёзмаси (тартиб рақами: 2016, қимматли, айрим жойлари муаллифнинг ўз қўли билан кўчирилган; 231 varaқ). Асар тошкентлик истеъдодли шарқшунос олим Наим Норқулов тарафидан атрофлича ўрганилиб рус тилига таржима қилинган ва номзодлик диссертацияси ҳолида ёқланган.

Адабиёт: Л.М.Епифанова. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России. Бухара, Ташкент: ФАН, 1965. — стр. 44-51; Вильданова А.Б. Ценный источник по истории Бухарском ханства. / Сб. Материалы по Востоку, Ташкент: ФАН, 1966. — стр. 111-114 Норқулов Н.К. "Тарихи Салимий"- ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860-1920) // Автороф. канд.дисс. Ташкент: 1968.

МИРЗО МУҲАММАД ҲАЙДАР. XVI асрда ўтган йирик тарихчи олим. Ота-боболари (Ўртубу, Пўлодчи, Худайдоҳ, Саид Аҳмад, Саид Али, Сонсиз Мирзо, Муҳаммад Ҳайдар, Муҳаммад Ҳусайн) турклашган мўғул уруғларидан дуғлот (мўғ. "доғолот" — чўлоқ) қабиласига мансуб бўлиб, Мўғулистон хонлари (Чигатойлар) даврида улусбеги, Кошғар ҳокими лавозимларида турганлар. Олимнинг отаси амир Муҳаммад Ҳусайн бир вақтлар Андижонда Умар шайх Мирзо, сўнгра Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон (1487—1503) хизматига бўлган. У 1495—1503 йиллари ана шу Султон Маҳмудхон номидан Ўратепани идора қилган. Амир Муҳаммад Ҳусайн 1503 йили хонлар (Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон) Ахси атрофида Шайбонийхон қўшинлари тарафидан тор-мор келтирилган ва асир олинганини эшитиб, Қоратегинга, ундан Қундуз, сўнг Ҳиротга Султон Ҳусайн Мирзо қошига қочиб борди. Муҳаммад Ҳусайн кўп ўтмай Кобулга, Бобур Мирзо ҳузурига қочиб боради; 1507 йили Бобурга қарши фитнада айбланади ва яна Ҳиротга қочиб

келади. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо 1508 йили Шайбонийхоннинг амри билан қатл этилган.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо 1500 йили Тошкентда таваллуд топган. Отаси ўлдирилгандан кейин Муҳаммад Ҳусайнга содиқ кишилар уни бирмунча вақт Бухорода асраганлар, сўнг Бадахшонга олиб бориб қариндоши Султон Увайс Мирзонинг қўлига топширганлар. Муҳаммад Ҳайдар кейинчалик Кобулга келади ва 1513 йилгача Заҳрирадин Муҳаммад Бобур хизматида бўлади. 1512 йили кузда у Андижонга, Султон Саидхон ҳузурига келади ва у билан кўшилиб Кошғарга кетиб қолади. Султон Саидхон кўп ўтмай бу ерда Абубакр дуғлот устидан ғалаба қозонади ва Кошғар ҳамда Ёрқандни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Муҳаммад Ҳайдар 1533 йилгача, яъни Султон Саид вафотига қадар, унинг хизматида бўлади: дастлаб хонзода Абдурашидхонга тарбиячилик (оталиқ) қилади, сўнг йирик – йирик ҳарбий бўлинмаларга бошчилик қилади ва хоннинг Бадахшон, Лолак, Кофиристон ва Тибат устига қилган ҳарбий юришларида фаол иштирок этади.

Лекин отаси ўрнига тахтга ўтирган Абдурашидхон (1533 – 1570) дуғлот амирларини таъқиб остига олади, уларнинг баъзиларини қатл этади. Булар орасида Муҳаммад Ҳайдарнинг тоғаси Саид Муҳаммад Мирзо ва қариндошларининг кўпчилиги ҳам бор эди. Муҳаммад Ҳайдар бундан хабар топиб (у бу вақтда Тибатда эди), Бадахшон тарафга қараб қочади ва кўп машаққатлардан кейин Кобулга, Комрон Мирзо ҳузурига келади, сўнг у ердан Аграга, Ҳумоюн подшоҳ ҳузурига боради ва унинг хизматидаги киради.

Муҳаммад Ҳайдар 1541 йили, Ҳумоюннинг ҳарбий ёрдами билан Кашмирни бўйсундиради ва у ерда қарийб 10 йил ҳукмронлик қилади. У 1551 йили тоғлик қабилалар билан тўқнашув вақтида ҳалок бўлади.

Муҳаммад Ҳайдар замонасининг ўқимишли ва кенг маълумотли кишиларидан эди. Бобур Мирзонинг гувоҳлик беришига қараганда, Муҳаммад Ҳайдар дурустгина шоир, хаттот, рассом, шунингдек, найза ва камон ясовчи уста бўлган. Муҳаммад Ҳайдардан бизнинг замонамизгача икки йирик асар етиб келган. Булардан бири "Жаҳоннома" аталиб, эртак сюжетига ёзилган. Унинг ягона қўлёзма нусхаси Берлин кутубхоналаридан бирида сақланмоқда. Олимнинг иккинчи асари илм аҳлига кўпдан маълум бўлган "Тарихи Рашидий" дир.

"Тарихи Рашидий" (1544–1546 йиллар орасида Кашмирда ёзилган) икки қисм (дафтар) дан иборат бўлиб, биринчи қисмда Мўғулистон халқларининг тарихи Туелуқ Темурдан (1348–1362 йй.) то Абдурашидхоннинг тахтга ўтиришигача (1533 й.) бўлган даврни ўз ичига олади. "Тарихи Рашидий"нинг биринчи дафтари турли нақл ривоятлар, шунингдек, Ёқут Ҳамавийнинг "Мўъжам ул-булдон", Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой", Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих", Жамол Қаршийнинг "Мулҳақот ус-Суроҳ", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус" ва, ниҳоят, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн" китоблари асосида ёзилган. Лекин унда Марказий ва Ўрта Осиёнинг XIV – XV асрдаги ижтимоий – сиёсий ҳаётига оид янги, оригинал маълумотлар кўп. Қолаверса, биринчи дафтар Кошғар,

Қозоғистон, шунингдек, Ўрта Осиёнинг XIV–XVI аср ҳақидаги маълумотлари билан қимматлидир. Иккинчи дафтар хотира тарзида ёзилган бўлиб, Қошғар, Ўрта Осиё, Афғонистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Муҳаммад Ҳайдар ва унинг "Тарихи Рашидий" асари ўтган асрнинг ўрталаридан бери илмий жамоатчиликнинг диққат – эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари уйғур, эски ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган. Асарнинг қисқартирилган инглизча таржимаси ҳам бўлиб, 1895 йили Лондонда нашрдан чиққан. "Тарихи Рашидий"нинг қўлёзмалари Россия ва кўпгина хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 183–186; бетлар, СРБ АН. Уз., История. № 759/1430,760/10190II, стр. 312-314.

МИРЗО УЛУҒБЕК. Темурийлар хонадонидан чиққан ва XV асрда ўтган йирик тарихшунос ва астроном олим. Ҳақиқий исми Муҳаммад Тарағой (1394 й., 22 март – 1449 й., 27 октябр). Амир Темур саройида ҳукм сурган анъанага кўра ҳазрат соҳибқироннинг катта хотини Сароймулкхонимнинг тарбиясига топширилган. Бошланғич таълимни машҳур қиссахон, шоир ва олим шайх Ориф Озарийдан олган.

Улуғбек бобосининг бир қатор ҳарбий юришларида, масалан, 1399–1404 йиллари Туркия ва Сурияга қарши ўтказилган ҳарбий юришда, 1404–1405 йили Хитой устига уюштирилган юришда қатнашган. Амир Темурнинг вафоти (1405 йил 18 феврал)дан кейин Мовароуннаҳр тахтини яна бир невараси – Халил Султон (1405–1409) зўрлик билан эгаллади. Улуғбек ўшанда бобосининг яқин амирларидан Шайх Нуриддин ва Шоҳмалик билан Ҳиротга, отасининг ҳузурига қочиб борди. 1409 йилга қадар, яъни Самарқанд Шоҳрух Мирзо кўлига ўтгунга қадар, отаси билан бирга бўлди. 1409 йил охирида Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳоким этиб тайинланди ва мамлакатни 1449 йилнинг 27 октябригача, яъни фожиона тарзда ўлдирилгунига қадар идора қилди.

Саркарда, давлат арбоби, Мирзо Улуғбек буюк олим – фан, масриф ва маданият ҳомийси сифатида тарихда қолди. Самарқанд унинг даврида шарқнинг йирик илм – фан ва маданият марказларидан бирига айланди.

Мирзо Улуғбек иккита йирик асар ёзиб қолдирди. Булардан бири "Зижи жадиди Кўрагоний" ([Улуғбек] кўрагонийнинг астрономик жадваллари) деган асар (1437 йилда ёзиб тамомланган) бўлиб, классик астрономиянинг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган асардир. "Зижи жадиди Кўрагоний" Улуғбек теварагига уюшган Самарқанд мунажжимларининг кўп йиллик илмий кузатишларини жамлаган шоҳ асар ҳисобланади. У асосан икки қисмдан: назарий муқаддима, астрономия ҳамда геометрияга оид жадваллардан иборатдир. Муқаддима астрономиянинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган бўлиб, тўрт асосий қисмдан иборат. Биринчисиде араблар, юнонлар, эронликлар, хитой ва уйғурларнинг саналари (йил ҳисоблари); ушбу саналарнинг келиб чиқиши ва уларнинг бир – биридан тафовути ҳақида тушунча

берилади, иккинчи қисмда (22 бобдан иборат) юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, меридиан чизиқлари, шунингдек, узунлик ва кенгликни ўлчаш йўллари кўрсатиб берилган. Учинчи қисм қуёш билан ойнинг ҳаракати, уларнинг тутилиб қолиши, бунинг содир бўлиш вақти ва уни аниқлаш масалалари ҳақидадир ва ниҳоят, тўртинчи қисми астрономияга бағишланган.

"Зижи жадиди Кўрагоний"нинг иккинчи қисмида 1018 зобита юлдузнинг ҳолати кўрсатиб берилган. Жадваллар аниқлиги ва ҳозирги ҳисоб—китобдан жуда кам фарқ қилиши билан кишини ҳайратда қолдиради.

"Улуғбек Зижи" классик астрономиянинг ажойиб маҳсуллари билан бири сифатида Шарқ мамлакатларидагина эмас, балки Оврупа ва Америкада ҳам зўр шуҳрат топди.

Мирзо Улуғбекнинг иккинчи асари тарихий мазмунда бўлиб, унда XIII—XIV асрларда Мўғул империяси таркибига кирган мамлакатлар (Мўғулистон, Кошғар, Етгисув ўлкаси, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва ҳ.к.)нинг ижтимоий—сиёсий тарихи қисқа тарзда баён этилган. Асар "Улуғбек арбаъий Чингизий" ("Чингизийларнинг тўрт улуси [тарихи]), ёки "Тарихи арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи") номи билан машҳур бўлиб, 1425 йилдан кейин ёзилган.

"Тарихи арбаъ улус" муқаддима ва тўрт қисмдан иборатдир.

Муқаддима ўрта асрларда тарихшунослар ўртасида ҳукм сурган анъанага кўра, исломиятдан аввал ўтган пайгамбарлар, туркларнинг афсонавий ота—боболари ҳисобланган Ёфас ибн Нуҳ ва унинг фарзанди Туркхон, шунингдек, турк—мўғул қабиалари ҳамда Чингизхон (1206—1227) тарихи баён этилган.

Асарнинг биринчи қисми Улуғ юрт, яъни Мўғулистон ва Шимолий Хитой тарихи, Угадайхон (1227—1241) давридан то Ариқбуға (1328)нинг авлоди, Ўрдой қоон замониғача юз берган воқеаларни ўз ичига олади.

Асарнинг иккинчи қисмида Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда тарихи, Жўжихон (1227 йили вафот этган) давридан то Муҳаммадхон (1419—1420, иккинчи бор 1427—1433)нинг замониғача кечган воқеалар баён этилган.

Учинчи қисм Элхонийлар, яъни Эрон ҳамда Озарбайжоннинг XIII—XIV асрлардаги тарихини ўз ичига олган. Тўртинчи қисмда Чигатой улуси (Кошғар, Етгисув, Мовароуннаҳр, Шимолий Афғонистон)нинг XIII—XIV асрдаги тарихи баён этилган. Муаллиф Чигатой улусида ҳукмронлик қилган ҳар бир хон ҳақида алоҳида, қисқача тўхталиб, уларнинг даврида содир бўлган воқеалардан энг муҳимларини тилга олади.

Асарнинг айрим қисмлари, хусусан унинг сўнги, тўртинчи қисми, Шарафиддин Али Яздийнинг "Муқаддимаий зафарнома"сига кўп жиҳатлари билан ўхшаб кетади. Лекин "Тарихи арбаъ улус" бирмунча тўлароқ. Бундан ташқари, унда тўрт улус ўртасидаги сиёсий муносабатлар, энг муҳими, "ўзбек" этнонимининг келиб чиқиш вақти ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

Хуллас калом, Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус" асари ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг XIII—XIV асрлардаги тарихини ўрганишда, хусусан Чигатой улуси тарихини билишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

"Тарихи арбаъ улус"нинг матни нашр этилмаган. Унинг инглизча таржимаси 1838 йили полковник Майлс тарафидан Англияда чоп этилган. Лекин, мазкур таржима айрим хато ва камчиликлардан ҳоли эмас. Асар қўлёзмасининг фақат тўртта қисқартирилган нусхаси мавжуд. Улардан иккитаси Англияда, биттаси Ҳиндистонда, тўртинчи нусха АҚШда сақланади.

"Тарихи арбаъ улус"нинг ўзбекча нашри 1994 йили Тошкентда амалга оширилган (таржимонлар: Б.Аҳмедов, Н.Норкулов ва Ҳасанов М.).

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 147–149 бетлар.

МУЛЛА ИБОДУЛЛА ВА МУЛЛА МУҲАММАД ШАРИФ. XIX асрда ўтган бухоролик тарихнавислар. Ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолиятига оид маълумотларга эга эмасмиз, лекин иккала тарихчи ҳам Бухоро амирлигининг ижтимоий – сиёсий тарихига оид кўп ҳам катта бўлмаган (ҳаммаси бўлиб 39 варақдан иборат) қимматли асар ёзиб қолдирган. Асар номаълум муҳаррир тарафидан қисқартирилган. У "Тарихи амир Ҳайдар" деб аталади. Асар асосан Манғитлар сулоласининг тўртинчи намойнаси амир Ҳайдар даври тарихини (1800–1826) ўз ичига олади; муҳим тарихий манбалар асосида ёзилган. Лекин, бахтга қарши, уларнинг номи қайд этилмаган. Асар, асосан 81 боб (достон)дан иборат бўлиб, 1–2 боблари Бухоро тарихига, 3–6 бобларида Аштархонийлар (1601–1785) тарихи қисқа тарзда баён этилган; 7–81 бобларда эса Бухоро амирлигининг амир Ҳайдарнинг туғилишидан то вафотигача (1826 йил 6 октябр) кечган тарихи ҳикоя қилинади. Асар охирида муаллиф амир Ҳайдардан кейин унинг ўғли ва тож – тахт вориси амир Насруллоҳон (1826–1860) тарихини ҳам ёзиб мазкур асарга қўшиш ниятида эканлигини айтади. Афтидан, унинг бу нияти амалга ошмай қолганга ўхшайди.

"Тарихи амир Ҳайдар" XX асрнинг 50 йилларида проф. А.А.Семенов (1873–1958) тарафидан рус тилига таржима қилиниб нашрга ҳозирланган эди. Лекин, таржима нима сабабдандир нашр этилмай қолган. Таржимадан бир нусха Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида бўлиши керак.

Адабиёт: СВР АН. Уз. История. №246 / 1836, стр. 246–247; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 206–207 бетлар.

МУЛЛА МИРЗА ОЛИМ ТОШКАНДИЙ. Муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар деярлик йўқ. Нисбасига (Мулла Мирза Олим ибн домла Мирза Раҳим Тошкандий) қараганда, у асли тошкентлик бўлган. Ундан ўзбек тилида ёзилган "Ансоб ус – салатин ва таворихи хавоқин" ("Султонларнинг шажараси ва хонларнинг солномаси") номи муҳим бир асар қолган. Бу асар Қўқон хонлигининг XV асрдан 1875 йилгача кечган тарихини баён этган. Асар 1884 йил атрофида ёзилган. Асарни Қўқон хонлигининг тўла тарихи деб ҳам аташ мумкин ёки муаллифнинг сўзлари билан айтганда, ушбу асар "Фарғона мамлакати ҳукмронларининг шажараси

ва мамлакатда ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар тарихи"дир. Асарнинг муҳим жиҳати шундаки, у муаллифнинг дасхати билан кўчирилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп. Энг яхшилари – муаллиф ўз қўли билан кўчирган нусхалардан иккитаси (тартиб рақамлари: 574 / 3753 I, 214 варақ ва 575 / 1314/I, 179 варақ) ва бошқалар бўлиб улар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади.

Адабиёт: СВП АН. Уз., История. стр. 210 – 211.

МУЛЛА ШОДИЙ (XV асрнинг иккинчи ярми). XVI асрда ўтган шоир ва тарихшунос олим. Ҳаёти ва илмий, адабий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Баъзи маълумотларга қараганда, у Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд Султоннинг хизматида бўлган ва унинг топшириғи билан ўзининг "Фатҳнома" деган шеърий асарини ёзган. Асарини ёзиб тамомлаган йили (1502) у 55 ёшда бўлган.

"Фатҳнома" шеърий дoston бўлиб, унда Шайбонийхоннинг таваллуд топган йилидан (1451) то Шайбонийхон бош бўлган Оқ Ўрдалиқ ўзбеклар тарафидан Самарқанднинг истило этилишигача (1501) кечган давр ичида Дашти Қипчоқ, Хоразм ва умуман Мовароуннаҳрда содир бўлган ижтимоий – сиёсий воқеалар атрофлича ёритиб берилган. Асарда Хоразм ва унинг Урганч, Вазир ва Адоқ сингари шаҳарлари, Дашти Қипчоқ халқи, хусусан манғитларнинг туриш – турмуши, Шайбонийхон аскарлари тарафидан Туркистон, Бухоро, Дабусия, Қарши ва Андижоннинг ишғол этилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Асар ҳалигача тўла равишда бирон тилга таржима қилинмаган. Унинг қўлёзма нусхалари бизнинг замонамизгача кўпгина мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланган. Улардан икки нафари Душанбеда, биттаси Тошкентда ва икки нафари Санкт – Петербург университети кутубхонасида сақланади. Тошкентдаги (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонаси) сақланади (тартиб рақами: 5369) нусхаси ўта қимматли ҳисобланади. У XVI асрда кўчирилган ва турли мавзудаги тўққизта миниатюра асари билан безатилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 174 – 175 бетлар.

МУҲАММАД АЗИЗ МАРҒИЛОНИЙ – XIX асрда ўтган фарғоналик тарихчи олим. Асарида келтирилган маълумотларга қараганда, асли чимёنлик (Фарғонанинг Чимёнидан) бўлиб, отаси Муҳаммад Ризо Қўқон хонлари хизматида бўлган. Ўзи эса, Фарғона Россияга бўйсундирилгандан кейин уезд маҳкамасида 27 йил хизмат қилган. Оғир меҳнат билан ярим оч, қашшоқлик ва яланғочликда кун кечирган. Буни у қуйидагича ҳикоя қилади: "Ҳамиша кундузи иш қиламан, то кечгача ва кечаси уйимга қоғозларимни олиб келиб жунбуш қиламан, то улуғ саҳаргача. Шу минволда аз руйи ғайрат иш қилар эдим. Ҳар кун и ёзган хатларим бир китоб бўлур эди. Шу тариқа юриб эрта билан Эски Марғилондан Янги Марғилон [га]

маҳкамага келаман ва кечкурун Эски Марғилонга уйга қайтаман. Таомимни уйда ейман. Шу кайфиятда юриб, ўзимдан беҳабар эканман, охири дардан бўлиб қолдим. Кўларим хира бўлди. Озгина ишлаб [кўзойнак] билан хизмат қиладиган бўлдим. Авқоту манфаат кам" (Муҳаммад Азиз Марғилоний. "Тарихи Азизий", нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, Д.Сангинова, Тошкент, 1999, 5 – бет).

Муҳаммад Азиз Марғилонийдан "Тарихи Азизий" номли қимматли бир тарихий асар қолган. Асарда Чингизхон хуружидан бошлаб XIX аср охирларигача Фарғонада бўлиб ўтган воқеалар ихчам қилиб баён этилган. Муаллиф мазкур асарини ўзидан аввал ўтган тарихшунослар: Минҳожиддин Жузжоний, Ҳамидулла Муставфий Казвиний, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, "Тузуки Темурий"га ва бошқаларнинг асарларига таянган ҳолда ёзган. Асарнинг бешинчи бобини ўзи кўрган, билган ва эшитган маълумотларга асосланиб ёзган.

"Тарихи Азизий" муқаддима, беш боб ва 166 фаслдан иборат. Мазкур асарнинг битта дуруст нусхаси (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 11108, 436 бетдан иборат) Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади.

Асарнинг биринчи бобда Чингизхон хуружи, ўзи ва ворисларининг ҳукумати тарихи;

Иккинчи бобда Темур ва Темурийлар тарихи;

Учинчи бобда турли касб – ҳунар рисоалари;

Тўртинчи бобда Фарғона мамлакати ва ҳукмдорларининг ёрлиқлари;

Бешинчи бобда мамлакатда XIX асрнинг иккинчи ярмидан то 1910 йилгача бўлган ижтимоий – сиёсий воқеалар баён этилган.

"Тарихи Азизий"да келтирилган воқеалар ичида, бизнинг фикримизча, энг муҳимлари, Худоёрхоннинг 1870 йили қўшин сонининг кўпайтириши, Улуғ наҳр (Улуғ нор) каналининг қазилиши; солиқ ва жарималарнинг кўпайтирилиши, рус қўшинларининг Фарғона устига юзланиши; мамлакатда ўзаро ур – йиқитларнинг кучайиб кетиши; Қўқоннинг босиб олиниши, генерал Скобелевнинг Фарғона вилоятига ҳарбий губернатор этиб тайинланиши, Фарғона вилоятининг уезд – уездларга бўлиниши воқеалари ҳамда бозордаги нарх – наволар ҳақидаги маълумотлардир.

Адабиёт: Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. / Нашрга тайёрловчи; сўз боши муаллифлари Воҳидов Ш, Сангинова Д. Тошкент: Маънавият, 1999. – 4 – 13 бетлар.

МУҲАММАД АМИН БУХОРИЙ. XVII – XVIII аср бошларида ўтган бухоролик катта тарихчи олим. Тўлиқ исм – шарифи: Муҳаммад Амин ибн мирза Муҳаммад Замон Бухорий Сўфёний керак яроқчи¹. Ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолиятига оид маълумотлар кам. Асарида учраган баъзи маълумотларга қараганда, у Абдулазизхон (1645 – 1680) ва Субҳонқулихон даврида саройда шу лавозимни эгаллаган. У тахминан XVII асрнинг 40 – йилларида туғилиб, 1700

¹ Керак яроқчи – хон ва унинг аҳлу онласи учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олиб келтирувчи мансабдор.

йилдан кейин вафот этган. Муҳаммад Амин кенг маълумотли киши бўлиб, сарой аҳли ва илми кишиларга яқин бўлган. Шунинг ҳам айтиш керакки, олим яшаган замон, хусусан XVIII асрнинг иккинчи ярмида ўзаро урушлар авжига чиққан, хусусан Балх билан Бухоро, шунингдек, Бухоро билан Хоразм ўртасида келишмовчиликлар ва қарама – қаршиликлар кучайган бир замон эди. Бу ҳол ўз навбатида, зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо – сотиқ тараққиётига, шунингдек, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Муҳаммад Амин Бухорийдан "Муҳит ут – таворих" номи йирик бир тарихий асар қолган. Асар умумий тарих мавзусида ёзилган бўлиб, унда оламнинг "яратилиши"дан то XVII асргача кечган воқеалар ўз аксини топган. Лекин унинг асосий қисми кўчирма бўлиб, фақат XVII аср тарихигина оригиналдир. Асарда бу воқеалар батафсил ёритилган; воқеалар, кўп ҳолларда йилма – йил баён этилган.

"Муҳит ут – таворих" 37 та эътиборли манба асосида ёзилган. Асар кўпинча "Тарихи Субҳонқулихон", "Туркистон тарихи" ва "Аштархонийлар тарихи" номи билан ҳам маълум.

Асарда Бухоро хонлигининг сиёсий тарихи ва, маданиятига оид қимматли маълумотлар кўп. Бундай маълумотларни асарнинг нафақат сўнгги қисмида, балки унинг кўчирма қисмида ҳам учратиш мумкин. Унинг темурийзода Мирзо Улуғбек ҳақида келтирилган бир маълумоти эътиборга сазовордир. Биз унинг улуғ математик ва астроном олим эканлигини биламиз. Лекин, "Муҳит ут – таворих"да унинг адабиёт ва мусиқа илмларидан ҳам яхши хабардор бўлганлиги ҳақида муҳим маълумотлар бор. Хусусан, у мусиқа илмида ҳам беназир киши бўлган. Муҳаммад Амин Бухорийнинг сўзларига қараганда, Улуғбек катта ва кичик ноғораларда ижро этиладиган «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон» ҳамда «Улусий» отлиғ куйлар ихтиро қилган экан. Асар сўнггида Бухоро – Балх ва Бухоро хонлигининг Хива хонлиги билан XVII асрдаги ўзаро муносабатларидан ташқари Бухорода илм – фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар бор. Масалан, асарда XVII асрда ўтган олимлар, рассомлар, хаттотлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. Истеъдодли рассомлардан хожа Гадоий, Муқимхожа, Аваз Муҳаммадларнинг номлари фахр билан тилга олинади. Улардан Муқимхожа, масалан, нафақат истеъдодли мўйқалам соҳиби, балки замонасининг йирик мусиқашуноси ҳам бўлган экан.

"Муҳит ут – таворих"нинг бизнинг замонамизгача бешта нусхаси етиб келган. Улардан 2 таси (тартиб рақамлари: 7351 ва 835) Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади ва асарнинг тўла нусхаларидан ҳисобланади. Биттаси Санкт – Петербургда, Россия Шарқшунослик институти Ленинград бўлими (қ. Персидские и Таджикские рукописи ИВ АН СССР, т. I, Москва 1964, стр. 534), яна биттаси Париж Миллий кутубхонасида (К.Е. Blochet. Catalogue Persans, I, p. 295 – 296) Санкт – Петербург ва Парижда сақланаётган нусхалар тўлиқ бўлмай, фақат шайбонийлар ҳамда аштархонийлардан Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврлари тарихини ўз ичига олади. "Муҳит ут – таворих"нинг бешинчи нусхаси (тартиб рақами 836) Ўзбекистон

Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади (тартиб рақами 7351). У асарнинг хивалик Муҳаммад Рафиъ охунд тарафидан 1906 — 07 йили ўзбекчага ўтирилган таржимасидир.

Адабиёт: У. Ҳамроев, Муҳаммад Амин и его сочинение "Мухит ат — таворих" // Автореферат кан. дис. Ташкент: 1970; СВР АН. Уз., История. стр. 90 — 91. У.Ҳамроев, Аштархонийлар ҳукмронлиги даврига оид қимматли кўлөзма манба, Сб. // "Труды молодых ученых и аспирантов ин — та Востоковедения АН УзССР, часть II, Ташкент: ФАН, 1969. — стр. 49 — 56;

МУҲАММАД ВАФОЙИ КАРМИНАГИЙ. Мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карминагий (1685—1769) Бухоронинг ўқимишли ва таниқли кишиларидан, машҳур тарихчи олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Нисбасига (Карминагий) қараганда асли Бухоронинг Кармина туманидан бўлган. Юқорида қайд этилган "Убайдуллонома" китобининг муаллифи Мир Муҳаммад Амини Бухорийнинг гувоҳлик беришига қараганда, Муҳаммад Вафойи Карминагий Аштархонийлардан Убайдуллохон саройида китобдор бўлиб хизмат қилган. Фикримизча, у Убайдуллохондан кейин тахтга ўтирган Абулфайзхон даврида ҳам ана шу лавозимда турган. Мулла Муҳаммад Вафо Карминагий "Қози Вафо" номи билан ҳам машҳур. У қозилик лавозимига янги сулола — Манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон (1756 — 1759 йй.) замонида эришган.

Муҳаммад Вафо Карминагий Бухоро хонлигининг 1722—1782 йиллар орасидаги ижтимоий—сиёсий тарихини ўз ичига олган "Тухфат ул — хоний" ("Хоннинг туҳфаси") ёки "Тарих — и Раҳимхоний" ("[Муҳаммад] Раҳимхон тарихи") номи муфассал асар ёзиб қолдирган. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, мулла Муҳаммад Вафо асарнинг фақат 1722—1768 йил воқеаларини ўз ичига олган қисминигина ёзган (1769 й.), холос. Унинг давомини, яъни 1768—1782 йил воқеаларини баён этувчи қисмини насафлик домла Олимбек ибн Ниёзқулибек ёзган.

"Тухфат ул — хоний" саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий — иқтисодий, сиёсий, географик ҳамда этник фактларга бойлиги билан биринчи даражали манбалар қаторида туради. Асар Бухоро хонлигида XVII ва XVIII асрнинг 20 — йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий, сиёсий тангликни, яъни феодал тарқоқликнинг кучайиши, бунинг натижасида марказий давлат аппаратининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари, бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг вайрон этилиши, меҳнаткаш халқ турмушининг оғирлашиб бориши ҳамда унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган фактик материалга жуда бой. "Тухфат ул — хоний"да бундан ташқари, ўзбек қабилалари ва уларнинг ижтимоий — сиёсий ҳаётда тутган ўрни; аштархонийлар, манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қўшини ва давлатининг тузилиши; 1722—1782 йилларда Бухоро хонлигининг Эрон, Афғонистон, Қозоқ ва Қўқон хонликлари ҳамда Кошғар билан бўлган сиёсий муносабатлари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар кўп.

"Тухфат ул – хоний"нинг қўлёзма нусхалари кўп, масалан, фақат Россия кутубхоналарида ундан 23 нусха сақланмоқда. Шунга қарамай, бу муҳим асар кам ўрганилган. Асар бирон тилга таржима қилинмаган; кичик бир парча, яъни Муҳаммад Раҳимхоннинг 1747 йили Сарахс атрофида Эрон қўшинлари билан бўлган тўқнашуви рус тилида (1938 й.) эълон қилинган, холос.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 205 – 206 бетлар; Аҳмедов Б.А. Историко – географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. (письменные памятники) стр. 114 – 120.

МУҲАММАД ЁҚУБ (XVIII асрнинг 70 йиллари – XIX асрнинг 30 йилларида яшаб ўтган бухоролик тарихчи олим. Манғит амири Дониёлбий (1759 – 1785)нинг ўн иккинчи ўғли. Ундан "Гулшан ул – мулук" ("Подшоҳлар гулшани") деб аталган муҳим тарихий асар қолган.

Мазкур асарда Муҳаммад пайғамбардан то Манғит амири Насруллоҳон (1827 – 1860) давригача ислом мамлакатларида ҳукм юргизган уч сулола: шайбонийлар (1500 – 1601), аштархонийлар (1601 – 1785) ва манғитлар (1785 – 1868) тарихи баён этилади. Воқеалар баёни 1830 йил воқеаларигача етказилади. Асарнинг бу қисми оригинал ҳисобланади.

"Гулшан ул – мулук"нинг бизгача иккита таҳрири етиб келган: биринчи таҳрири 1824 – 25 йили, амир Ҳайдар даврида; иккинчиси 1827 – 28 йиллари амир Насруллоҳон даврида амалга оширилган. Асар нашр этилмаган. Сўз боши ва зарур изоҳлар билан таъминланган русча таржимаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Д.Г.Вороновский тарафидан амалга оширилган. Таржима қўлёзмаси шу институт кутубхонасида сақланади.

Адабиёт: СВП АН. Уз., История №538/1507/III, стр. 193-194.

МУҲАММАД РИЗО ОҒАҲИЙ (1809 – 1874) – Хивалик тарихшунос ва адабиётшунос олим. Тўлиқ исми шарифи: Муҳаммад Ризо ибн Эрнийезбек мироб. У ҳам асли котлик. Мунис вафотидан кейин саройни тарк этган ва мироблик билан кун кечирган. "Риёз уд – давла" ("Давлатнинг жаннат боғи") номи асар ёзиб қолдирган.

"Риёз уд – давла" тарихий асар (1844 йили ёзиб тамомланган) бўлиб, унда Хоразмнинг Оллоқулихон (1825 – 1842) давридаги тарихи баён этилган. У Шермуҳаммад Мунисининг (қ.) "Фирдавс ул – иқбол" асарининг давомидир. Олим "Риёз уд – давла"дан ташқари, "Зубдат ут – таворих" ("Тарихлар қаймоғи"), "Жомеъ ул – воқеоти султоний" ("Султон воқеаларининг мажмуъаси"), "Гулшан уд – давлат" ("Давлат гулшани") каби муҳим тарихий асарлар ҳам ёзиб қолдирган.

Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг таржимонлик фаолияти ҳам маълум. У ўн тўққизта тарихий ва мемуар асарни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Мирхонднинг "Равзат ут – сафо"си, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си ва Зайниддин Восифийнинг (қ.) "Бадойеъ ул – вақоий" асари шулар жумласидандир.

"Риёз уд – давла"нинг қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Улардан уч нафари (тартиб рақамлари: 549/821/II, 550/5364/II, 551/7474)

ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Асар ҳали чоп этилмаган.

Адабиёт: СВР, АН Уз., История. стр. 198—199; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 171-172—бетлар.

МУҲАММАД СОЛИҲ. XV—XVI асрларда (1455 тахм. 1535) ўтган истеъдодли шоир ва тарихчи олим. Ҳаёти ва фаолияти ҳақида фақат қуйидагилар маълум: туркийзабон қавмлардан билқут қабиласидан чиққан. Келиб чиқиши бадавлат, мансабдор оилага мансуб; Амир Темур, Мирзо Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек замонларида катта нуфузга эга бўлган амир Шоҳмаликнинг набираси. Отаси амир Нур Саъидбек ҳам Мирзо Улуғбек, кейин Султон Абу Саъид Мирзо (1451—1469) хизматида бўлган. 1464—1467 йиллари Хоразмда ҳоким бўлган ва 1467 йилда Султон Абу Саъиднинг амри билан қатл этилган. Муҳаммад Солиҳнинг ёшлиги Ҳиротда кечган ва ўша шаҳарда ўқиб таълим олган. 1494—95 йили Камолиддин Биноий (қ.) билан бирга Самарқандга келган ва хожа Убайдулла Аҳрорнинг (1404—1491) ўғли хожа Муҳаммад Яҳённинг хизматида кирган, кўп ўтмай нуфузли амирлардан Муҳаммад Мазид тархоннинг хизматида ёлланган. У Самарқандни ташлаб Бухорога қочиб кетгач, (1499—1500й.) Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг хизматида кирган. Бухоро олингандан (1500 йил май ойининг 29 куни) сўнг Шайбонийхон уни Бухорога ҳоким (доруға) этиб тайинлаган. Орадан тахминан бир ой ўтгач, Бухоро кўзғолони бостирилгач, Шайбонийхон ўз иниси Маҳмуд Султонга Бухорони инъом қилади, Муҳаммад Солиҳни эса унга котиб этиб тайинлайди. Муҳаммад Солиҳ 1504—05 йили Чоржўйда қисқа вақт ҳокимлик қилади. Муҳаммад Солиҳ Маҳмуд Султоннинг вафотидан кейин унинг ўғли Убайдуллахон хизматида бўлиб, аввал котиблик, кейин Нисо вилоятига ҳоким бўлган. Қолган умрини, то вафотида қадар Бухорода кечирган.

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг ҳаёти ва у олиб борган урушлар ҳақида маълумот берувчи шеърый дoston ёзиб қолдирган. Дoston "Шайбонийнома" деб аталади (1505 й. дан кейин ёзилган). Дoston Шайбонийхоннинг тугатилиши (1451 й.)дан то 1505 йилларгача Дaшти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг ижтимоий—сиёсий тарихини баён қилади. Асарда Шайбонийхон аскарларининг ёвузликлари, қисман меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволи, Қорақўл, Қарши ва Хузор ҳамда бошқа вилоятларда шайбонийларга қарши бўлиб ўтган кўзғолонлар ҳақида эътиборга молик маълумотлар учрайди. Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома"си географик ва этнографик маълумотларга ҳам бойдир.

"Шайбонийнома"нинг қўлёзма нусхалари кам. Унинг фақат икки нусхаси маълум. Биттаси Вена (Австрия), иккинчиси Санкт—Петербург Университети кутубхонасида сақланади. Асар тўрт марта: 1885 (Г.Вембери), 1908 (М.П.Мелиоранский), 1961 (Н.Даврон) ва 1989 (нашрга тайёрловчи Э.Шодиев) йиллари нашр этилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 166—167 бетлар.

МУҲАММАД СОЛИҲ ХОЖА ТОШКАНДИЙ. (Тўла исми: Муҳаммад Солиҳ домла Қорахожа ўғли). Тошкентлик йирик тарихчи олим; тахминан 1830 йили туғилган; вафот этган вақти номаълум;

бошланғич маълумотни бобоси мулла Абдурахимхожадан (у Қиёт маҳалласида жойлашган Бекмуҳаммадбий масжидида имом бўлган) олган, сўнг Бекларбеги ва Хожа Аҳрор мадрасаларида ўқиган. Фарғонанинг Қўқон (1853), Марғилон, Наманган, Ўш (1853) шаҳарларида, кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда бўлиб, мадрасада олган билимини чуқурлаштирган. 1863 йилдан бошлаб илгари бобоси имомлик қилган масжидда имом бўлиб хизмат қилиш билан бирга дарс ҳам бериб турди.

Муҳаммад Солиҳ Хожа Тошкандий турли илмлардан (тарих, география, адабиёт, тибб) хабардор бўлган кенг маълумотли киши эди, лекин тарихга рағбати кўпроқ бўлган. У Абу Тоҳирхожанинг (XIX аср) "Самария"сига ўхшаш Тошкент, унинг тарихи ва осори – атиқаларига бағишлаб бир асар ёзишни кўпдан орзу қилиб юрган ва, ниҳоят, 1863–1888 йиллари бунга эришган. Бу асар "Тарихи жадидаи Тошқанд" ("Тошкентнинг янги тарихи") деб аталади. У икки жилдан иборат. Биринчи жилда қадим замонлардан то XV аср охиригача Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар, иккинчи жилда эса Фарғонанинг XV аср охиридан (Заҳириддин Муҳаммад Бобур давридан) то XIX асрнинг 80–йилларигача кечган ижтимоий – сиёсий тарихи баён этилади. Шунинг билан бирга, асарда Тошкент шаҳри ва унга қарашли туманларнинг географик, иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳамда маданий ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотларни учратамиз.

Асар ҳали бирон тилга таржима қилинмаган. Қўлёзма нусхалари мавжуд. Фақат Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтида унинг уч нусхаси (№ 7791, 11072–73 ва 5732) сақланади.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 1991, 211–212 бетлар. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии (Письменные памятники), стр. 127–129.

МУҲАММАД ТОҲИР БАЛХИЙ (XVII аср). Балхлик тарихшунос ва географ олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид аниқ маълумотлар йўқ. Тўлиқ исми: Саййид Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим. Асар муқаддимасидан маълум бўлишича, у аштархонийлардан Надр Муҳаммадхон (1606–1642 йиллари Балх хони) саройида, аниқроғи, унинг кутубхонасида китобдор (кутубхона мудури) бўлиб хизмат қилган олимлар жумласига кирган. Ундан "Ажойиб ут – табақот" ("Ер табақаларининг ажойиботлари") номли гео – космографик асар қолган. Асар Надр Муҳаммадхоннинг топшириғига биноан 1648 йили ёзиб тамомланган.

Асарни ёзишда кўпроқ ал – Баттоний (852–929), ал – Беруний ("Қонуни Маъсудий", "Жавҳаршунослик"), Абдулмалик Марварудий, Носируддин Тусий (1201–1274), мавлоно Бурҳониддин, Наршахийлар, асарларидан ҳам фойдаланган.

Асарнинг анчагина нусхалари, асосан безакли нусхалари бизгача етиб келган. Тасвирларнинг баъзилари Каъбанинг умумий кўриниши, Муҳаммад пайгамбар ва рошидин халифалардан Абу Бакр ва Умарнинг қабрлари тасвири келтирилган. Асар нусхаларидан ўн утчаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти

кутубхонасида сақланади. Улардан ўн иккитаси муаллифнинг дастхати билан кўчирилган.

Асарнинг, учинчи қисми айниқса, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Унда Ўрта Осиё шаҳарларидан Балх, Андижон, Тошкент, Термиз ва бошқалар ҳақида ўта қимматли маълумотлар келтирилган.

Балх катта шаҳар. Хуросон таркибига киради. Тўртинчи иқлимдан. Уни қадимги Эрон подшоларидан Кайюмарс қурдирган, Тахмурад обод қилган, Лухросп қайтадан тиклаган ва уни мустақкам девор билан ўратдирган. Яна бошқа бир ривоятга қараганда, уни Қобил ибн Одам бино қилган... Бошқа ривоятга қараганда Айюб пайгамбарнинг амри билан бино қилинган. Учинчи ривоятга кўра, уни Минучехр ибн Ираж қурдирган. "Тарихи Балх"да айтилишича, Балх қалъаси 22 марта бузилиб, қайтадан тикланган. Шаҳар сўнгги марта Абу Муслим Марвозий тарафидан қайта тикланган. Ундан кейин шаҳарга ҳоким бўлган хон Абулмуъминхон унинг фарбий ва жануб тарафлардаги деворларини қайтадан таъмирлатган. Узунлиги 20 минг қадам (ком).

Шаҳар икки қисмдан иборат: Ташқи шаҳар, яъни катта шаҳар (шаҳри бирун) ва кичик шаҳар (яъни шаҳри дарун).

Ички шаҳарда арк жойлашган бўлиб, қадимдан ҳокимлар турадиган жой бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам шундай. Унда масжид жойлашган бўлиб, у меҳроби сангин деб аталади.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, қачонки халифа Алиннинг, худо ундан рози бўлсин, мактуби олинганда, қаттиқ шамол туриб, унинг парчалари учиб кетган. Ҳожилар Каъба зиёратига борганларида у ерда қандайдир тошга кўзалари тушган. Унда ҳазрат Алиннинг ўша хатини кўришган. Бу тошни муқаддас ҳисоблашиб, уни Балхга олиб келганлар ва уни масжиднинг меҳробига ўрнатганлар. Яна бошқа ривоятда айтилишича, тошни қисмларга бўлганлар ва бир қисмини зикр этилган масжиднинг меҳробига қўйганлар, яна бирини шаҳри бируннинг жануб тарафида, ундан уч мил масофада жойлашган Нўҳ гунбадон масжидининг меҳробига ўрнатганлар. Маълумки, Нўҳ гунбадон масжиди, нурга чўмган ер бўлиб, ҳазрат Каъб ул-ахборнинг, худо ундан рози бўлсин, дафн этилган еридир. Ўша ўринда бино этилган Нўҳ гунбадон масжиди чиройли ва мустақкам бинодир... Айтишларича, Чингизхон Балхни забт этиш учун келганда, [Балхоб] дарёсининг сувини шаҳар тарафга буриб юборган ва масжид олти ой мобайнида сув остида қолган, лекин қолдиқлари шу кунгача сақланиб қолган... Ўша тошнинг учинчи бўлагини шаҳарнинг кун қиқиш тарафида, ундан икки фарсах 100 зирах масофада қурилатган Хожа Ҳайрон масжидининг меҳробига жойлаштирганлар. Кейинчалик бу ердан ҳазрат Алиннинг қабри топилган. Ҳақиқий сулук соҳиби мавлоно Биноий, (у бинокорлик илмида ва бу фанда маълумот жиҳатдан жаҳонда тенги йўқ одам эдилар,) аввалги қурувчиларнинг хатти – ҳаракатини зое кетган, бино омонат қурилган деб, ҳижрий 886 йили, отаси билан биргаликда, ўша нурга чўмган мазорда пишиқ гиштан олий бир иморат бунёд этган. Шу вақтдан бери 176 йил ўтишига қарамай, бинода бирон ўзгариш сезилмаган. Марҳум, худо мағфират қилган ҳоқон Вали Муҳаммад Баҳодирхон Балх ҳокими этиб тайинлангандан кейин (1601 йили), баландлиги ўттиз зиръа ва айланаси бир жарибга тенг бўлган бу бино теваганини шу қадар обод

қилдики, таварак – атрофига Чин нақшхонасию, жаннат чорбогига ўхшаш 18 та чаманзор қурдирди. Ушбу гўзал боғнинг шимол тарафига жаннат булогига ўхшаш Ҳавз ҳам бино қилдирди...

Шаҳарнинг ташқари қисмида авлиёлар Қутби Хожа Абу Наср Порсонинг... файзли мозори жойлашган. Унинг айланаси тахминан 15 жариб келади. Ушбу муқаддас мақбаранинг кун ботиш тарафида иккита катта масжид бор. Чоршанба кунлари, намоз ўқилгандан кейин, ўша серфайз мазор атрофида доно кишилар, сўфийлар, олиму шоирлар зиёрат учун тўпланадилар. Сўфийлар бошларини қуйи солиб бир – бирлари билан пичирлаб сўзлашадилар, олимлар баҳслашадилар, шоирлар бир – бирлари билан ҳазил – мутоиба ва мушоира қиладилар. Буларнинг ҳаммаси кечгача давом этади.

Ва яна ўша ташқи шаҳарда жаноб Шайқи Балхийнинг, нурга чўмган хожа Исҳоқ ва бошқа авлиёларнинг муқаддас мазорлари жойлашган.

Ва яна шаҳарнинг кун ботиш тарафида жаноб Султон Иброҳимнинг тўнғич ўғли Аҳмад Сақонинг нурга чўмган мозори бўлиб, ҳозирда ул мазор Хожа Рўшноий деб аталади. Ўша қишлоқда мавлоно Хурд Азизон Ахсикатий ва мамлакатнинг нуфузли кишиларидан бири хонақоҳ қурдирган.

Ва яна ўша шаҳарнинг жануб тарафида жаноб хожа Султон Аҳмад Хазравия ва унинг хотини Фотиманинг... муқаддас мозори бор.

Ва яна шаҳарнинг кун чиқиш тарафида пайғамбаримизнинг биринчи саҳобаларидан жаноб хожа Уккошанинг муқаддас мозори жойлашган...

Қубодиён. Мовароуннаҳр қишлоқларидан, тўртинчи иқлимга қарайди. Уни Кайқубод ибн Ирож бино қилдирган. Айтишларича, Золнинг ўғли Рустам уни Эрондан олиб келиб ҳокимият тепасига ўтказган. Ушбу вилоят қадим замонларда Қубодоб деб аталган, Кейинчалик у Қубодиён деб ном олган. Шу кунларда Оллоҳнинг ердаги сояси аълоҳазрат (Надр Муҳаммад) хоннинг адолатпарварлиги ва саховати билан у шу қадар обод бўлдики, унга йўли тушган кимсанинг сояси боғу роғлар ва деворлар соясида бўлган. Об – ҳавоси соз, у ерда кўп навъ мевали дарахтлар ўсади. Хусусан унинг анори шўхрат қозонган. У ердагилар анорни бозорга олиб чиқиб сотмайдилар. Мева – чевани оғирлиги бир харвордан кам бўлса уни олмайдилар ҳам, сотмайдилар ҳам. Уни пулга сотиб олмайдилар, қанча керак бўлса пулсиз оладилар.

[Қубодиённинг] халқи мулоийм ва меҳмондўст халқ. Ҳар бир хонадон меҳмон учун алоҳида хона ажратган. Халқи илмга ўч, кўпчилик қишлоқларида мадраса ва мударрис бор...

Айнан шунга ўхшаш маълумотлар асарнинг Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларига бағишланган бўлимларда ҳам учрайди. Муҳаммад Тоҳирнинг 1621 йили Фарғонада юз берган ва олти ойгача давом этган ер силкениши ҳамда унинг аҳолига етказган зарари ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир.

Муҳаммад Тоҳир асарининг аҳамиятли томони шундаки, унинг учинчи бобида қимматбаҳо тошлар (жавоҳир) ва қимматли маъданлар (филизот) ҳақида ҳам бой маълумотлар келтирилган. Шунингдек, "Ажойиб ут – табақот"да Берунийнинг "Жавоҳирнома"сидан алоҳида

парчалар келтирилган. Фикримизча, Муҳаммад Тоҳирнинг қўлида Беруний асарининг муфассал нусхаси бўлган.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии (Письменные памятники), стр. 141 – 145.

МУҲАММАД ФОЗИЛБЕК ИБН ҚОЗИ МУҲАММАД ОТАБЕК

XIX аср охири – XX аср бошларида ўтган андижонлик тарихчи, олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар йўқ. Фақат бир нарса маълум: муаллиф Андижон қозиси Муҳаммад Отабекнинг ўғли Фарғонанинг ҳарбий губернатори А.И.Гиппиусга яқин киши бўлган ва унинг топшириғи билан "Мукаммали тарихи Фарғона" ("Фарғонанинг мукаммал тарихи") асарини ёзган (XX аср бошида ёзилган). Асарда Қўқон хонлигининг тарихи тўла ўз аксини топган. Воқеалар баёни хонлик асосчиси Шохрухбий (1709–1721–27)дан то Худоёрхон учинчи ҳукмронлиги (1865–1875 йилларгача давом этдирилган) акс этдирилган. Асар муқаддима ва 21 бобдан иборат. Асар бошида пойтахт шаҳар – Қўқоннинг бунёд этилиши воқеалари баён этилади.

Асар ҳали чоп этилмаган. Унинг иккита қўлёзма нусхаси сақланган. Улардан бири (автограф) ҳозир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети кутубхонасида (тартиб рақами: 09 – 648) (қўлёзма ҳақида қаранг: А.А.Семенов. Описание персидских, арабских, турецких рукописей Фундаментальной библиотек САГУ, вып.1, Ташкент, 1935, стр. 73), иккинчиси (кўчирилган нусхаси) Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 632/5971, 89 varaқ) сақланади.

Мазкур асар Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда асосий манба вазифасини ўташи мумкин.

Адабиёт: СВП АН. Уз., История. стр. 240 – 241.

МУҲАММАД ЮСУФ БАЁНИЙ (1923 йили вафот этган) – XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида ўтган хоразмлик адабиётшунос ва тарихшунос олим. Тўлиқ исми – шарифи Муҳаммад Юсуф ибн Бобошонбек Баёний. Ундан "Шажарайи Хоразмшоҳий" ("Хоразм подшоҳларининг шажараси") номли катта, муҳим тарихий асар қолган.

Мазкур асар ўн олти бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Одам алайҳиссаломдан турк – мўғул халқларининг афсонавий авлоди Ёфас ўғлонгача кечган тарих баён этилади; ундан кейин тадрижий тартибда Хоразмнинг 1913 – 14 йилгача бўлган тарихи зикр этилади. Асарнинг катта қисми Муниснинг (қ) "Фирдавс ул – иқбол" ва "Риёз уд – давла" ҳамда Оғаҳийнинг (қ) "Зубдат ут – таворих" асарлари материалларига таяниб ёзилган. Унинг бир қисми, яъни Муҳаммад Аминхон (1846 – 1855) ва Исфандиёрхон даврининг етти йилгача (1913 – 14) бўлган воқеаларни кўрган – билганларнинг ҳикоялари билан бирга муаллифнинг ўзи кўрган воқеалар асосида ёзилган.

Асар ҳали тўла равишда чоп этилмаган. Қўлёзма нусхалари (тартиб рақами: 607/9596; 515 varaқ; 742; 91 varaқ; тўла эмас)

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади.

Адабиёт: СВР. АН. Уз., История. стр. 226.

МУҲАММАД ЮСУФ МУНШИЙ. XVII асрда ўтган йирик тарихчи олим. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Асарида келтирилган айрим фактларга қараганда, у асли балхлик бўлган ва Субҳонқулихон (1651–1681 йиллари Балх, 1680–1702 йиллари Бухоро хони) ҳамда Муҳаммад Муқимхон (1697–1707 йиллари Балх хони) саройида мунший бўлиб хизмат қилган.

Муҳаммад Юсуф Мунший юқорида зикр этилган Муҳаммад Муқимхонга бағишланган "Тарих–и Муқимхоний" асари билан шуҳрат топган. Асар 1697–1704 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий–сиёсий тарихини баён этади. Муҳаммад Юсуф Мунший агар "жаҳон ҳодисаларининг кучи шамоли" унинг "ҳаёт ёлқинини ўчирмаса, йўқсизлик денгизининг тўлқинлари ўйноқи отини ўз гирдобига тортиб кетмаса" ушбу асарининг иккинчи қисмини ҳам ёзиш ниятида эканлигини айтади. Лекин "Тарих"–и Муқимхоний"нинг иккинчи китоби ёзилмай қолган. Фикримизча, бунга қандайдир қутимаган ҳодиса, балки муаллифнинг бевақт вафот этганлиги сабаб бўлиши мумкин.

"Тарихи Муқимхоний" муқаддима ва уч бобдан иборат.

Муқаддимада туркий халқларнинг афсонавий онаси Аланқува; Чингизхоннинг ота–боболари; мўғул қўшинлари томонидан Мовароуннаҳр, Балх ва Бадахшоннинг истило этилиши тарихи қисқача баён этилган.

Асарнинг биринчи боби Шайбонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг умумий аҳволдан ҳикоя қилади.

"Тарихи Муқимхоний"нинг оригинал ва муҳим қисми унинг II–III бобларидир. Иккинчи бобда Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий–сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро ва Балх хонликларининг Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Кошғар мамлакатлари билан бўлган сиёсий муносабатлари, учинчи бобда 1702–1704 йиллар воқеалари, хусусан Бухоро билан Балх ўртасида бошланган қуроли кураш ўрин олган.

Асарда хонлар ва феодаллар зулми, меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

"Тарихи Муқимхоний"нинг қўлёзма нусхалари кўп. Улар Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Асардан айрим парчалар француз ва рус тилларида эълон қилинган; Асар тўла равишда эски ўзбек тилига таржима қилинган (1861 й.); рус тилида ҳам чоп этилган (1956 й.).

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 198–199; бетлар Аҳмедов Б.А. Историко–географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. (Писменные памятники), стр. 82–87.

НАЖМИДДИН АБУ ҲАФС НАСАФИЙ. XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг биринчи ярмида ўтган қомусий олим. Тўлиқ исми: Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Луқмон ан–Насафий (1068–1142).

Нажмиддин Абу Ҳафс Насафий тарих, география, тилшунослик ва фикҳ (ислом қонушшунослиги) илмларини мукаммал билган олим. Унинг шу илмларга бағишланган бир қатор асарлари бор. "Манзумот ан-Насафия фи-л-ҳулофиёт" ("Келишмовчиликлар хусусида ан-Насафийнинг шеърий асари"), "Ақоид ан-Насафий" ("Ислом ақидаларига ан-Насафий шарҳи"), шариат йўл-йўриқлари ва "Қуръон" шарҳига бағишланган "Ал-авоқит фи-л-мавоқит" ("Қулай вақтлар хусусида ёқутлар"), "Заллат ал-қорий" ("Қориаларнинг хатолари ҳақида"), шунингдек, тасаввуфга оид "Рисолайи Нажмия" ("Нажмиддиннинг рисоласи") шулар жумласидандир.

Олимнинг биз учун муҳим ҳисобланмиш асари "Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд" ("Самарқанд тарихи ҳақида китоб") дир. Бу асар "Китоб ул-қанд фи маърифати уламоий Самарқанд" ("Самарқанд олимларини таниш борасида қонтзек китоб") номи билан ҳам машҳурдир. Мазкур китобда Ўрта Осиёнинг исломгача бўлган тарихи, мамлакатнинг араб истилочилари тарафидан босиб олиниши, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор осору атиқалари ҳақида қисқача маълумот баён этилади.

"Китоб ул-қанд"нинг арабча асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Биз фақат унинг шоғирди Абулфазл Муҳаммад ибн Абдулжаил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий (XIII аср) томонидан амалга оширилган қисқартирилган форсийча таҳририга эгамиз. Академик В.В.Бартольднинг сўзларига қараганда (Асарлар, VIII жилд, Москва, 1973, 257 саҳифа), мазкур форсча нусхага муаллиф Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандий XI асрда ўтган машҳур араб олими ал-Идрисийнинг (1015 йилда вафот этган). "Китоб комил ал-маърифат ар-рижол" ("Машҳур кишиларни таниш ҳақида мукаммал китоб") номи асаридан айрим парчалар олиб киритган. "Китоб ул-қанд"нинг XV аср охири XVI аср бошларида Саид Ахмад ибн Мирвалининг қаламига мансуб яна битта форсийча таҳрири мавжуд. У "Қандийа-йи хурд" ("Кичик қандия") номи билан машҳур.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари Россия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Германия кутубхоналарида сақланмоқда. "Қандийа-йи хурд" бир неча бор тошбосма усулида Самарқанд (1909), Тошкент ва Техрон (1955) шаҳарларида чоп этилган. Асарнинг бир қисми В.А.Вяткин (1869–1932) томонидан рус тилига ўтирилган ва 1906 йили "Справочная книга Самаркандской области", VIII нашр, 235–290 бетлар) деган тўпلامда чоп этилган.

Яқинда "Китоб ул-қанд"нинг яна бир форсийча-тожикча таҳрири топилди. Унинг муаллифи-муҳаррири самарқандлик нотаниш олим Абдулҳаким Самарқандий бўлиб, асар 1908 йили чоп этилган. Асар шарқшунос олим Комилхон Каттаев тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган ва 1994 йили "Сугдиёна" нашриётида чоп этилган. Мазкур нусха ҳам Қуссам ибн Аббос (Шоҳи Зинда) мазори ва у ерда дафн этилган улуглар ҳақидаги маълумотлардан, Шоҳи Зинда мазорининг хосиятлари баёни билан бошланади ва Чокардиза, Ғотфар, хожа Абди дарун, Наводон чашмаси, Шовдор туманидаги мазор ҳақида маълумотлар беради. Асарда муаллиф асосан ўзидан аввал ўтган олимларнинг муқаддас қадам жойларга бағишлаб ёзган

асарларида келтирилган маълумотларни такрорлайди.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 123–124 бетлар; Абдулҳаким Самарқандий. Қандия / К.Каттаев таржимаси. Самарқанд: Самарқанд нашр, 1994 – 193 бет.

НИЁЗ МУҲАММАД ХЎҚАНДИЙ (тахм. 1803–1876 й. – дан кейин). Асли қўқонлик тарихчи олим. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар кам. Ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Худоёрхон қўшинида лашкарнавис (ҳарбий котиб) бўлиб хизмат қилган. XIX асрнинг бошларида истеъфога чиққан ва ҳаётининг охиригача илмий фаолият билан машғул бўлган.

Ниёз Муҳаммад Хўқандий кенг маълумотли киши бўлиб, "Ниёзий" таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. У асосан "Тарихи Шоҳрухий" ("Шоҳрухон тарихи") номи қимматли асари билан шуҳрат топган. Асарда Қўқон хонлигининг таъсис этилган пайти, яъни Шоҳрухбий ибн Ашурхон давридан то Худоёрхонгача (1875 йилгача) бўлган тарихи баён этилган. Унда Чодак хўжалари билан маҳаллий феодалларнинг тож – тахт учун олиб борган курашлари, феодал – ер эгаллиги, солиқ ва жарималар, давлат ва армиянинг тузилиши, Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги, Шарқий Туркистон ҳамда Жунғор хонлиги ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. "Тарихи Шоҳрухий"да этнографик (қурама халқи, ўзбек, қozoқ ва қирғиз қавмлари ҳақида, шунингдек, хонлик ўрамидаги шаҳарлар, хусусан Қўқон шаҳрига асос солиниши, шунингдек, Фарғона вилоятининг географик ҳолати, Тожикистоннинг шимолий қисми, Қирғизистоннинг шарқий – жанубий қисмидаги ерлар ва Шарқий Туркистон ҳамда Жанубий Қозоғистон ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Асар матни 1885 йили Қўқонда чоп этилган. Асар шарқшунос олимлар; В.В.Бартольд, Н.Г.Маллицкий, В.А.Ромодин ва бошқалар тарафидан кўп ўрганилган. У ҳақдаги илмий тадқиқот шоғирдимиз Т.Қ.Бейсембиев тарафидан амалга оширилган ва 1987 йили Олма – Отада чоп этилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Историко – географическая литература Средней Азии (Письменные памятники). стр. 127–129; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 212 – бет.

НОМАЪЛУМ МУАЛЛИФ. Шу ўринда XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган исм – шарифи аниқ бўлмаган яна бир тарихшунос ва унинг "Таворихи гузида, нусратнома" ("Сайланган тарихлар ва нусратнома") деган муҳим бир асар ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Асар ўзига хос мунтахаб асар бўлиб, биринчи қисми "Таворихи гузида" ("Сайланма") бўлиб, иккинчи қисми – "Нусратнома" ("Шайбонийхоннинг зафарли юришлари") деб аталади.

Асар муаллифи ҳақида мутахассислар ўртасида турлича фикрлар мавжуд. П.Лерх китоб муқаддимасида келтирилган Султон Валаднинг мўғуллар истилоси ҳақида айтган гапларидан келиб чиқиб, асарнинг аниқроғи унинг биринчи қисми – "Таворихи гузида" муаллифи Султон Валад, яъни Жалолидин Румий бўлганини айтади¹

¹ Салтиков – Шchedрин номидаги СПб халқ кутубхонаси каталоги, 8 – 9 бетлар.

А.М.Ақромов, мазкур асар тадқиқотчисининг сўзларига қараганда, асар муаллифи Шайбонийхоннинг яқин кишиларидан бири, масалан, Муҳаммад Солиҳ бўлган¹.

"Таворихи гузида, нусратнома" уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Чингизхон ва авлоди тарихи, иккинчи қисми Амир Темур тарихи ва ниҳоят, учинчи қисм Шайбон (Жўжихоннинг бешинчи ўғли) ва авлодининг тарихини ўз ичига олади.

Асарнинг биринчи қисмида, Ўғизхон ва ундан тарқалган қабила (қавм)лар: жалоир, сунит, тотор, маркит, қурловут, тулас, тумат, булгачин, кармучин, қори, теленгут, куркан ва бошқа турк – мўғул қавмлари ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилади. Иккинчи қисмида Чингизхон ва авлодининг тарихи (Ҳозонхонгача), учинчи қисмда Абулхайрхон ва авлодининг тарихи (Маҳмуд султонгача) баён этилади.

Асар манбалари ҳақида "Нусратнома"да муаллифга тегишли бундай гап бор: "Бу ғариб гадога фармон бўлдики, Манғухон бинги Тулуйхонга атаб ёзилган "Таворихи жаҳон кушон", Ислом подшоси Ҳозихоннинг қизига аталган "Таворихи гузида" ва яна Улуғбек Мирзонинг отига битилган "Мунтахаби жомеъ ут – таворих" ва яна мўғул бахшилари мўғул хати билан битганларни онсон бўлсин учун ва яна форсий тили билан битилганларни туркийчага айлантириб тартиб берилди. Ва яна китобга "Таворихи гузида, нусратнома" оти битилди"². Кўриниб турибдики асар илгари мўғул, уйғур ва форс тилларида ёзилган манбаларга асосланган.

Асарда Ўрта Осиёнинг туркийзабон халқлари таркибига кирган турк – мўғул қавмларидан ташқари, мўғул истилоси ва Шайбоний ўзбеклар зулми, уларга қарши Мовароуннаҳрда бўлган халқ кўзғолонлари ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

Адабиёт: Таворихи гузида, Нусратнома / Ақромов М нашри, Тошкент: ФАН, 1967. – 7 – 21 бетлар.

ОЛЛОҲМУРОД АННАБОЙ ЎҒЛИ (XIX аср). Хивалик тарихчи олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Унинг фақат 1815 – 16 йили, амир Ҳайдар замонида (1800 – 1826), Бухорои шарифдаги машҳур Мир Араб мадрасасида ўқигани ва "Аланқува ва Шайбонийхон тарихи" номли асар ёзиб қолдиргани маълум, ҳоло.

Асар туркийзабон халқларнинг афсонавий аждоди Ўғизхон давридан то Шайбонийхоннинг 1510 йили Марв ёнида қизилбошлар билан бўлган катта урушда ҳалок бўлишигача кечган давр ичидаги Дашти Қипчоқ, Туркистон ва Хоразмнинг тарихи баён этилади. Асар уч қисмдан: 1) Ўғизхондан то Аланқува давригача бўлган турк – мўғул халқлари тарихи; 2) Қўнғирот қавмининг подшоҳлари тарихи; 3) Чингизхон, Абулхайрхон ва Шайбонийхон тарихидан иборат. Асар сўнггида 1510 йили Шайбонийхон билан шоҳ Исмоил Сафавий (1502 – 1524) ўртасида Марв ёнида бўлган қонли уруш ва унда Шайбонийхоннинг ўлдирилиши воқеалари баён этилади.

Асарнинг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади (тартиб рақами:

¹ Таворихи гузида, Нусратнома. Тошкент, 1967, II боб, 14 бет.

² Таворихи гузида, Нусратнома. Тошкент, 1967, II боб, 21 – бет.

537/4347; 1815–16 йили кўчирилган; 99 varaқдан иборат). Асарнинг "Шайбонийхон тарихи" деб аталган қисми рус шарқшунос олими И.Н.Березин тарафидан 1849 йили Қозонда "Шайбаниада" номи билан чоп этилган китоб билан бир мазмундадир.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История стр. 193–194.

РУЗБЕҲОН (XV асрнинг охири–XVI асрнинг биринчи чораги)- тарихшунос, йирик илоҳиёт ва фикҳ олими. Тўла исм–шарифи: Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон ибн Исфаҳоний. Кўпинча Муллаи Фазлуллоҳ номи билан машҳур бўлган. У 1457 йили Форс вилоятининг (Эрон) Хунжи қишлоғида таваллуд топган. Отаси Жамолиддин Рузбеҳон йирик илоҳиёт ва фикҳ олими, мансабдор киши бўлган. Фазлуллоҳ Рузбеҳон маълумотни Исфаҳон мактаблари ва мадрасаларида олган. Билимини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида икки марта (1474 ва 1482 йиллари) Арабистонга борган ва йирик илоҳиёт олими шайх Жамолиддин Ардастоний (1474 йили вафот этган) ҳамда мисрлик машҳур тарихшунос ва тилшунос олим Шамсуддин Муҳаммад ас – Сақавий (1427 – 1497)дан таълим олган.

Қисқаси, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон ўрта аср илмининг бирмунча соҳаларини, хусусан илоҳиёт, фикҳ, фалсафа, тарих ва шарқ классик адабиётини чуқур эгаллаган олим бўлиб, етук киши бўлган. Бу ҳол унинг талайгина ҳукмдорлар саройида зўр ҳурмат–эътибор қозонишига сабаб бўлди. У Султон Яъқуб Оқ қуюнлу (1478–1490), Султон Ҳусайн Бойқаро (1470–1506), Шайбонийхон (1500–1510) ва, ниҳоят, Бухоро ҳукмдори Шайбоний Убайдуллахон (1533–1539) саройида хизмат қилган.

У ўзи яхши билган фанлар бўйича йирик илмий асарлар ёзиб қолдирган. "Ҳалли тажаррид" ("Абстракциянинг ҳал этилиши"), "Таълиқот бар муҳолот" ("Ақлга сиғмайдиған [нарсалар]нинг изоҳи"), "Бадиуззамон фи қиссайи "Ҳайй ибн Яқзон" ("Ҳайй ибн Яқзон" қиссасида замон бадиъалари)", "Тарихи оламоройи Амийний" ("Амийнийнинг жаҳонга безак бўлувчи тарихи"), "Абтол наҳж ул – ботил ва ахмол кашф ул – оътил" ("Нотўғри йўлдан воз кечиш ва бидъатни инкор этиш"), "Сулуқ ул – мулуқ" ("Подшоҳларнинг ҳулқ – атвори ҳақида [рисола]"), "Шарҳи Қасида-йи бурда" ал – Бусирий" ("Бусирийнинг "Пайғамбарнинг жандаси" қасидасининг шарҳи") ва, ниҳоят, "Меҳмонномаи Бухоро" ("Бухоро меҳмонининг китоби") каби асарлар шулар жумласидандир.

Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" асари Шайбонийхоннинг 1508 йилнинг кузида ва 1509 йилнинг қиш фаслида қозоқ султонларидан Жониш султон, Аҳмад султон ва бошқаларнинг Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туманлари устига уюштирган ғоратгарлик урушларига жавобан 1508–1509 йилнинг қиш ойларида қозоқ улуслари устига қилган уруши тарихини баён этади.

Асар 1509 йилнинг февраль–сентябр ойлари ичида мазкур юриш ҳақида Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг ўзи олиб борган кундалик ҳамда Шайбонийхон ва катта амирлар берган маълумотлар, шунингдек, хон қўлидаги "Насабнома" (у "Тарихи Ҳумоюн" деб ҳам аталади) асосида ёзилган.

Қозоқ улусларининг географик ҳолати, аҳолиси, қозоқларнинг келиб чиқиши, урф – одатлари шунингдек, қозоқлар орасида қўл меҳнатидан фойдаланиш ҳақидаги ўта қимматли маълумотлар "Меҳмонномаи Бухоро"нинг илмий қийматини белгилаб беради.

Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг мазкур асари Шайбонийхон ва кўчманчи феодалларининг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилган. Буни шундан ҳам фаҳмлаб олиш мумкинки, муаллиф Шайбонийхоннинг қозоқ улуслари устига уюштирган бу босқинчилик юришини мусулмонларнинг ғайридинларга қарши қаратилган ғазот уруши деб атайди ва бу билан у бу урушнинг босқинчилик моҳиятини оқлашга уринади.

"Меҳмонномаи Бухоро"нинг ҳозирча фақат иккита нусхаси борлиги аниқланган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 324/1414 ва 352/5885), иккинчиси эса Туркияда "Нури Усмония" кутубхонасида (тартиб рақами: 3431) сақланмоқда. Асарнинг матни кейинги нусха асосида Эронлик шарқшунос олим Минучеҳр Сетудэ тарафидан 1962 йили Теҳронда чоп этилган. Асарнинг рус тилига қилинган қисқача таржимасини тошкентлик шарқшунос олима Р.П.Жалилова 1976 йили нашр эттирган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. стр. 130–132. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 177 – 179 бетлар.

САЙИД МУҲАММАД НОСИР БУХОРИЙ – манғитлар сулоласидан чиққан шаҳзода, амир Музаффар (1860 – 1885)нинг ўғли амир Абдулаҳад (1885 – 1910)нинг акаси, сўнги амир Олимхон (1910 – 1920)нинг амакиси. Бир умр қамоқда бўлиб, умрбод ўша ерда кун кечирган. Сайид Муҳаммад Носирнинг арқда катта ҳовлиси ва шахсий кутубхонаси бўлган. Амирлик тугатилгандан кейин (1920 й.) у мулла Абдурауф Фитрат, Сайид Муҳаммад Сиддик, домла Муҳаммад Шариф Зиё, мулла Муҳаммад Салимбек, Ҳожи Сайид Маҳмуд муфтийлар билан бирга "Анжумани тарих" жамиятига аъзо бўлишган.

Сайид Муҳаммад Носир ўз даврининг кенг маълумотли кишиларидан бўлиб, ундан "Тухфат аз – зоирин", "Кунуз ал – атқие", "Осор ас – салатин", "Таҳқиқоти арки Бухоро, салатини у ва умаройи у" ("Бухоро арки, унда ўлтирган Султонлар ва амирлар ҳақида тадқиқот") номли асарлар қолган.

"Таҳқиқоти арки Бухоро" 1921 – 22 йили ёзилган. Асар Бухоройи шариф ва аркнинг бино этилиши, деворларининг қурилиши, шунингдек, афсонавий подшоҳ Афросиёб тарихи ҳақида сўзланади. Муаллиф мазкур асарини ёзишда Абу Жаъфар Наршахий, Абдулаҳсан Нишопурий, Абу Наср Аҳмад Кубавий, Ёқут Ҳамавий, Жувайний, Рашидиддин, Вассоф ва Муҳаммад Вафойи Карминагий асарларидан фойдаланган.

Асарнинг сўнги қисми (в. 40 – 42 бетлар)да диққатга сазовор маълумотлар, масалан, нақорахона, кўринишхона, меҳмонхоналар, жумъа масжид, хонақоҳ, ҳовуз, айвон, Дор уш – шифо мадрасаси, Чил духтарон масжиди ва бошқалар ҳақида маълумотлар келтирилади ва улар Абдулазизхон, Субҳонқулихон, амир Шоҳмурод, амир Ҳайдар ҳамда амир Музаффар даврида қурилгани айтилади.

"Таҳқиқоти арки Бухоро" М.С.Андреев ва О.Д.Чехович тарафидан рус тилига таржима қилиниб, Душанбеда (1972 й.) чоп этилган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. 620/19, стр. 233-234.

СУЛТОН МУҲАММАД БАЛХИЙ (XVI аср). Балхлик тарихчи олим, сайёҳ, давлат арбоби. Отаси мавлоно Дарвиш Муҳаммад шайбонийзодалардан Хуррамшоҳ султон (1506–1511 йиллари Балх ҳокими) ва Кистин қора султон (1526–1544 йиллари Балх ҳокими) даврида Балхнинг муфтийси лавозимини эгаллаб турган. Илоҳиёт илмидан ташқари, фикҳ, тарих ва адабиёт илмларидан ҳам яхши хабардор бўлган, шеърлар машқ қилган. Султон Муҳаммад Балхий унинг ўғли бўлиб, у ҳам кенг маълумотли киши бўлган. Айниқса, фикҳ, тарих, география, маъданшунослик фанларидан яхши хабардор бўлган. Отасидан кейин Балх мамлакатининг муфтийси бўлиб хизмат қилган. Балхнинг ҳурмат–эътиборли одамларидан ҳисобланган ва Балх хони шайбонийзода Пирмуҳаммадхон (1541–1569)нинг топшириғи билан "Мажмуъ ал –ғароиб" ("Ғаройиботлар мажмуъаси") асарини ёзган. Асар мазмунидан маълум бўлишича, Султон Муҳаммад ал –Балхий ҳам кенг маълумотли киши бўлган. У илми тарих, география, адабиёт, астрология, маъданшунослик, илоҳиёт, фикҳ илмларидан кенг маълумотли киши бўлган. У ҳаётида етук олимлар билан учрашган, кўп фойдали китобларни муталаа қилган. У 1573 йилнинг 12 май куни Балхда вафот топган.

Олимнинг мазкур асарида Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари ва уларнинг географик ўрни мамлакат дарёларининг қимматли маъданларга бойлиги, ўлканинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий – сиёсий аҳволи ҳақидаги ҳам ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

Султон Муҳаммад ал –Балхий мазкур асарни ёзишда ўздан аввал ўтган олимларнинг 80 дан ортиқ асаридан фойдаланган. Улар орасида "Оро ул – мутақаддимин", "Мафохир ул – араб", "Тухфат ул – ғароиб", "Анис ул – ваҳдат ва жолис ул – хилват", "Тарихи сақолиба", "Зайн ул – қисос", "Такмилат ул – латоиф" каби фанга оз даражада маълум бўлган китоблар ҳам бор..

"Мажмуъ ул – ғароиб" кенг тарқалган асар. Ҳозирда жаҳон кутубхоналарида унинг 80 та нусхаси маълум бўлиб, уларнинг кўпчилиги Москва, Санкт – Петербург, Тошкент, Душанбе, Баку ва Балхда сақланади. Асардан кўпгина тарихчи ва биограф олимлар фойдаланганлар. Масалан,, "Мажмуъ ул – ғароиб"дан олинган маълумотларни Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланом", Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ул – асрор", мулла Шарафиддин Аълам Самарқандийнинг "Тарихи касира" асарларида ҳам учратиш мумкин.

"Мажмуъ ал – ғароиб" бой ва қимматли асар бўлишига қарамай кам ўрганилган. Фақат кейинги йилларда (1974 йилдан кейин), афғонистонлик олим Муҳаммад Яъқуб Воҳидий тарафидан чуқур ўрганилди ва унинг танқидий матни яратилди.

"Мажмуъ ул – ғароиб"нинг айниқса, 3, 11, 12 ва 18 боблари қимматли бўлиб, унда Бухоро, Балх, Томғоч, Марв, Сиёвуш, Сағониён (Чағониён), Термиз, Тибат, Туркистон, Булғор ва Самарқанд шаҳарлари, дарёлардан Жайхун, Сир, Қўҳак, Чирчиқ (Наҳри Шош)

ва бошқалар ҳақида, шунингдек, машҳур шаҳарлар орасидаги масофа ҳақида, шунингдек, бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеалар ҳақидаги қимматли маълумотларни учратамиз.

Мазкур асарнинг яна битта эътиборли аҳамияти бор. Унда қимматбаҳо тошлардан ёқут, зумрад, лаъл, марварид, олмос ва ўртача тошлардан ёмғир чақирувчи тошлар ва уларнинг конлари ҳақида ўта қимматли маълумотлар бор. "Мажмуъ ал-ғароиб"да Абу Райҳон Берунийнинг "Жавоҳирнома"сидан тушириб қолдирилган қисмлар ҳам бор. Бу маълумотлар немис олими Ф.Кренков нашрида ҳам, А.М.Беленицкий нашрида ҳам учрамайди.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (Писменные памятники). стр. 137-139.

ТОЖИР (унинг тўлиқ исми – шарифи ҳамда ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар ҳозиргача маълум эмас). Олимдан Қўқон хонлигига оид "Ғаройиб и – сипоҳ". ("Сипоҳийлик ажоиботлари") номли асар қолган.

Асар Норбўтахон (1764 – 1798), Олимхон (1798 – 1810), Умархон (1810 – 1822) ва Муҳаммад Алихон (1822 – 1842) даврлари тарихини ўз ичига олади.

"Ғаройиб и – сипоҳ"да воқеалар хронологик тартибда эмас, шунингдек, қисман назм, қисман наср билан ёзилган.

Асар нашр этилмаган. Битта қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 566/5408; 36 varaқ) сақланади.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. стр. 204-205.

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ XVII асрнинг сўнгги чораги – XVIII аср бошларида ўтган тарихчи олим; ёзувчи. Таржимаи ҳоли ва фаолиятига оид баъзи маълумотларни Муҳаммад Бадий Самарқандийнинг "Музаққир ул – асҳоб", Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Муҳит ут – таворих" асарларида ҳамда ўзининг мазкур асарида учратиш мумкин. Ушбу маълумотларга қараганда, у замонасининг маълумотли кишиларидан бўлиб, шоир, ёзувчи, илоҳиёт ва тарихчи олим бўлганлиги, кўп вақтлар Қаршининг раиси¹ бўлиб хизмат қилганлиги маълум. Мир Ҳайдарий шайхлари хонадонига мансуб бўлган. Кўп мамлакатларга сайёҳат қилган. Аштархонийлардан Абдулазизхон (1642 – 1680) ҳамда Субҳонқулихон (1680 – 1702) билан замондош бўлган. Бухоро ҳудудига бостириб кирган Хива хони Анушахон (1664 – 1674) билан урушларда ҳамда Субҳонқулихоннинг Балх устига қилган ҳарбий юришларида иштирок этган. Субҳонқулихоннинг айрим дипломатик топшириқларини ҳам бажарган. Баъзи бир ғанимларнинг ифвоси туйфайли, истеъфога чиқишга мажбур бўлган. XVIII асрнинг 30

¹ Раис – ўрта асрларда Бухорода тошу тарозунинг тўғрилиги, нарх – навоининг тўғрилигини, ҳамда мусулмонлар тарафидан шариат қонуналарининг тўғри бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдор. У хон ёки амир тарафидан тайинланган.

йилларида ҳам ҳаёт бўлган. Унинг қачон вафот этганлиги маълум эмас.

Хожа Самандар Термизийдан Бухоро хонлиги тарихига оид иккита муҳим тарихий асар – "Дастур ул – мулук" ("Подшоҳлар учун қўлланма") ҳамда "Анис ул – фуқаро" ("Фақирлар дўсти"; 1835 йили ёзилган) номли асарлар қолган. Мамлакатнинг XVII асрнинг сўнги чораги ва XVIII аср бошидаги тарихини, шунингдек, аштархонийлар давлатининг маъмурий тuzилишини ўрганишда олимнинг айниқса, "Дастур ул – мулук" асари катта аҳамиятга эга. Асарда XVIII асрнинг 80 – 90 йилларидаги воқеалар кенг ёритилган. Асарда, 1681, 1685 ва 1686 йиллари Хива қўшинларининг Бухоро, Қоракўл, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари устига уюштирган талончилик юришлари, 1722 йили Самарқанднинг Бухоро хонлигидан ажралиб чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилганлиги каби воқеалар ҳақида маълумотлар топамиз. Бунга, албатта, биринчи навбатда, Шохбекхўжа найман, қози Мир Носир, Хўжамкулибий ўтарчи, Беккулибий хитой – қипчоқ, Искандарбек сарой каби амирларнинг хонлиги ҳам сабаб бўлган. Асарда келтирилган аштархонийлар давлатининг тuzилиши, шунингдек, XVII – XVIII асарларда Бухоро, Насаф ва Шаҳрисабз атрофида кўчиб юрган ўзбек қавмлари: кераит, асс, сарой, қипчоқ, жалоир, найман, ўтарчи, хитой – қипчоқ, қўнғирот, дўрмон, қатарон, юз, минг, арғин, қиёт ва ёбу каби қавмлар ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам муҳимдир.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (Письменные памятники). стр. 78-82.

ХОНДАМИР (тахм. 1475 – 1535) – XV асрнинг сўнги чораги – XVI асрнинг 30 йилларида яшаб ижод этган йирик тарихшунос олим. Тўла исм – шарифи: Гийёсиддин Муҳаммад ибн хожа Хўмомиддин Муҳаммад ибн хожа Жалолоддин Муҳаммад ибн хожа Бурҳониддин. Яна бошқа бир йирик тарихчи олим, "Равзат ус – сафо" ("Жаннат боғи") муаллифи Мирхонднинг набираси. Кўпроқ Хондамир номи билан машҳур. Отаси Хўмомиддин Муҳаммад темурий султон Маҳмуд Мирзо (1459 – 1449 йиллари Чағониён, Хутталон, Қундуз, Балқон ва Бадахшон ҳокими бўлган)нинг вазири бўлиб хизмат қилган. Онаси бухоролик фақиҳ Убайдулла ибн Масъуд ал – Маҳбубийга авлод бўлган.

Хондамир 15 – 16 ёшларида Алишер Навоийнинг диққат – назарига тушади ва унинг вафотига (1501 й.) қадар улуғ шоирнинг ёнида бўлади ва кутубхонасига бошчилик қилади. Хондамир ўзининг кенг маълумоти, илм – фанга интилиши билан улуғ олим ва мутафаккир шоирнинг ҳурмат – эътиборини қозонади. Масалан, Навоий ўзининг "Мажolis ун – нафоис" асарига (1490 йили ёзилган) Хондамир ҳақида мана бу сатрларни ёзиб қолдирган: "Мавлоно Хондамир Мирхонднинг фарзандидир ва салоҳиятли йигитдир. Тарих илмида маҳорати бордир".

Алишер Навоий вафот этгандан кейин Хондамир мамлакатда кучайиб кетган ўзаро урушлар, айниқса, саройда авжига чиққан фисқу фужурлар сабабли Балхга кетиб қолади ва Бадиуззамон Мирзонинг (1496 – 1501 йиллари Балх ҳокими, 1517 йил вафот топган) хизматига киради ва унинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилади.

Ҳирот Шайбонийхон тарафидан ишғол этилгандан кейин Хондамир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига етишади. Бобур Мовароуннаҳрдан суриб чиқарилгач (1512 й.), Хондамир Гарчистонга кетиб қолди ва асосан илмий фаолият билан машғул бўлди. 1514–1517 йиллари Хондамир Балх учун кураш олиб борган Муҳаммад Замон (Бадиуззамоннинг ўғли) билан бирга бўлди ва унинг шахсий котиби лавозимида хизмат қилди. Муҳаммад Замон қизилбошлардан енгилгач, у яна Гарчистонга қайтиб борди ва илмий фаолиятини давом этдирди.

1521 йили Хондамир қизилбошларнинг Хуросондаги вазири Ҳабибулло Соважийнинг таклифи билан яна Ҳиротга қайтиб боради, унинг топширигига кўра ўзининг йирик тарихий асари "Ҳабиб ус – сияр"ни ёзишга киришади. Орадан олти йил ўтиб, 1527 йилнинг июл ойида олим яна Ҳиротни тарк этди ва Ҳиндистон тарафга жўнаб кетди, қишни Қандаҳорда ўтказиб, 1528 йилнинг 17 сентябрида Аграга келади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хизматига кирди. Подшоҳнинг вафотидан кейин (1530 й.) у Ҳумоюн подшоҳ хизматига бўлади. Хондамир 1535 йили вафот этди, у ўзининг васиятига кўра, Деҳлида, шайх Низомиддин авлиё мазорига, буюк шоир Хусрав Деҳлавийнинг ёнига дафн этилди.

Хондамир сермаҳсул олим эди. У Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ тарихига оид ўнга яқин асарлар ёзиб қолдирган. "Хулосат ул – ахбор" ("Тарихлар хулосаси"), "Маосир ул – мулук" ("Подшоҳларнинг асрадошлари"), "Номайи номий" ("Атоқли мактублар"), "Ҳабиб ус – сияр" ва "Ҳумоюннома" (кўпроқ "Қонуни Ҳумоюнӣ" деб аталади) шулар жумласига киради.

Хондамирнинг илмий меросида "Ҳабиб ус – сияр" (тўла номи: "Ҳабиб ус – сияр фи ахбор афрод ул – башар" – "Инсон ҳабиблари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли") алоҳида ўрин тутади ва Ўрта Осиё ҳамда Хуросоннинг XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий – сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва қимматли манбаларидан бири ҳисобланади. Асар 1521–1524 йиллар орасида ёзилган. Лекин олим Ҳиндистонда турган йиллари ҳам ушбу асар устида кўп ишлаган, уни янги фактлар ва маълумотлар, фикрлар билан бойитган, қайта – қайта таҳрир қилиб тўла равишда 1529 йили тамомланган.

"Ҳабиб ус – сияр" умумий тарих мавзусидаги асар бўлиб, муқаддима (ифтигоҳ), хотима (ихгитом) ва уч жилд (муҷаллад)дан иборат. Лекин ҳар бир жилд, ўз навбатида, тўрт қисм (жуздан) иборат. Асарнинг биринчи ва иккинчи жилдлари, ҳамда учинчи жилднинг 1–2 қисмлари Туркистон хоналари, Чингизхон ва унинг Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Эронда ҳукмронлик қилган авлоди, мамлюклар, Кирмон қорахотойлари, музаффарийлар, Луристон, Рустамдор ҳамда Мозандарон ҳукмдорлари, Қартлар ва Хуросон сарбадорлари тарихини ўз ичига олади. III жилднинг 3 ва 4 қисмлари (жузлари) оригинал бўлиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг 90 йилларидан то 1524 йилгача кечган ижтимоий – сиёсий аҳволини чуқур ва атрофлича баён этади. Лекин, Хондамир ҳам ҳукмрон феодал синфнинг вакили бўлгани сабабли, меҳнаткаш халқ (фуқаро)нинг оғир аянчли аҳволи олимнинг диққат – эътиборидан четда қолган. Шундай бўлса – да тинимсиз урушлар сабабли халқнинг елкасига оғир юк бўлиб тушган қийинчиликлар хусусида айрим,

диққатга сазовор маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, асарда ўз аксини топган 1598 йил Самарқанд қамали вақтидаги шаҳар халқининг аянчли аҳволи (халқ очлик ва қаҳатчилик туфайли ит билан мушук гўштини истеъмол қилиб тирикчилик қилган, 1512 йили Қарши халқининг қизилбошлар тарафидан қирғин (қатли омм) қилиниши, 1514 ва 1515 йиллари Хуросонда юз берган очлик ва қаҳатчилик ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари асарда феодал—ер эгалиги, тархонлар ва суюрғол эгаларининг жамиятда тутган ўрни, теурийлар давлатининг маъмурий тузилиши ҳақидаги қимматли маълумотларни учратамиз. Асар географик ва этнографик маълумотларга ҳам бой.

"Ҳабиб ус—сияр"нинг қўлёзма нусхалари кўп. Асарнинг матни Бомбай (1857) ва Теҳрон (1954)да чоп этилган. Ундан айрим парчалар француз, инглиз ва рус тилларида ҳар хил тўпламларда чоп этилган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. № 178/2153 и др., стр. 70-73; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 179—182 бетлар.

ХУДОЙБЕРДИ ИБН ҚЎШМУҲАММАД ҲИВАҚИЙ. XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган хоразмлик таржимон ва тарихчи олим (1773 йили туғилган). Келиб чиқиши руҳоний оиладан бўлиб, отаси Қўшмуҳаммад сўфи ўзини машҳур Кубравия тариқатининг етакчиси Нажмиддин Кубро (1220 йили мўғуллар хуружи пайтида ўлдирилган); шайх ул—машоихнинг 60 та муридлари дафн этилган Ҳасан ота қабристонига (Хиванинг ғарбий—шимолий тарафида, шаҳардан 4 минг қадам нарида жойлашган) дафн этилган. Қўшмуҳаммад сўфи кўпинча Сўфизода номи билан машҳур бўлган.

Худойберди ибн Қўшмуҳаммад маълумотли киши бўлиб, кўпгина қимматли тарихий ва географик асарларни форс ва араб тилларидан ўзбекчага таржима қилиш билан машғул бўлган. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сини Шермуҳаммад Муниснинг топшириғи билан 1247 йили таржима қилиб тамомлагани маълум.

Олимдан "Дили ғароиб" номли яхши бир географик асар қолган. Асар аслида кўчирма (компилятив) бўлиб, мазмуни асосан юқорида номи зикр этилган "Ажойиб ут—табақот" (қ.) ва "Баҳр ул—асрор"нинг географик қисмларига ўхшаб кетади. Лекин унда айниқса, Хоразмга оид янги маълумотлар кўп. Қуйида улардан баъзиларини келтираамиз.

Журжония. Унга сув Сирдарёдан олиб келинган. Унинг шарқий тарафида Бағлон жойлашган, шимол тарафида—Оқча тенгиз, кун ботиш тарафида—Гурлан, жануб тарафида Қиёт (Қот) жойлашган. Унинг харобаликка юз тутиши, айтишларича, сувсозликдан бўлган Сирдарёдан келаётган сув, зироатига етмай қолган. Шу сабабдан уч қирни ошиб бориб, Амударёдан ариқ чиқарганлар ва сувини буриб юборганлар. Амударё илгари Ўнқузнинг жануб тарафидан ўтиб, Журжония ерларини суғориб, Урганч томон оқар эди ва унинг жануб тарафидан оқиб ўтиб, шарқ тарафдан Абулхон тоғларини айланиб ўтарди ва шарқий—жанубий тарафга қараб оқиб, Ўғирчага борарди ва ундан Мозандарон денгизига оқиб тушарди. Журжониянинг теуарак—атрофида илгари кўплаб мустаҳкамланган жойлар, экинзорлар, боғ—роғлар бўлган. Вақт ўтиши билан Журжония сув

остида қолди ва шаҳар харобаликка юз тутди. Айтишларича, шаҳардан яккаю – ягона минора қолган. Кейинчалик Бойназир сўфи деган бир руҳоний уни буздириб ташлади ва ёнида бир масжид қурдирди. Масжид ҳозир ҳам бор. Мағфиратланган сўфининг қабри ўша минора тағдадир. Унинг ёнида Язир алайҳиссалом ва авлиё Бобо Юмалоқнинг қабрлари бор. Саксондан ошган ва буларни ўз кўзи билан кўрган ёки эшитганларнинг сўзларига қараганда, минорани бузган пайтларида минорадан бир хат чиққан ва ўша хатда айтилишича, бу минора бу ердаги 370 устуналик масжиднинг кичик минораси бўлиб, эни 30 қари, баландлиги эса 100 қари бўлган. У ердан туриб азон айтилган. Масжидда Қуръон тиловат қиладиган 30 нафар қори бўлиб, уларнинг, шунингдек, имом, муъаззин ва фаррошнинг маоши 30 лақдан белгиланган. Масжид атрофида мадраса, бозор ва карвонсарой жойлашган бўлиб, уларнинг барчаси сув остида қолган.

Хоразмнинг яна бир шаҳари Урганчдир. У Чингизхон тарафидан вайрон этилган. Бу золим келмасидан аввал бу ерда (Урганчда) ўн иккита жомий масжид бўлган... Ҳар бирининг уч таноб саҳни бўлган. Шаҳарнинг тўрт тарафида кўм – кўк намозгоҳлар бўлиб, жума кунлари ҳар бирига уч – тўрт лак одам йиғилар эди. Намозгоҳларнинг ҳар биттасида бир минг одам хизмат қилган.

Урганч халқининг кўпчилигини пайғамбар Яъқуб алайҳиссаломнинг авлоди ташкил қилган... Мағфиратланган ўғли Шомуннинг мозори Миздахкондадир. Ҳозирда у жой Хўжа Эли (Хўжайли) деб айтилади.

Шу кунларда Урганч қаровсиз қолган. Шаҳид бўлган шайх Нажмиддин Кубро ва ҳазрат Хожа Али Азизоннинг мақбаралари ўша шаҳардадир.

Хоразмнинг яна бир шаҳари Рамлидир. Уни Сом ибн Нуҳ бино қилган: Уни отасининг кемасига ўхшатиб қурдирган. Ҳозирда Хивақ номи билан машҳурдир. Айтишларича, Хивақ сўзида ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд Валийнинг вафот топган йили тарихи яширинган. Шу сабабдан ушбу тарих шаҳарга ном ва тарих бўлиб қолган. Ва яна айтадиларки, Хивақ кўп марта вайрон этилиб, яна қайтадан бино қилинган. У хазрати олийлари Оллоқули Баҳодирхоннинг отаси мағфират қилинган ва жаннатда сокин бўлган Абулғози Муҳаммад Раҳимхон I ва унинг оғаси жаҳонга шуҳрати таралган Қутлуғ Мурод иноқ тарафидан обод қилинган. Уларнинг саъй – ҳаракати билан шаҳарда катта масжид бино қилинган. Бу ишга юқорида номи тилга олинган иноқнинг хизматкорларидан Шер девонбеги ва улут вазир Муҳаммад Ризо қушбегилар катта саъй – ҳаракат кўрсатганлар. Жаннатмакон хоннинг амри билан яна карвонсарой, тим ва уларнинг ўртасида катта мадраса бино қилинган. Хивақнинг қалъасида саййид Аловиқдин Хивақий ва бошқа 300 машҳур шайх дафн этилан. Қалъа ташқарисида эса шайх Абулвафо Хоразмийнинг ва яна минглаб руҳонийлар дафн этилганлар...

Ва яна Хивақнинг гурунчи ва қовуни ширин бўлади. Иқлими яхши, одамлари ёввош. Қиши совуқ келади. Қаттиқ совуқ тахминан бир ой давом этади. Қишда ер уч қарич музлайди. Бу вақтда Гурлан, Хўжайли ва Қўнғиротда 3 – 4 газ қалинликда қор ёғади.

Ва яна Журжонияда дарё суви оқади, у Сирдарёга (Орол денгизига) бориб қуйилади. Бунинг оқибатида Урганч сувсиз қуриб

қолди ва чўлу биёбонга айланди. Бу воқеа ҳижрий 984 йили содир бўлди.

Ва яна ўша денгиз (Сир) ҳеч вақт сувга тўлиб оқмайди. Кемачилар ҳикоя қиладиларки, сув тагида тошдан қурилган биноларнинг қолдиқлари ва катта бир қалъанинг қолдиқлари кўриниб туради.

Ва яна Хоразмда мевалар ва дуккакли экинлар яхши ўсади. Хусусан, қовуни бундай усул билан экилади: Ёноқнинг танасини қисман очадилар ва унга қовун уруғини экадилар. Уруғ сувсиз униб, ўсади, чунки янтоқ илдиизидан сув ичади ва шу йўсинда пишиб етилади. Таъми жуда ширин.

Ва яна Хоразмнинг олмаси, хусусан Ҳазорасп олмаси, жуда ширин. Айтишларича, Ҳазорасп Сулаймон пайғамбар бино қилган шаҳарлар жумласидандир... У ерда асосан шоли етиштирилади...

(Хоразмнинг) ўриги билан узуми ҳам ширин бўлади. Масалан, Чинкадан сал қуйроқда бир қишлоқ бор. Номи Экинлик. Унинг узумидан ширинроқ узум (бошқа ерда) учрамайди.

Хоразмнинг яна бир шаҳари Замахшардир. У Хиванинг кун ботиш тарафига, ундан бир кунлик йўлда жойлашган. Жаннатмакон Муҳамад Раҳимхон I кўп иззатли (Оллоқули)нинг отаси у ерга сув олиб бориб, уни обод қилган.

"Дили гароиб" муаллифи Хоразм ҳақида яна жуда кўп диққатга сазовор маълумотлар келтиради. Масалан,, Гурланнинг осору атиқалари, Хиванинг кун чиқиш тарафига қурилган бозор, 1768 – 69 йили мамлакат бошига тушган вабо касали, 1783 йили ёққан тухумдай – тухумдай дўл ва бошқалар ҳақида маълумотлар топамиз.

Асарнинг бизгача учта қўлёзма нусхалари етиб келган. Уларнинг ҳаммаси (тартиб рақамлари: 1335; 266 варак, 853/1; 172 варак, 8448; 4 варак) Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади. Улардан фақат биттаси – тартиб рақами 1335, тўла бўлиб, муаллифнинг ўз қўли билан кўчирилган. Асар ҳали чоп этилмаган.

Алабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средне Азии XVI-XVII вв. (Письменные памятники). стр. 146-149.

ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ. Асли Эроннинг Тафт қишлоғидан бўлиб (туғилган йили маълум эмас – 1454 й. вафот этган) Тарих, астрономия, муаммо илмига оид ўндан ортиқ китоб ёзиб қолдирган. У етук шоир ҳам бўлиб, унинг "Девони Шараф Яздий" номи шеърый девони бор. Олим ва шоир Форс вилояти ҳокими амирзода Иброҳим Султон саройида (1415 – 1435) хизмат қилган, Мирзо Шоҳрухнинг ҳам хурмат – эътиборини қозонган, 1442 – 1446 йиллари Шоҳрухнинг набираси Қазвин, Султония, Рай ҳамда Қум ҳокими султон Муҳаммаднинг, 1447 йили Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг ҳам хизматида бўлган. У Самарқандда бир йил чамаси истиқомат қилган. Фикримизча, Улуғбекнинг астрономик кузатишларида иштирок этган. Олим 1449 йили Хуросонга қайтади ва умрининг охиригача Тафтда узлатда ҳаёт кечиради.

Олимнинг Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолиятига бағишланган "Зафарнома" асаридан ташқари, астрономия ва муммо илмларига оид "Ал – китоб фи илм устурлоб" ҳамда "Мавотал, ё

манозир дар илм муаммо" ҳамда "Тухфат ул – фақир ва ҳадият ул – ҳақир" номли китоблари, юқорида тилга олинган шеърӣ девони ҳам бор.

Шарафиддин Али Яздӣ асосан "Зафарнома" ("Зафарномаи Темурий", "Тарихи жаҳонкушои Темурий" номлари билан ҳам маълум) номли йирик асари билан шуҳрат топган. "Зафарнома" асосан Низомиддин Шомийнинг шу номи асари асосида, лекин зӯр бадиӣ маҳорат билан ёзилган. Аммо, Шарафиддин Али Яздӣ Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг айримларига янги тарихий манбалар асосида аниқликлар киритган, уни янги факт ва далиллар билан бойитган, ҳазрат соҳибқироннинг ҳаёти ва шахсиятидаги айрим қарама – қаршиликлар олиб ташланган, воқеалар бир мунча ҳаққонӣ ва тўғри баён этилган. Хусусан, унинг Мовароуннаҳрда ҳукм сурган феодал тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган қудратли давлатга асос солганлиги ҳаққонӣ ёзилган..

Шарафиддин Али Яздӣ "Зафарнома"сининг қиммати шундаки унда мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Чиғатой улуси ва Ҳалоқуийлар давлати шунингдек,, Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонидан то Амир Темур давлатининг пайдо бўлишигача кечган ижтимоӣ – сиёсий тарихи қисқача бўлса – да тўғри ёритиб берилган. Асарнинг бу муҳим қисми "Муқаддимаи "Зафарнома" ва "Тарихи жаҳонгир" деб аталади. У 1419 йили ёзилган.

Мазкур асарнинг асосӣ қисми, муаллифнинг олдиндан белгиланган режасига кўра, 3 қисм (мақола)дан иборат бўлиши, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, иккинчи қисмда Шоҳрух Мирзо ва ниҳоят сўнги учинчи қисмда Иброҳим Султон замонида бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти баён этилиши керак эди. Лекин биз ҳозир асарнинг фақат биринчи қисмигагина эгамиз. Асарнинг иккинчи ва учинчи қисмлари сақланмаган. Фикримизча, бу қисмлар умуман ёзилмай қолган. "Зафарнома"нинг биринчи қисми 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт – Петербург ҳамда бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Унинг форсча матни Ҳиндистон (1885 – 1888), Эрон (1957) ва Тошкентда (1972) чоп этилган. Асарнинг айрим қисми ўзбек, инглиз, француз ва турк тилларига таржима қилинган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 145 – 148 бетлар.

ШЕРМУҲАММАД МУНИС. XVIII асрнинг сўнги чораги ва XIX асрнинг биринчи чорагида ўтган маърифатпарвар шоир, олим, таржимон, хаттот. Ҳақиқӣ исми: Шермуҳаммад ибн Авазбий мироб (1778 – 1829); асли Хоразмнинг Кот шаҳридан. 51 йил умр кўрган, лекин ўзидан катта илмий ва адабий мерос қолдирган. Мунис 1800 йили хон саройига котиблик хизматга қабул қилинади.

Мунис 1804 йили девон тартиб қилган, сўнг 1815 – 1820 йилларда бутун адабий асарларини (ғазал, муҳаммас, қасида, рубоӣ, қитъа ва ҳ.к) жамлаб алоҳида девон тартиб берган. Бу девон 80 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган. У "Муниси ушшоқ" ("Ошиқлар дўсти")

номи билан машхур. Девон 1880 йили Хивада тошбосма усулида чоп этилган.

Муниснинг "Саводи таълим" номли шеърий рисоласи (1804) ҳам бўлиб, савод чиқариш ва хуснихат санъати масалаларига бағишланган.

Мунис Хоразмий 1806 йили Хива хони Элтузархон (1804–1806)нинг топшириғи билан Хоразм тарихига оид "Фирдавс ул–иқбол" ("Иқбол боғи") асарини ёза бошлайди, лекин уни тамомлай олмади. Асарнинг давоми Муниснинг шогирди ва жияни Муҳаммад Ризо Отаҳий (қ.) тарафидан ёзилган.

"Фирдавс ул–иқбол" муқаддима, сўз боши ва беш бобдан иборат. Афсуски, китоб хотимаси ёзилмай қолган.

Муқаддимада, одатдагидай, оллоҳ, пайғамбар ва хон шарафига ҳамду сано айтилади, асарнинг номи тилга олинади, унинг мундарижаси ва муаллифнинг Элтузархон хизматига қай тарзда келиб қолгани ҳақида гапирилади.

Сўз боши Элтузархонга бағишланган: унинг сифатлари, қилган хайри ишлари, туркман–ёвмутлар билан бўлган урушда эришган ғалабаси ҳақида сўз юритилади.

Биринчи бобда Одам алайҳиссалом, Нуҳ пайғамбар ва исломиятдан олдин ўтган пайғамбарлар ҳақида гап боради.

Иккинчи бобда турк–мўғул халқларининг афсонавий отаси Ёфас ибн Нуҳ замонидан то Қўнғирот қабиласининг кўтарилишигача бўлган давр ўртасида юз берган воқеалар қисқача тарзда баён этилади.

"Фирдавс ул–иқбол"нинг учинчи боби асарнинг асосий ва аҳамиятга молик қисмидир. Унда Буртажон замонидан Чингизхонгача, Чингизхон давридан Олтин Ўрда хони Бердибекгача кечган давр ичида мўғуллар давлатида юз берган воқеалар, Манғит улусида подшолик қилган шайбонийлар (Ёдгорхон; 1458), Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийлар Илбарсхондан, яъни 1512 й. дан то Элтузархонгача кечган давр ичида, яъни 1804 йилгача кечган Хоразмнинг ижтимоий–сиёсий аҳволи баён этилади.

Тўртинчи бобда Элтузархоннинг шажараси Аланкуваннинг ўғли Дибун Бойондан то унинг (Элтузархоннинг) туғилиши (1771)гача бўлган давр ичида кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Бешинчи боб Хоразмнинг Элтузархон давридан то Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825–26) замонигача Хива хонлигида бўлиб ўтган воқеалар талқин этилади.

Қисқаси, "Фирдавс ул–иқбол"да Хива хонлигининг жуда катта давр ичидаги тарихи баён этилади. Асарда мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий аҳволи масалан,, феодал ер эгаллиги, солиқ ва жарималар (хирож, закот, пешкаш), Вазир, Янгишаҳар, Тирсак сингари шаҳарларнинг умумий аҳволи, Хива хонлигининг Бухоро, Россия, Эрон ва Афғонистон билан бўлган сиёсий муносабатлари ҳақида ўта қимматли маълумотлар келтирилган.

"Фирдавс ул–иқбол"нинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт–Петербург кутубхоналарида сақланади. Асар яқинда АҚШда нашр этилди. Ундан катта парчалар (эркин русча таржимаси) П.П.Иванов тарафидан "Материалы по истории туркмен и Туркмении" номли тўпламнинг II жилдида (333–425 бетлар) чоп этилган.

Мунис Хоразмийнинг ер-сув масалаларига оид "Орналар" ("Анҳорлар") деган рисоласи ҳам бўлиб, у XIX асрда Хоразмда деҳқончилик қандай аҳволда бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Алабиёт: СВР АН. Уз., История № 530/321/1 ва бошқалар, стр. 191-192; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент, "Ўқитувчи", 1991, 171 – 173 бетлар.

ШИҲОБИДДИН МУҲАММАД НИСОВИЙ. XIII асрнинг биринчи ярмида ўтган йирик тарихчи. Тўлиқ исми: Шихобиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ан-Нисовий (туғилган йили номаълум—1249 йилда Халаб (Сурия)да вафот этган). Отаси хоразмшоҳларнинг (ануштегинийлар сулоласидан бўлган подшоҳлар; 1077—1231) эътибор қозонган амирларидан бўлиб, Нисо вилоятига қарашли муштақамланган Хурандиз қалъаси унга тегишли бўлган. Нисовийлар хонадони катта ер эгалари бўлиб, Хурандиздан бошқа Журминий қишлоғи ҳам уларга тегишли эди. Отаси вафот этгандан (1220) сўнг унинг мол—мулки ва мансаби Шихобиддин Муҳаммадга ўтади. Уша йили у хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200—1220)нинг яқин одамларидан Низомиддин Самъонийни мўғуллар таъқибидан яширгани ва сўнгра эсон—омон Хоразмга ўтказиб юборгани учун Хоразмшоҳнинг ўғли Узлатшоҳ унга иқтоъ¹ тарзида катта ер—сув инъом қилган. Шихобиддин Муҳаммад Нисовий 1224 йилга қадар Нисо вилоятининг ҳокими Нусратуддин Ҳамзанинг ноиби бўлиб хизмат қилган. Нисонинг катта қишлоқларидан Нашжувонда ва Журжонга қарашли ал—Халқа қишлоғида мўғуллар билан бўлган жангларда иштирок этган, сўнгра Астробод қишлоқларидан Кабуджома (ҳозир Ҳожилар) ҳокими Имомиддин Нусратуддин Муҳаммад қошига келган ва унинг ёрдами билан яна Нисога қайтишга муваффақ бўлган. Лекин кўп вақт ўтмай, бу ерда феодал кураш кучайиб кетганлиги сабабли Ироққа кетиб қолади ва 1224 йилда Султон Жалолиддин Мангуберди (1220—1231)нинг хизматиغا киради ва унинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилади. Шихобиддин Муҳаммад Нисовий шу лавозимда 1231 йилгача, яъни Султон Жалолиддин ўлдирилишига қадар, хизмат қилади. Шундан кейин у Диёрбакр вилоятига қарашли Маёфарикин ҳокими айюбийлар сулоласи (1169—XV аср охири)дан чиққан ал—Малик ал—Музаффар Шихобиддин (1220—1224)нинг хизматиغا киради. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, қамалиб қолади. Қамоқдан озод этилгандан кейин Илдегизийлар (1137—1225) ҳузурда, 1238 йили Харрон (Эрон Озарбайжони) қалъасига ҳоким этиб тайинланди. Салоҳиддин Юсуф ибн ал—Азизнинг хизматиغا кириб, умрининг охиригача Халабда истиқомат қилади.

Нисовий 108 бобдан иборат "Сирот ус—султон Жалолиддин Мангуберди ("Султон Жалолиддин Мангубердининг таржимаи ҳоли") номли мемуар асар ёзиб қолдирган (1241 йилда Халабда ёзилган).

¹ Иқтоъ (араб. Кесим) — шаҳзодалар ва йирик мансаб эгаларига тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматлари учун марказий ҳукумат тарафидан инъом этилган вилоят, мамлакат, ер—сув.

"Сирот ус – султон"нинг I–IV бобларида тотор – мўғуллар ҳамда Чингизхоннинг келиб чиқиши, Чингизхоннинг хон бўлиб кўтарилиши (1206 й.) ва унинг Мўғулистон ҳамда шимолий Хитойни бўйсундиришига оид маълумотлар келтирилади. V–XXII бобларида хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти баён этилади. XXIII бобдан бошлаб, то асарнинг охиригача хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ўз юртини, элини шармандаларча ташлаб қочиши, Султон Жалолиддиннинг ҳаёти ва унинг мўғул истилочиларига қарши олиб борган кураши, Озарбайжон ва Ироқдаги ҳаёти ва фаолияти ва ниҳоят, фожиона ҳалок бўлиши баён этилади.

Асарнинг, айниқса, 1224 – 1231 йиллар воқеаларига бағишланган боблари оригинал бўлиб, зўр илмий қимматга эга. Чунки бу бобларда муаллиф ўзи кўрган ва шахсан иштирок этган воқеаларни ёзган.

"Сирот ус – султон"нинг арабча матни, французча таржимаси билан бирга, 1895 йилда Парижда, сўнгра матни 1953 йилда Қоҳира (Миср)да чоп этилган. Қисқартирилган туркча – усмонлича (таржимонлар: Юсуф Зиё ва Аҳмад Тавҳид) ҳамда форсийча (таржимонлар: Муҳаммад Али Носиҳ ва Мужтоб Миновий) таржималари ҳам мавжуд. "Сирот ус – султон"нинг туркманлар ва Туркменистоннинг XII асрдаги ижтимоий – сиёсий ахлоддан баҳс юритувчи қисқа бўлаги рус тилида (таржимон: С.Л.Волдин) чоп қилинган. Асар тўла равишда З.М.Буниёдов тарафидан нашр этилди.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 112 – 114 бетлар.

ЭШОНХОЖА ҚОРИ ТОШКАНДИЙ (XIX аср). Қўқон хонлигининг биринчи ярмидаги тарихини ёзиб қолдирган тарихчи олим. Унинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Баъзи маълумотларга қараганда, у йигирма беш йилга яқин (1835 – 1866 йилларида) Қўқон хонларининг Тошкентдаги ноиби вазифасида хизмат қилган.

Шу давр ичида кечган ҳаёти ва фаолиятдан сўз юритувчи асарида, яъни "Хулосат ул – аҳвол" ("Ҳол – аҳволнинг хулосаси") асарида ўзининг ҳаётидан ҳикоя қилади. Шунинг учун ҳам унинг мазкур китобини автобиографик асар деб айтиш мумкин. Асарда нафақат унинг шахсий ҳаёти, балки хонлик, айниқса, Тошкент ноиблигида кечган воқеалардан ҳам айрим, диққатга сазовор маълумотлар келтирилади. Муаллиф мазкур асарини бирмунча қартайиб қолган, яъни ёши 65 дан ўтган пайтида ёзган.

Асарнинг хусурли бир нусхаси (автограф) Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. (тартиб рақами: 568/2084; 240 varaқ). Қўқон хони Маллахонга бағишланган ўша иккинчи қисмидан икки varaғи (в.171б – 172 а) ўчиб кетган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. стр. 205-206.

ҲОЖИ МИР МУҲАММАД САЛИМ. Ҳожи Мир Муҳаммад Салим ва унинг "Силсилат ус – салатин" ("Подшоҳлар силсиласи") асари яқин кунларгача бизнинг илмий жамоатчилигимизга маълум эмас эди. Бунга асар қўлёзма нусхаларининг ўта ноёблиги ва кутубхонамизда йўқлиги асосий сабабчидир. Мазкур асарнинг бир

нухаси Англияда, Бодлеян кутубхонасида (тартиб рақами: 296) сақланмоқда.

Ҳожи Мир Муҳаммад Салим ҳеч бўлмаганда бирон кичик вилоятга ҳоким бўлиш шарафига муяссар бўлолмаган ва бошидан кўп оғир кунларни кечирган аштархоний султонлари жумласидандир. Унинг катта бобоси Турсун Муҳаммад султон 1578–1598 йиллари Самарқанд ҳокими бўлган. Унинг тўнғич ўғли Поянда Муҳаммад султон Балх хони Надр Муҳаммадхонга яқин бўлган (хоннинг синглиси Зубайда бонуга уйланган) ва 1611–1642 йиллари Қундуз вилоятига ҳокимлик қилган. Ана шу Поянда Муҳаммад султон билан Зубайда бонудан туғилган Муҳаммад султон – Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг бобосидир. У 1645 йилгача Шаҳрисабз вилоятига ҳоким бўлган ва Надр Муҳаммадхон Бухоро тахтини ўғли Абдулазизга қолдириб кетгандан кейин у билан бирга Балхга қочиб борган; орадан бир йил ўтгач, 1646 йили, Балх бобурий Шоҳжаҳон қўшини томонидан ишғол қилингандан кейин, хоннинг онаси Шаҳрибону хоним ҳамда Надр Муҳаммадхоннинг бошқа оила аъзоларини олиб Бухорога қочиб келди; Абдулазизхоннинг қалмоқлар, қорақалпоқ ва қозоқ султонларига қарши ҳарбий юришларида иштирок этди. Тоғу тахт олдида кўрсатган зўр хизматлари учун Шаҳрисабзга ҳоким қилиб тайинланди. Муҳаммад султон 1647 йилнинг 14 июнида Аврангзеб қўшини билан Темурободда (Балх қишлоқларидан) бўлган жангда ҳалок бўлган. Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг отаси Муҳаммад Рустам султон 1645 йили ҳали ёш бўлган ва Абдулазизхон унга иқтоъ тарзида Самарқандга қарашли Сарипул қишлоғини инъом қилган. Унга оталиқ¹ қилиб Мир Шоҳзожа Шавдарийни тайинлаган. Лекин 1671 йили Абдулазиз ундан хавфсираб кўзига мил тортириб кўр қилган. Муҳаммад Рустам султон орадан кўп вақт ўтмай, амир Муҳаммад султоннинг оталиқнинг воситачилиги билан хондан рухсат олиб ҳажга жўнаган. Лекин Декан вилоятида давом этиб турган уруш ҳаракатлари сабабли, Ҳиндистоннинг порт шаҳарларидан биронтасига ҳам ўтомай, Шоҳжаҳонободга қайтиб келган ва орадан икки йил ўтгач, ўша ерда вафот этган.

Мир Муҳаммад Салимнинг ўзига келганда, у асарида баён этилган воқеалар баёнига қараганда, отасидан кейин Бухорода қолган. 1711 йили, Убайдуллахон ўлдирилгандан кейин, ҳаж қилиш баҳонаси билан Арабистонга жўнаган. Бир йилча Исфаҳонда истиқомат қилиб, 1712 йили Туркияга борган. Султон Аҳмад III (1703–1730) уни эҳтиром билан кутиб олган. Тўрт йилча Туркияда туриб, мазкур султоннинг ҳарбий юришларида қатнашган. Мир Муҳаммад Салим 1716 йили Маккага борган ва ҳаж маросимини адо этгандан кейин, денгиз орқали Ҳиндистонга келган ва бобурий Носируддин Муҳаммадшоҳнинг (1719–1748) хизматига кирган. Юқорида тилга олинган "Силсилат ус – салотин" асарини ўша Носируддин Муҳаммадшоҳнинг топшириғи билан ёзган. Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг қачон ва қаерда вафот этганлиги маълум эмас.

"Силсилат ус – салотин" (1731 йили ёзилган) муқаддима ва тўрт қисмдан иборат.

¹ Оталиқ – ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида амалда бўлган олий мансаб эгаси; шаҳзодаларнинг тарбиячиси ва васийси.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида сўз боради ва муаллифнинг 1711 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида айрим, диққатта сазовор фактлар келтирилади.

Биринчи қисмда исломиядан аввал ўтган пайғамбарлар; қадимги турклар ва мўғуллар; барлослар ва Амир Темур ва Темурийлар, шунингдек, Темурнинг Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи қисқача баён этилади.

Асарнинг иккинчи қисми Мўғулистоннинг Туғлуқ Темурдан то Суюрғатмишхонгача (1370–1388) ўтган даврдаги тарихини ўз ичига олади.

Муқаддима ва I–II қисмларни ёзишда муаллиф Жувайнийнинг "Тарих–и жаҳонкушой", Рашидиддиннинг "Жомеъ ут–таворих", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Мирзо Улуғбекнинг "Тарих–и арбаъ улус", Хондамирнинг "Хулосат ул–ахбор" ва "Ҳабиб ус–сияр" ва "Маносир ул–мулк" асарлари, Абулфазл Алломийнинг "Ақбарнома", Ҳофиз Дўстмуҳаммад ибн Ёдгорнинг "Мажмуъ ал–ажойиб" (1606 йили ёзилган) каби 20 га яқин китоблардан фойдаланган.

"Силсилаат ус–салотин"нинг III–IV қисмлари алоҳида қимматга эга бўлиб, Ўрта Осиёнинг XVI–XVIII асрнинг биринчи чорагида кечган ижтимоий–сиёсий тарихини ўз ичига олади. Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон ва қисман Кошғар билан бўлган муносабатлари; Бухоро хонлигида ҳокимиятнинг шайбонийлардан аштархонийлар қўлига ўтишининг тафсилоти; XVII асрда Балх ва Бадахшон, шунингдек,, Ўрта Осиёнинг ижтимоий–сиёсий ва маданий ҳаёти; Шоҳ Жаҳоннинг Балх ва Бухоро хонлигининг ички ишларига қуроли аралашуви ва Бобурийлар қўшинининг Балх ва унга тобеъ ерларни босиб олиши; Хоразмнинг XVI–XVII асрлардаги сиёсий аҳволи хусусида бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли факт ва маълумотлар келтирилади. Асардаги улус тизими, тиул ва солона каби солиқлар; Ўрта Осиё шаҳарлари, аҳолиси ва унинг урф–одати ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам алоҳида қимматга эгадир. Ҳожа Мир Муҳаммад Салим Бухоро хонлари (Абдуллахон, Абдулмўъминхон, Динмуҳаммадхон, Имомқулихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон)нинг Ҳиндистон, Эрон ва Туркия ҳукмдорлари билан ёзишмаларининг (20 нафар мактуб) нусхаларини ҳам келтирган. Бу мактублар, шубҳасиз, Бухоро хонлиги билан мазкур мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 201–204 бетлар; Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература XVI–XVIII вв. (Письменные памятники), стр. 101–110.

ҲОЖИ МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРА. (1802–03 атрофида – 1845 йилдан кейин) – Қўқонлик йирик тарихчи, географ, адабиётшунос олим, сайёҳ.

Ҳожи Муҳаммад Ҳақимхон Тўра ўзидан яхши ном қолдирган шахс. У Бухоро амирилиги ва Қўқон хонлиги, шунингдек, Хива хонлиги ва Афғонистонда бўлиб ўтган ижтимоий–сиёсий воқеалар тарихига оид катта тарихий асар муаллифидир. Асар "Мунтаҳоб ут–таворих" "Сайланма тарихлар" деб аталади. Унда Амир Ҳайдар (1800–1826), Насуруллахон (1827–1860), шунингдек,, Қўқон

хонлигининг Норбўтахон (1763–64–1898–99), Олимхон (1898–99–1810), Умархон (1811–1822), Шералихон (1842–1845) даврида мамлакатда бўлиб ўтган воқеалар тарихи баён этилади. Шунингдек, Оталиқхон ҳукмронлигининг (1843 йили вафот этган) дастлабки йиллари воқеалари ва муаллифнинг Россия, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга қилган сафари чоғида кўрган–кечирган воқеаларидан огоҳ бўламиз.

"Мунтаҳоб ут–таворих" бизгача кўп нусхада етиб келган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ундан 7 нусха (тартиб рақамлари: 592, 593, 595, 596/1, 9973/II, 594, 1560) сақланган. Асарнинг форсча матни икки китоб қилиб академик А.М.Мухторов тарафидан 1985 йили Душанбеда чоп этилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. (Письменные памятники.) стр. 126-127;

ҲОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ. XVI асрда ўтган бухоролик шоир ва йирик тарихчи олим. 1549 йили нуфузли мансабдор хонадонида дунёга келган. Отаси Мир Муҳаммад ал–Бухорий Бухоронинг кўзга кўринган боёнларида бўлиб, шайбоний Убайдуллахоннинг яқин кишиларида бўлган; 1550 йил бошларида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил чамаси вақт ўтгач, ўша ерда вафот этган.

Ҳофиз Таниш ўз даврининг чуқур ва кенг маълумотли кишиларида бўлиб, 1584 йили йирик давлат арбоби шоир Қулбобо кўкалтошнинг тавсияси билан Абдуллахоннинг (1583–1598) хизматига қабул қилинган ва хоннинг шахсий воқеанависи (тарихчиси) вазифасига тайинланган. Ҳофиз Таниш умрининг охиригача шу лавозимда хизмат қилди. Баъзи маълумотларга (Малеҳо Самарқандий) қараганда Ҳофиз Таниш 1589 йили хотини тарафидан заҳарлаб ўлдирилган.

Ҳофиз Таниш ўзининг "Шарафномаи шоҳий" ("Подшоҳни шарафловчи китоб") номли йирик асари билан ном қолдирган. "Абдулланом" номи билан ҳам машҳур бу асар Ўрта Осиё, Қозоғистон, шунингдек, қисман, Афғонистон ва Эроннинг XVI асрдаги ижтимоий–сиёсий тарихидан ҳикоя қилади. Асар XVI асрнинг 80–йиллари охирида ёзиб тамомланган. Ҳофиз Танишнинг замондоши шоир ва адабиётшунос Мутрибийнинг гувоҳлик беришига қараганда, асарнинг охириги қисмини хоннинг топшириғи билан қози Поянда Зоминий (1602 йили вафот этган) ёзган. Лекин бу фикр бошқа манбалар билан тасдиқданмайди.

"Шарафномаи шоҳий" муаллифининг режасига кўра, асар муқаддима, икки қисм (мақола) ва хотимадан иборат бўлиши мўлжалланган. Масалан, муқаддимада одатдагидек олий ҳукмдорнинг (Абдуллахоннинг) шаънига ҳамду санолар, асарнинг ёзилиш сабаблари, Абдуллахоннинг – ота–боболари, қадимдан Марказий Осиёда истиқомат қилиб кетган турк–мўғул қабиалари, Чингизхон ва унинг авлоди ҳақида қисқача маълумот; биринчи мақолада Ўрта Осиёда 1533–1583 йиллар орасида содир бўлган воқеалар; иккинчи мақолада Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қўшни хорижий мамлакатларда 1583 йилдан кейин юз бериши мумкин бўлган воқеалар; хотимада эса Абдуллахоннинг сифатлари, унинг билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар, вазирлар, амирлар, шунингдек, Абдуллахон

замонида қурилган бинолар ҳақида маълумот берилиши айтилган. Лекин асар ёзилиш жараёнида режа ўзгарган — биринчи ва иккинчи мақолалар қўшиб ёзилган, хотима эса муаллифнинг бевақт вафоти тўғрисида ёзилмай қолган.

Муаллиф асар муҳаддимасини ёзишда Наршахийнинг "Тарихи Бухоро", шайхулислом Сафиуддин Абубакр Абдуллоҳ Балхийнинг "Ҳазрати Балх", Истахрийнинг "Китоб масолик ул-мамолик", Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушоӣ", Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", "Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" ва Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарих-и Рашидий" асарларида келтирилган маълумотлардан фойдаланган. XVI асрнинг 30–60 йиллари орасида юз берган воқеалар саройда мунтазам юритиб туриладиган кундалик дафтар, содир бўлган муҳим сиёсий воқеаларнинг шоҳиди бўлган кекса кишиларнинг оғзаки маълумоти асосида, 70–80 йиллар воқеалари эса муаллифнинг шахсан ўзи қатнашиб тўплаган фактик материал асосида ёзилган.

"Шарафномаи шоҳий" саж, яъни мураккаб услубда ёзилган. Унда шеърӣ парчалар (Фирдавсий, Рудакий, Камолиддин Биноий, Мушфиқий ва муаллифнинг ўз шеърлари), "Қуръон" оятлари ва ҳадислардан келтирилган парчалар ҳам кўп.

"Шарафномаи шоҳий"да сиёсий воқеалар билан бир қаторда ижтимоӣ — иқтисодий характердаги маълумотлар (масалан, феодал ер эгаллигининг иқтоъ, суюрғол, танҳоқ каби турлари; турли-туман солиқ ва жарималар: хирож, ихрожат, тағор, улӯфа, қўналға, мадади лашкар, бож, томғо, бегор; ўлжа ва унинг феодал жамиятдаги роли, асирни қулга айлантириш ҳоллари), XVI аср шаҳарлари, савдо — сотиқ ва ҳунармандчиликнинг умумий аҳволи; шайбонийлар давлатининг маъмурий тузилиши, Бухоро хонлиги билан Россия, Ҳиндистон ва Қошғар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам қимматли фактлар топамиз. Бундан ташқари, асар этнографик (масалан, ўзбек халқи таркибига кирган уруғ ва қабилалар) ҳамда топографик (масалан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Қулоб, Балх каби шаҳарлардаги диққатга сазовар бинолар, осори атиқалар, шунингдек, мазкур шаҳарларнинг географик ўрни ва топографияси) маълумотларга ниҳоятга бойдир.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг танқидий матни нашр қилинмаган. Баъзи парчалар рус тилида турли илмий тўпламларда эълон қилинган. Асар 1942–1952 йиллар орасида тошкентлик машҳур шарқшунос олимлар Содиқ Мирзаев ва охириги қисми Юнусжон Ҳакимжонов томонидан ўтган асрнинг 60–йилларида ўзбек тилига таржима қилиниб, 1–2 жиддлари зарур тузатишлар, тадқиқот ва изоҳлар билан 1966 ва 1969 йиллари ушбу сатрлар муаллифи томонидан чоп қилинган, 3–4 жиддлари эса нашрга тайёрланган эди. "Шарафномаи шоҳий"нинг русча нашри ҳам (ленинградлик шарқшунос оlima М.А.Салоҳиддинова томонидан) ҳозирланмоқда, унинг биринчи қисми 1983, иккинчи қисми 1989 йиллари нашрдан чиқди. Асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ нашри 1990 ва 2000 йилларда Б.Аҳмедов томонидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 186–190 бетлар; СВР АН. Уз., История. № 348/2207, 349/1415 ва бошқалар стр. 139-141.

ҚИПЧОҚХОН БАЛХИЙ. Ҳиндистонлик тарихшунос (XVII—XVIII аср бршлари). Асли балхлик. Ҳақиқий исми—шарифи: Хўжамқулибек Балхий. Бобоси сипоҳий (ҳарбий) киши бўлган. Бобурий Шоҳжаҳон (1628—1656) даврида йирик ҳарбий бошлиқ лавозимида хизмат қилган; 1646 йил Чигатой (бобурийлар кўшини) таркибида Балхни эгаллашда иштирок этган. Отаси аштархонийлардан Субҳонқулихон ҳукумронлиги даврида (1680—1702) 1692—93 йили Балхга қарашли Дарагез вилоятида ҳоким бўлиб хизмат қилган; 1696 йили Балх ҳокими Маҳмудбий қатағонга тескари бўлиб қолиб, оиласини олиб Балхдан кўчиб кетган ва Панжобда Субадор Абдусамадхоннинг хизматига кирган ва 1713—14 йилга қадар унинг ҳузурда хизмат қилган.

Қипчоқхон Балхий "Тарихи Қипчоқхоний" номли катта тарихий асари билан машҳурдир. Асар 1721—22 йили Лоҳурда ёзиб тамомланган. 1724—25 ва 1725—26 йиллари қайтадан таҳрир қилинган. Қисқа қилиб айтганда, асар 1726 йили тўла ёзиб тамомланган. Асарда тарихчи оламнинг "яратилиши"дан то XVIII асрнинг ярмигача бўлиб ўтган воқеаларни қисқача баён қилади ва Арабистон, Мессопотамия ҳамда Мовароуннаҳрда, қисман Европада (Юнонистон, Рим), Ҳиндистон ва Хитойда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида шунингдек, темурийлар ва шайбонийхонлар ҳамда аштархонийлар ҳақида маълумот беради. Асар Ўрта Осиёнинг сўнгги ҳукумдорлари — шайбонийлар ҳамда аштархонийларга бағишланган; бу қисми оригинал бўлиб, унда кўп янги маълумотларни учратиш мумкин. Асар охирида аштархоний Абдулазизхон (1645—1680)нинг Маккаю Мадина зиёратига бориш воқеалари баён этилади.

"Тарихи Қипчоқхоний" асосан фотиҳа, хотима ва беш қисмдан иборат: 1) исломиятдан аввал ўтган пайгамбарлар; 2) қадимий Эрон подшоҳлари (Пешдодийлар, Кайёнийлар, Ашқонийлар ва Сосонийлар); 3) Арабистон ва Мессопотамияни идора қилган Яман, Ҳалдей ва бошқа подшоҳлар, Мовароуннаҳр, Европа, Ҳиндистон ҳамда Хитой ҳукмдорлари; 4) Муҳаммад пайгамбар, Имомийлар, Умавия ва Аббосия халифалари, исломдаги тўрт асосий мазҳаб етакчилари; 5) халифаликнинг шарқий қисмида ҳукм юргизган маҳаллий сулолалар (Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Музаффарийлар, Картлар, Гурийлар, Мўғул хонлари, Элхонийлар, Темурийлар, Сафавийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар) тарихи ўрин олган.

Асарнинг бешинчи қисми, хусусан XV—XVIII асрлар тарихи биринчи қисмда баён этилган воқеалар тарихини шартли равишда беш бобга бўлиш мумкин: 1) Абулҳайрихон (1428—1469) ва унинг Ўзбек улуси учун олиб борган кураши; 2) Шайбонийхон ва Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга бостириб кириши ва Хуросоннинг истило этилиши; 3) Мовароуннаҳр, Фарғона ва Балхда Кўчқинчхон, Абу Саидхон, Убайдуллахон, Абдуллахон I, Абдуллатифхон, Бароқхон ва бошқа шайбонийларнинг ҳукмронлиги; 4) Мовароуннаҳр, Фарғона, Хоразм ва Балхнинг XVI асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий—сиёсий ҳаёти; 5) Мовароуннаҳр ва Балхнинг аштархонийлар замонидаги аҳволи баёнида иборат.

Асар ҳозирча чуқур ва атрофлича ўрганилмаган ва тўла нашр этилмаган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. № 485/4468/II, стр. 175.176; Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (письменные памятники). стр. 95-105; Хуршид. Тарихи Қипчоқхоний // Автореф. Канд. дис. Ташкент: 1982.

ҒИЁСИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ. (XIV аср охири). Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Амир Темурнинг топшириғи билан улғур жаҳонгирнинг 1399 йили Ҳиндистон устига қилган ҳарбий юриши тарихини ёзган. Олимнинг Рузнома – йи газовоти Ҳиндистон (Амир Темурнинг Ҳиндистон устига қилган юриши куңдалиғи) деб аталадиган ушбу асари 1399 – 1403 йиллар орасида ёзилган.

Асарда 1399 йилдан то 1403 йилгача давом этган бу юриш тарихи кунма – кун ва батафсил ёзилган. "Рўзномаи газавоти Ҳиндистон" 1958 йили проф. А.А.Семёнов тарафидан Москвада рус тилида нашр этилган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 283/1520/II, 56 varaқ) сақланмоқда.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. стр. 115-116.

ЎТАМИШ ҲОЖИ. (XVI аср). Хоразмлик тарихчи. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Тўлиқ исми – шарифи: Ўтамиш Ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўст. Ўзига тинч, нуфузли оиладан чиққан. Аждодлари Сирдарёнинг қуйи оқимида кўчиб юрган шайбоний Ёдгорхоннинг табааларидан бўлишган (XV асрнинг 80 – йилларида). Ўтамиш ҳожининг ўзи Хоразмга биринчилардан бўлиб кириб борган Илборс Султоннинг (1515 – 1525) хизматида бўлган ва Эшсултоннинг (1558 йили ўлдирилган) топшириғи билан "Чингизнома" асарини ёзган. Унинг Олтин Ўрда ва Жўжилар ҳақидаги маълумотлари афсонавий ривоятларга асосланган бўлиб, Тўхтамишхон ҳақидаги (1380 – 1395 йиллар) воқеалари билан узилиб қолган.

Ўтамиш ҳожининг "Чингизнома"си (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 1552/V, varaқ 36а – 59а; ҳаммаси бўлиб 23 varaқдан иборат) бешта қўлёзма билан бир муқовада ва қуйидаги қисмлардан иборат:

- 1) Муқаддима (в. 36а – 37б);
- 2) [Биринчи боб] Чингизхон зикрининг бошланиши (в. 37б. – 40а);
- 3) [Учинчи боб] Шайбонийхон зикрининг бошланиши (в. 40б – 41а);
- 4) [Тўртинчи боб] Беркахон зикрининг бошланиши (41б – 45а);
- 5) [Бешинчи боб] Мунчка Темурхон зикрининг бошланиши (45а – 45б);
- 6) [Олтинчи боб] Тўқтағайхон зикрининг бошланиши (1. 45б – 47б);
- 7) [Еттинчи боб] Ўзбекхон зикрининг бошланиши (в. 47б – 49б);

- 8) [Саккизинчи боб] Жонибекхон зикрининг бошланиши (в. 496 – 50а);
- 9) [Тўққизинчи боб] Бердибекхон зикрининг бошланиши (50а – 59а)

Тўхтамишхон Араб ўғлонга кўп яхшиликлар қилди сўнг буюрди: "Шайбонийхонга тегишли халқ бир ерга йиғилсин", деб.

Шу ерда воқеалар узилиб қолади. (в.59а).

Асар қозоғистонлик шарқшунос олим В.П.Юдин тарафидан рус тилига таржима қилинган ва 1992 йил Ю.Г.Баранова ва М.Х.Абусейтова тарафидан Алматида нашр этилган.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. № 378/1552/ч, стр.149.

ИККИНЧИ ҚИСМ **Биограф олимлар** **(тазкира ва маноқиб муаллифлари)**

АВЕСТО. "Авесто" ва унинг ҳақидаги ушбу мақолани кўриб, таажжубга тушасиз, бошда. Биз бунга алоҳида урғу бераётганимизнинг сабаби бор. Ахир бу асар ўзимизнинг қадимий бойлигимиз, маънавиятимиз, қадриятимиз. Истиқлол шарофати билан ўзимизга қайтган маънавиятимиз. Агар адашмаган бўлсак, ота-боболар яратган бу манбага 2700 йил бўлди.

"Авесто" — оташпарастлик, яъни зардуштийлик (зороастрийлик) динига эътиқод қилган ота-боболарнинг муқаддас китоби. Оташпарастликка бундан қарийб уч минг йил муқаддам Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжон халқлари эътиқод қилганлар. Асар ўша халқларнинг қадимги ижтимоий—сиёсий ва маданий ҳаёти, урф—одатлари, диний қарашлари ва олам ҳақидаги тасаввурларини билишда муҳим, қимматли манба ҳисобланади.

"Авесто" милоддан аввалги VI ва милоднинг VII асри ўрталарида Амударё соҳилида жойлашган мамлакатларда, аниқроғи Балх билан Хоразм оралиғида яратилган. Асар уч қисмдан: 1) Яштлар; 2) Гатлар; 3) Ясна (тўғрироғи, Мазда ясна)дан иборат бўлган асар. **Биринчи қисмда** (Яштларда) ибтидоий жамоа шароитида қабилавий эътиқодлар, масалан, кўп худолик ўз ифодасини топган. Бу қисм асарнинг энг кўҳна қисми бўлиб, милоддан аввалги 3 минг йиллик охирлари ва 2 минг йилликда яратилган. **Иккинчи қисм** (Гатлар)да худо Ахурамазда ҳақидаги таълимот ўз ифодасини топган. Бу қисм милоддан аввалги VI асрда Заратуштра тарафидан ёзилган деб тахмин қилинади. Асарнинг **учинчи қисми** (Ясна) кўп худолик ва якка худолик ўртасида кураш кучайган бир шароитда (VI асрда), аниқроғи, ҳар иккала қарашни келиштириш учун кураш кучайган шароитда ёзилган.

Бахтга қарши "Авесто" тўлиқ сақланмаган. Бизнинг замонамизгача унинг оз—бир қисми етиб келган, холос. Асарда қадимги Эрон подшоҳларидан Кайёнийлар сулоласидан чиққан подшоҳ Гиштосп (Виштосп) замонида китоб ҳолига келтирилган ва ўн икки минг ҳўкиз терисидан тайёрланган махсус пергаментга олтин ҳарфлар билан битилган. Милоднинг VI асрида Сосонийлардан подшоҳ Хусрав I Ануширвон даврида қадимий эрон тилида китобат қилинган. Асар Сосоний Шопур II (милоднинг 309—379 йиллари) даврида тўла равишда тартибга солиниб, изоҳлар ва қўшимчалар (Зандлар) билан бойитилган ва тўлиқ равишда китоб ҳолига келтирилган. Унинг асосий қисмлари паҳлавий тилига таржима қилинган. Китоб тарихда "Занд Авеста" ("Янги Авесто") деб аталади.

"Авесто" ҳажм жиҳатдан катта ва кундалик фаолиятда фойдаланиш қийин бўлганлиги сабабли мунтахаб қилиниб ёзилган. Шу тариха "Кичик Авесто" китоби пайдо бўлган.

Лекин, афсуски, асарнинг бир қисми Искандар Зулқарнайн (милоддан аввалги 336—323) юришлари пайтида йўқолган, қолган бир қисми араб истилоси (674—715) вақтида йўқ қилинган. Унинг бизнинг замонамизгача етиб келган қисми, проф. Е.Э. Бертельснинг (1890—1957) сўзларига қараганда, 83 минг сўздан иборат бўлган. У, асосан, тўрт қисмдан: Ясна, Яштгов, Висперет, Вендидатдан иборат бўлган.

"Авесто"нинг кўшиқлари (гимнлари) ва айрим қиссалари Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур "Шаҳнома" достони учун манба бўлиб хизмат қилган.

"Авесто" Анкел Дю Перон ва Ж.Дарместетер тарафидан француз, Л.Х.Майлс томонидан инглиз, Д.Христенсен тарафидан ҳамда, Иброҳим Пур Довуд томонидан форс ва танланган гимнлари рус тилларига таржима қилинган (Душанбе 1990).

Асарнинг Копенгаген (Дания)да сақланаётган ягона нусхаси асосида тайёрланган фото матни 1937–1944 йиллари олти жилд қилиб chop этилган.

Адабиёт: В.В.Струве, Родина зороастризма // Советское востоковедение, 1948, № 5, стр. 5-34; И.М.Дьяканов, История Лендии от древнейших времен до конца IV века до н.э., Москва: ленинград, 1956.- стр. 5-34; С.П.Толстов, По следам древнехорезмской цивилизации, Москва-Ленинград: 1948 глава шестая; Авеста. Избранные гимны / перевод с авестийского и комментарии проф. И.М.Стеблина-Каменского, Душанбе: 1990: J.Darmesteter, Le Zend - Avesta, vol.1-3, Paris: 1892-93.

АС–САОЛИБИЙ АБУ МАНСУР АБДУМАЛИК. (961 – 1038).

X асрнинг иккинчи ярми – XI асрнинг 30 – йилларида ўтган адабиётшунос олим ва шоир. Ҳақиқий исми шарифи: Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас – Саолибий. Келиб чиқиши Нишопурдан; илм – фаннинг бирмунча соҳалари: тарих, адабиёт, мантиқ, классик араб тили, араб адабиёти соҳаларида кенг маълумот олган олим. Асосан тулки терисидан пўстин тикиб сотиб тирикчилик ўтказган. Унинг ас – Саолибий (пўстин тикувчи) деб аталиши ҳам шундан. У Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёнинг талай шаҳарларида: Журжон, Марви Шоҳижаҳон, Фазна, Бухоро ва Хоразмда истиқомат қилган ва бу шаҳарларнинг ижтимоий – сиёсий ва адабий ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган. Олим 1038 йили она шаҳри Нишопурда вафот этган.

Ас – Саолибий юқорида тилга олинган илмлар бўйича 50га яқин асар ёзиб қолдирган. "Ятимат уд – даҳр фи маҳосин аҳл ул – улум" ("Аср аҳлининг фозил кишилари ҳақида замонасининг дурдонаси"), "Латоиф ул – маориф" ("Ажойиб маълумотлар"), "Шамс ул – адаб фи истеъмол ул – араб" ("Араб тилидан фойдаланишда адаб қуёши"), "Сеҳр ул – балоға ва сирр ул – бароъат" ("Нотиқликнинг сеҳри ва нутқ санъатининг сирлари"), "Китоб ул – тамсил ва – л – муходарот" ("Нодир сўзлар ва болиғ сўхбатлар китоби"), "Мақорим ул – ахлоқ" ("Афзал хулқлар"), "Фурар ахбор мулук ул – фурс ва сияруҳум" ("Эрон подшоҳлари ҳақидаги хабарлар ва уларнинг ҳаёти") асарлари шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё халқларининг X – XI асрлардаги тарихи ва адабий ҳаётини ўрганишда олимнинг "Ятимат уд – даҳр" ҳамда "Китоб ал – Фурар" асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

"Ятимат уд – даҳр" (994 – 1000 йиллар орасида ёзилган) Ўрта Осиё, хусусан Марви Шоҳижаҳон ва Бухорои Шарифнинг X асрдаги адабий ҳаётини ўрганишда асосий манбалардан бири ҳисобланади. "Фурар ахбор мулук ул – фурс ва сивруҳум" китоби "Шоҳномаи Саолибий" деб ҳам аталади ва Фазнавий султонларнинг Хуросондаги ноиб Абу Музаффар Наср ибн Носириддиннинг (1021

йили вафот этган) топшириғи билан ёзилган муҳим тарихий асардир. У тўрт жилдан иборат бўлган. Асарнинг биринчи қисми (I–II жилдлар)да Эрон подшоҳлари, иккинчи қисми (III–IV боблар)да X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср бошларида Эрон, Афғонистон ҳамда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган ижтимоий – сиёий воқеалар тафсилоти баён этилади. Афсуски, асарнинг иккинчи қисми (3–4 боблари) бизгача етиб келмаган.

"Ятимат уд – даҳр"нинг арабча матни 1883 ва 1947 йиллари Байрут ва Қоҳирада чоп этилган. Асарнинг французча ва лотинча таржималари ҳам мавжуд бўлиб, таржимонлар Барбье де Мейнар ва Валентинлардир. Асарнинг Ўрта Осиёнинг X асрдаги адабий муҳитидан маълумот берувчи 4 қисми ўзбек тилига Исмагулла Абдуллаев тарафидан таржима қилиниб, 1976 йили Тошкентда чоп этилган. "Китоб ул – ғурар"нинг арабча матни, французча таржимаси билан қўшиб, 1990 йили Х.Зотинберг (1836–1914) тарафидан чоп этилган.

Асар ("Ятимат уд – даҳр") европалик олимлар: Барбье Де Майнар (1826 – 1908), Р.Дворжак (1860 – 1920), Р.Никольсон (1868 – 1947), В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, А.Е.Кримский тарафидан кенг ўрганилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 101 – 102 бетлар.

АС – САФИЙ. Илоҳиёт, ҳадис, тафсир ва адабиёт илмларини чуқур билган йирик олим. Тўла исми: Фахриддин ибн Али ибн Ҳусайн ал – Воиз ал – Кошифий (1463 йил 11 феврал – 939/1532 – 33). Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Эроннинг Байҳақ шаҳрида, ўқимишли хонадонлардан бирида туғлиб, отаси илоҳиёт, тафсир ҳамда ҳадис илмига оид бир қатор асарлар ёзган ва Нақшбандия тариқатининг етакчиларидан хожа Убайдулла Аҳрор (1404 – 1490) ва унинг ўғиллари эътиборини қозонган. Ас – Сафий умрининг кўп қисмини Самарқандда ўтказди ва хожа Убайдуланинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилди. Эшоннинг ўлимидан кейин Ҳиротга келиб темурийзода Султон Ҳусайн (875/1470 – 912/1506)нинг хизматиغا кирди ва унинг воизи (ваъз айтувчиси – хутба ўқувчи) бўлиб хизмат қилди.

Ас – Сафий ўрта аср илмининг турли соҳаларига оид 10 га яқин асар ёзган. Ахлоқ ва одоб мавзуга бағишланган, латифа ҳамда бадиҳалардан иборат "Латоиф аз – зароиф" ("Зариф кишиларнинг латифалари"), "Маҳмуд ва Оёз" достони, алкимёяга бағишланган "Тухфат ул – хоний" ("Хоннинг туҳфаси"), "Хирз ул – омон мин фатан уз – замон" ("Замоннинг зийраклиги билан жодуни қайтарадиган тумор"), шунингдек, Нақшбандия тариқатининг таълимоти ва унинг йирик намояндалари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Усули нақшбандия" ва "Рашахоту айн ул – ҳаёт" ("Ҳаёт булоғидан томчилар") асарлари шулар жумласидандир. Ас – Сафий булардан ташқари таржимонлик билан ҳам машғул бўлган. Масалан, у ислом назарийтчиларидан Умар ибн Муҳаммад Сухравардий (632/1234 йили вафот этган)нинг "Уюн ул – ҳақоик ва изоҳ ат – тароик" ("Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар изоҳи") номли китобини арабчадан форсчӣйчага таржима қилган. Таржима "Китоб кашф ул – асрори Қосимия"

("Қосимия сирларининг кашф этилиши [ҳақида] китоб") номи билан маълум. Ас—Сафий Шарқда машҳур бўлган "Калила ва Димна" дostonини ҳам қайта ишлаган. Бу асар "Анвори Суҳайлий" ("Суҳайл юлдузининг нурлари") номи билан машҳур.

Олимнинг асарлари орасида "Рашахоту айн ул—ҳаёт" китоби алоҳида ўрин тутади. У Ўрта Осиёнинг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий—сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. "Рашахот" Нақшбандия тариқати машоихларининг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда тариқат йўлбошчиларидан хожа Убайдулла Аҳрорнинг ҳаёти ва ижтимоий—сиёсий фаолияти ҳақида муҳим маълумот беради.

Ас—Сафийнинг мазкур асари дебоча, кириш (мақола), хотима ва уч қисм (мақсад)дан иборат.

Дебочада асарнинг ёзилиш сабаблари, муаллифнинг номи, асарнинг ёзилган вақти ва хожа Убайдулла Аҳрорнинг Нақшбандия тариқатига алоқаси ҳақида сўз юритилади.

Кириш қисмида Нақшбандия тариқати машоихларнинг, хожа Юсуф Ҳамадоний (1140 й. вафот этган)дан то мавлоно Шамсиддин Рухийгача қисқача таржимаи ҳоли баён этилган.

Асарнинг I—II қисмларида хожа Убайдулла Аҳрор ва унинг фарзандлари (хожа Зикриё, хожа Яхъё, шунингдек, эшоннинг яқин муридлари) ҳақида ҳикоя қилинади.

"Рашахот"нинг эътиборли томони шундаки, унда, аниқроғи, унинг учинчи қисмида, Мовароуннаҳрнинг XV асрдаги тарихий аҳволига оид қимматли маълумотлар бор. Хусусан, хожа Убайдулла Аҳрорнинг феодал хўжалиги, тамға солиғи, Мовароуннаҳрнинг ўша замонларда бошқа мамлакатлар билан олиб борган савдо алоқалари, эшоннинг мамлакатнинг ижтимоий—сиёсий ҳаётида тутган роли ҳақидаги маълумотлар алоҳида эътиборга моликдир.

Ас—Сафийнинг ушбу асари Ҳиндистон (1890, 1897, 1906) ҳамда Тошкентда (1911) тошбосма усулида чоп этилган. Асар араб (1852, 1889) ҳамда усмонли турк (1888) тилларига ҳам таржима қилинган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 158—160 бетлар.

АҲМАД ИБН МАҲМУД БУХОРИЙ. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида ўтган бухоролик географ ва тарихчи олим. Кўпроқ Муллазода (мулланинг ўғли) ва "Муъин ул—фуқаро" ("Фуқаролар сунъичиғи") номи билан машҳур бўлган.

Бухороий шарифнинг муқаддас мазорлари, уларга бориш ва зиёрат қилиш тартиб—қоидалари, ўша мазорларнинг хосиятлари ҳақида маълумот берувчи "Китоби қанд" (хўпинча "Китоб ул—қанд фи тарихи Самарқанд" — "Самарқанд тарихи ҳақида қонтдек китоб") ва "Китоби Самария" қабилдаги асари билан машҳур. Асар кўпинча "Китоби муллазода" деб аталади. У XIV асрнинг охири XV аср бошларида ёзиб тамомланган.

Аҳмад ибн Маҳмуд мазкур асарини ёзишда бир қатор муҳим асарлар, масалан, Хожи Абдуллоҳ Сафид Муъинийнинг "Ҳақиқатни очиб берувчи китоб", Наршахийнинг машҳур "Тарихи Бухоро", Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал—Бухорий ал—Гунжор ал—Варроқнинг (1021 йили вафот этган) "Тарихи Бухоро", Абу Хомид ал—

Газзолийнинг (1111 йили вафот этган) "Ихё улум ад-дин" ("Ислом илмининг тирилтирилиши"), Маҳмуд аз-Замашарийнинг (1144 йили вафот этган) "Рабби ул-аброр", Абу Саид Абулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Саъидийнинг (1161 йили вафот топган) "Китоб ул-ансоб" ("Насаблар ҳақида китоб")и, Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Бухорийнинг "Шариат ул-ислом ила дар ас-салом", Жувайнийнинг (1226–1271) "Тарихи жаҳонкушоӣ", Муҳийиддин Яхё ибн Шариф ан-Навайийнинг (1277 йили вафот топган) "Китоби тахзиб ул-асмо ли-л-луғат", Валиуддин Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Термизийнинг "Мишкот ул-мусобиҳ", "Шарҳ ал-жомиъ ас-сағир", Ибн ал-Асирнинг "Жомиъ ул-усул ал-аҳодис ар-расул" каби асарларига асосланиб ёзган. Асарда Бухоронинг муқаддас мазорлари тавсифи икки қисмга бўлиб тасвирланади: **Биринчи** қисм – шаҳар девори ташқарисидаги мазорлар, **иккинчи** қисмда – шаҳар ичкарисидаги мазорлар ҳақида маълумот берилган.

Биринчи қисмда аввал Абу Ҳафс Кабир мазори – (шаҳар четида жойлашган); Бобо Пародўз мазори (Салоҳхона дарвозаси ташқарисида жойлашган); шаҳид Абулҳасан Ҳамадоний мазори (Самарқанд дарвозаси ёнида бўлган. Уларнинг кўпчилиги Фатҳобод ва унинг атрофида жойлашган), Чашмайи Айноб, Туркий Жандий мазорлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Уша мазорларга дафн этилган имомлар, валийлар, баъзи султонлар ҳақида ҳам қимматли маълумотларни учратамиз. Масалан,, Абу Абдуллоҳ Сафид Муъиний номи билан машҳур бўлган бухоролик фақиҳ, Чашмайи Айнобда Саффорийлар авлоди, Шайх Абу Иброҳим Исмоил Чашмайи Айноб Ҳованда Садр аш-Шарийа; шимол тарафдан дарвоза олдидаги қабристонга қўйилган.

"Китоби Муллазода" Гулчан Маъоний тарафидан Техронда 1339 й., русча таржимаси Р.Л.Гафурова тарафидан 1992 йили Тошкентда чоп этилган.

Алабиёт: Гафурова Р.Л. Китоби Муллазода, Тошкент: ФАН, 1992. — 6–27–бетлар; СВР АН. Уз., История. № 827/5387/II ва бошқалар, стр. 355-357.

БАДРИДДИН КАШМИРИЙ – XVI асрда ўтган адабиётшунос ва биограф олим. Ҳаёти ҳамда илмий–адабий фаолиятига оид айрим маълумотлар унинг ўз асари (қ.) муқаддимасида (в 16–21а)да келтирилган. Уша маълумотлардан маълум бўлишича, Бадриддин Кашмирий (тўлиқ исм–шарифи Бадриддин ибн Абдуссалом ибн саййид Иброҳим ал-Ҳусайний) асли кашмирлик бўлиб, 1554 йили Бухорога келиб қолган ва бутун умри давомида Жуйборий хожалардан хожа Муҳаммад Ислом (1493–1563), хожа Муҳаммад Саъд (1531–32 – 1589) ва хожа Тождидин Ҳасан (1574–1646) хизматида, фикримизча, уларнинг шахсий котиби лавозимида хизмат қилган.

Бадриддин Кашмирий замонасининг кенг маълумотли кишиларидан бўлган ва адабиётшунослик ҳамда тарихшунослик жабҳаларида фаолият кўрсатган; таъби назири ҳам бўлган. Олимдан бирмунча йирик ва муҳим асарлар қолган. Абдуллахон II нинг тарихига бағишланган "Зафарнома" номли катта шеърый асар (1593 йили ёзилган), Жуйборий хожалар тарихига оид "Равзат ур-ризвон

ва хадиқат ул – гилмон" ("Жаннат боғи ва шеърлар тўқайзори"; 1589 – 90 йили ёзилган), диний – фалсафий ва ахлоқий масалаларга бағишланган "Шамъи дилафруз" ("Дилни ёритувчи шамъ"; 1568 – 69 йили ёзилган), "Меърож ул – комилин" ("Комил кишилар учун нарвон"; 1573 – 74 йили ёзилган) "Равзат ул – жамол" ("Кўнглини очувчи боғ"; 1575 – 76 йили ёзилган), "Баҳр ул – авзон" ("Вазнлар ҳақида китоб"; 1583 йили бошланган), "Расулнома" (Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида китоб; Муҳаммад Шайбонийхонгача кечган воқеалар ҳақида китоб) асарлари шулар жумласидандир. Улардан фақат иккитаси – "Зафарнома" ва "Равзат ур – ризвон" асарларигина бизнинг замонамизгача етиб келган. Булардан биз учун энг муҳими "Равзат ур – ризвон" бўлиб, ундан фақат бир нусха (552 варақдан иборат; бадийи жиҳатлари аъло қўлёзма) сақланган. Форс тилида, ҳали нашр этилмаган.

"Равзат ур – ризвон", Жуйбор хожалари, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва мануқибларидан ҳикоя қилади.

Асар муқаддима, хотима ва етти бобдан иборат.

Муқаддимада хожа Муҳаммад Ислоннинг ота – боболари, ҳазрат эшоннинг хулқ – атвори, одатлари, муаллифнинг Кашмирдан жўнаб кетишлари ва Бухоройи Шарифга кўчиб келишлари сабаблари ҳақида ҳикоя қилинади. Муқаддимада яна маълум бўлишича, асарни муаллиф ҳазрат эшоннинг кўрсатмаси билан ёзган ва тўрт йил ичида ёзиб тамомлагани айтиб ўтилади. Бунинг эвазига ҳазрат эшондан унга 2500 абуллахоний тангаси (соф қумушдан зарб этилган пул) олган.

Асарнинг биринчи бобида (216 – 96а варақлари) Мовароуннаҳрнинг XVI аср биринчи ярмидаги ижтимоий – сиёсий тарихи, Бухорони Шайбонийхон олгунга қадар кечган тарихи баён этилган.

Иккинчи бобда (96а – 128б) Шайбоний султонлардан Муҳаммад Амин султон, Худойберди султон, Жувонмард Алихон, Кепак султон, Динмуҳаммад султон, Хусрав султон, Абулқудус султонларнинг ҳазрат эшон ва хожа Калонга ёзган мактубларининг нусхалари келтирилган. Бу ерда Мовароуннаҳр, Балх ва Бадахшоннинг XVI асрдаги ижтимоий – иқтисодий аҳволи, шунингдек, Мушфиқий, Маҳрабий, Шуурий, Восифий каби шоирлар ҳақида, Самарқанд, Балх, Бадахшон сингари шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни учратамиз.

Асарнинг III – IV боблари (128б – 30б саҳифалари)да хожа Муҳаммад Ислоннинг XVI асрнинг 60 – йилларидаги фаолияти зикр этилади. Бу бобда мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

Бешинчи бобда (30бб – 367а) Шайбоний султонларнинг, улар орасида Абуллахон II ҳам бўлган, ҳазрат эшонларга йўлаган 100 дан ортиқ мактубларининг нусхалари келтирилади. Улар орасида Эрон, Ҳиндистон ва Кошғар хонларининг мактублари ҳам бор. Шу бобда Абуллахоннинг он ҳазратларига қилган тортиқлари, шунингдек, мазкур хоннинг ҳазрат эшоннинг Вахш ва Қубодиёндаги экинларига сув чиқариш учун мардикорлар сафарбар қилиш ҳақидаги махсус фармонлари, шунингдек, ҳазрат эшонга тегишли ерларни солиқ ва жарималардан озод қилиш ҳақидаги фармонлари ҳам келтирилади.

Асарнинг олтинчи бобида (в. 367а – 429а) он ҳазрат билан замоңдош бўлган шоирлар ҳақида гап боради шунингдек, уларнинг ижодиётидан айрим намуналар келтирилади.

“Равзат ар—ризвон”нинг еттинчи бобида (в. 429а—519а) Мовароуннахрнинг хожа Муҳаммад Саъд ва Абдуллахон ҳаётининг охириги пайтларидаги, яъни 1585—1591 йиллардаги ижтимоий—сиёсий аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Асарда XVI асрда Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида олиб борилган шаҳарсозлик ҳақида ҳам эътиборга маълумотлар бор.

Асарни тез фурсатда нашр этиш, ҳеч бўлмаса унинг фото нашрини амалга ошириш илмий жамоатчилик, хусусан манбашунос олимлар олдида турган муҳим вазифадир.

Алабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература XVI-XVIII вв. (Письменные памятники), стр. 182-187.

БОБУР. Йирик олим, истеъдодли шоир ва давлат арбоби. Тўла исми: Заҳириддин Муҳаммад Бобур (ҳижрий 888 йил муҳаррам ойининг 6—куни/1483 йил 14 феврал куни — ҳижрий 937 йил жумади ал—аввал ойининг 6—/ 1530 йил 26 декабр). Фарғона ҳукмдори темурий Умар Шайх Мирзо (1461—1494)нинг тўнғич ўғли. Андижонда таваллуд топган. 1494 йил 5 июнда 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона тахтига ўтқазилган. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, Султон Аҳмад Танбал бошлиқ феодал гуруҳлар билан бўлган ўзаро урушларда мағлубиятга учраб, юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган. 1497—98, 1500 ва 1501 йиллари унинг Самарқанд шаҳрини эгаллаш учун олиб борган кураши ҳам натижасиз тутаган. Бобур 1504 йилгача Фарғона ва Мовароуннаҳр учун кураш олиб борди, лекин бу гал ҳам яна муваффақиятсизликка учради. 1504 йилнинг июн—июл ойларида Мовароуннаҳрни тарк этиб, Афғонистонга ўтиб кетди ва бу ерда кучайиб кетган феодал курашлардан усталик билан фойдаланиб, Кобулни эгаллади. Бобур бўйсунмаган афғон қабилаарини ҳам тасарруфига олиб, аста—секин мулкни кенгайтирди. Унинг бундан кўзлаган бирдан—бир мақсади, Афғонистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб, ота юртини шайбонийлардан қайтариб олишдан иборат бўлган..

1511 йилнинг сентябр—октябр ойларида Бобур Эрон подшоши Исмоил I Сафавий (1502—1524)нинг ҳарбий ёрдамига таяниб, Самарқандни қўлга киритишга муваффақ бўлди, лекин ҳукмронлиги бир йилга ҳам етмади. 1512 йилнинг апрел—май ойларида Кўли малик (Хайробод ва Қоракўл ўртасида жойлашган манзил)да бўлган урушда Убайдуллахон, Муҳаммад Темур султон, Жонибек султон ва бошқа шайбоний султонларнинг бирлашган кучлари уни мағлубиятга учратди. Бобур Ҳисори шодмонга боради ва икки йил чамаси ўша вилоятда кун кечирди. 1514 йили у яна Кобулга боради. 1514—1526 йиллар орасида Шимолий Ҳиндистон устига беш марта юриш қилади, фақат сўнги юриш (1526 й.)да у бу бой мамлакатни ўзига бўйсундиради ва тарихда Бобурийлар (Фарб тарихчилари уларни Буюк мўғуллар деб атаганлар) давлати номи билан шуҳрат топган феодал давлатга асос солади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1530 йилнинг 26 декбр куни Агра (Ҳиндистон)да вафот этади.

Бобур ҳукмрон феодал синфнинг йирик намояндаси бўлиб, ўз синфнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қиладди, унга хизмат қилди. Лекин нозик таъб шоир, атрофлича маълумотли олим сифатида

тарихда қолди. Ундан катта шеърлар девони, аруз илимига оид "Муфассал" ва илмнинг кўп соҳалари (тарих, география, ботаника ва ҳ.к.) бўйича кенг маълумот берувчи "Бобурнома" номи асарлар қолди.

"Бобурнома" ёдномга (мемуар) типдаги асар бўлиб, унда Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ҳисори шодмон, Чағониён, Афғонистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XV асрнинг 80 – 90 – йиллари ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий – сиёсий аҳволи воқеалари баён этилган. Асар, жуғрофий ва этнографик маълумотларга ҳам бой. Айниқса, юқорида қайд этилган мамлакатларнинг жуғрофий ҳолати, у ерларда истиқомат қилган халқлар, уларнинг урф – одатлари, Дашти Қипчоқ ўзбеклари қўшинининг тузилиши ҳақидаги маълумотлар бениҳоя қимматлидир.

Асарнинг қўлёзма нусхалари тўла эмас. Уларнинг барчасида 1509 – 1518 йиллар воқеалари тушиб қолган. Унинг нашрлари ҳам шу залдадир.

"Бобурнома"нинг танқидий матни Н.И.Ильминский (1857) ва А.Беверидж (1905) тарафидан амалга оширилган. Асарнинг форс (1589), инглиз (1826, 1921), француз (1871, 1986), усмонли туркча (1943 – 1946), ҳамда рус (1958) тилларига ўтирилган тўла таржималари бор. Асарнинг айрим парчалари Россия (Н.П.Пантусов. В.Л.Вяткин, С.И.Поляков ва б) ва бир қатор хорижий мамлакатларда chop этилган.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература XVI-XVIII вв. (Письменные памятники), стр. 150-155; Ахмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 167 – 169 бетлар.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ XV асрда ўтган таъкиранавис олим. Ҳақиқий исми: Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал – Ғозий ас – Самарқандий (1435 – 36 – 1495). Таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам. Ўз асарида ("Тазкират уш – шуаро") келтирган маълумотларга қараганда, йирик ҳарбий арбоб оиласидан чиққан. Отаси амир Бахтишоҳ "Шоҳрух султоннинг яқин кишилари ва эътиборли хизматкорлари жумласидан" бўлиб, унинг кўпгина ҳарбий юришларида қатнашган ва тожу тахт соҳибига садоқат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Амир Бахтишоҳнинг ал – Ғозий деб аталиши ҳам шундандир.

Давлатшоҳ Самарқандий ёшлигида дурустгина маълумот олди. У ўз даврининг кўзга кўринган олимларидан, масалан, фақиҳ ва шоир хожа Жалолуддин Фазуллоҳ Абуллайсий (Алишер Навоийга ҳам устозлик қилган шахс)дан таълим олди. Лекин 1480 йилга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шуғулланмаган, аксинча, сарой хизмати ва ҳарбий ишга жалб этилган, Шоҳрух Мирзо ва Ҳусайн Бойқаронинг кўпгина юришларида иштирок этган. У сўнги марта Султон Ҳусайн билан яна бир темурийзода Ҳисори шодмон ва Бадахшон ҳукмдори Султон Маҳмуд Мирзо (863/1459 – 899/1494) ўртасида Чакмансарой (Афғонистоннинг Анҷхой вилоятига қарашли манзилгоҳ)да бўлган урушда қатнашган. Бу уруш тарихчи Хондамирнинг маълумотларига қараганда 1474 йилда бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий 50 ёшга кирганда, яна кўлига қалам олди ва ўрта аср форс – тожик классик адабиётининг йирик номояндаларининг ҳаёти ва адабий фаолиятини ўрганишга киришди.

Давлатшоҳ Самарқандий бор — йўғи 60 йил умр кўрди. "Мирот ус — сафо" ("Поклик кўзгуси") асарининг муаллифи Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сиддиқ Нишопурий (XVII асрнинг иккинчи ярми — XVIII асрнинг бошлари)нинг маълумотларига қараганда, 900/1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ Самарқандийдан битта, бироқ ўнгла асарга татийдиган асар қолган. Асар "Тазкират уш — шуаро" ("Шоирлар зикрида") деб аталади. У 1486 йили ёзиб тамомланган. Олим бу асарини ёзишда ўзидан илгари ўтган тарихшунос ва тазкиранавис олимларнинг асарларидан, хусусан Абу Тоҳир Хотуний (X асрнинг иккинчи ярми — XI асрнинг биринчи ярми)нинг "Маноқиб уш — шуаро" ("Шоирларнинг яхши сифатлари"), Абу Мансур ас — Саолибий (350/961 — 429/1038)нинг "Йатимат уд — даҳр фи маҳосини аҳл ул — аср" ("Аср аҳлларининг фазилатлари ҳақида замонасининг дурдонаси"), Нуриддин Муҳаммад Авфий (567/1172 — 630/1233)нинг "Лубоб ул — албоб" ("Қалблар қалби") тазкираларидан, тарихшунос олимлардан Гардизий (XI асрнинг биринчи ярми)нинг "Зайн ул — ахбор" ("Тарихлар безаги"), Банокатий (XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг биринчи чораги)нинг "Равзат ули — л — албоб" ("Акобирлар ва асл (киши)лар тарихи хусусида оқиллар боғи"), номаълум олимнинг "Тарихи Оли Салжуқ" ("Салжуқ хонадонининг тарихи"), Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазвиний (1281 — 1350)нинг "Нузҳат ул — қулуб" ("Қалблар ардоғи"), Рашидиддин Вотвот (429/1038 — 578/1182)нинг "Ҳадоиқ ас — сеҳр" ("Сеҳр боғлари"), шунингдек, ислом уламоларининг таржимаи ҳолларига оид асарлар, шоирларнинг девон ва дostonларидан кенг фойдаланган.

"Тазкират уш — шуаро"да VII — XV асрларда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида қисқача, лекин бениҳоят қимматли маълумотлар келтирилган. Асарда бошқа қимматли тарихий маълумотлар ҳам кўп.

Асар муқаддима, хотима ва етти қисм (табақа)дан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, VII — X асрнинг биринчи ярмида ўтган арабийнавис шоирлардан 10 нафари (Лабид, Мутатаббий, Абу Аъло ал — Маарий ва б.к.) ҳақида маълумот келтирилган.

Асарнинг биринчи ва иккинчи қисми X — XI асрларда Эрон ва Ўрта Осиёда яшаб ижод этган 40 та йирик шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ва ижодига тегишлидир.

III — V табақаларда ануштегинийлар хонадонига мансуб бўлган хоразмшоҳлар (тахм. 654/1370 — 754/1353) ҳамда музаффарийлар (713/1314 — 795/1393) замонида ўтган 54 шоир ҳақида маълумот бор.

Сўнгги икки, VI — VII табақаларда Амир Темур (771/1370 — 807/1405) ва темурийлар (771/1370 — 912/1506) замонида ўтган 41 шоир ҳақида сўз боради.

Хотимада XV асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва Давлатшоҳ Самарқандий билан замондош бўлган шоир ва адиблар: Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Шайх Аҳмад Суҳайлий, Хожа Афзалуддин Маҳмуд Кирмоний, Хожа Шиҳобиддин Абдулла Марварид ва Хожа Асафий ҳақида ҳикоя қилинади.

Қисқа қилиб айтганда, Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш — шуаро" асари Ўрта Осиё ва Эроннинг X — XV асрлардаги маданий ҳаётини, ҳар икки мамлакат орасидаги адабий алоқалар тарихини

ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Тарихий маълумотлар орасида XIV асрнинг 30–80 йилларида бутун Хуросонни ларзага келтирган ва Мовароуннахрнинг ҳам ижтимоий–сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган сарбадорлар ҳаракати ҳақидаги маълумотлар бениҳоя қимматлидир.

"Тазкират уш–шуаро"нинг тўла матни Бомбей (1887), Лондон (1901) ва Техрон (1958)да чоп этилган. Айрим қисмлари Россия (В.А.Жуковский, Ф.Эрдман), Франция (Э.Браун, Фольконер), Туркия (Фаҳим Сулаймон афанди) ва бошқа мамлакатларда чоп этилган. Асар 1900 йили эски ўзбек тилига (таржимон Муҳаммад Рафъ) ва унинг катта қисми 1981 йилда ҳозирги ўзбек тилига (таржимон Б.Аҳмедов) таржима қилинган. Унинг машҳур шарқшунос олим Э.Браун қилган инглизча таржимаси (1900 йили чоп этилган) ҳам бор.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент: ФАН, 1962. – 35 бет.

ДОМЛА МУҲАММАД ШАРИФ ОТА ИБН МУҲАММАД НАҚИЙ (XIX аср боши). Манғитлар сулоласидан чиққан Бухоро амири Ҳайдар (1799–1826) замонида яшаб ижод этган тарихшунос олим. Аштархонийлар даври (1601–1785) тарихини ўз ичига олган "Тож ут–таворих" ("Солномалар тожи") асари билан шуҳрат топган тарихшунос. Ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳозирча бирон маълумот келтириб бўлмади.

Мазкур асар юқорида номи тилга олинган амир Ҳайдарнинг топшириғи билан ёзилган (1800 йилнинг 30 ноябри куни ёзиб тамомланган).

Асар кам ўрганилган, лекин аштархонийлар, хусусан биринчи Манғит амирлари: Муҳаммад Раҳим (1753–1759), Дониёлбий (1759–1785) ва Шоҳмурод (1785–1800) даври тарихини ўрганишда муҳим тарихий манба вазифасини ўтайди.

"Тож ут–таворих" муқаддима, хотима ва уч қисмдан иборат. Муқаддима Манғитлар сулоласининг келиб чиқиши, турк–мўғул қавмларини, Чингизхон (1155–1227) ва Чингизийларнинг ҳамда Аштархонийлар тарихи баён этилади. Асар охирида келтирилган икки маълумот: 1) халқ ҳаракатлари ҳамда 2) Нодиршоҳ (1736–1747) тарафидан сунна ва шиа мазҳабидаги мусулмонларни яраштириш мақсадида қаҳирланган қурултой ҳақида ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

Асар етарли ўрганилмаган ва ҳали–ҳануз нашр этилмаган. Унинг яхши бир нусхаси (тартиб рақами: 525/2092 ва бошқалар) Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История. стр 189-190; Шмидт А.Э. Из истории суннитско-шиитских отношений, сб. // "Икд ул–джуман". В.В.Бартольд, Ташкент: 1927.- стр. 69-107.

КАМЁБ (XIX асрнинг иккинчи ярми) – Хивалик шоир ва тарихшунос олим. Ҳаёти ва илмий–адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Тўлиқ исми–шарифи: Сайид Ҳамиджон тўра ибн

Сайид Муҳаммадхон (1861–1922), Муҳаммад Раҳимхон II (1865–1910) қўл остида тарбия топиб, етук шоир ва тарихшунос олим бўлиб етишган. Ҳаёти ва фаолиятига оид айрим маълумотларни Лаффосий (1949 йилнинг август ойида вафот топган)нинг "Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари" номли қўлёзма асари (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 9494, 7б–8а в.)дан топиш мумкин.

Олимдан "Таворих ул-хавонин" ("Хонлар тарихи") деб номланган кичик ҳажмдаги, лекин эътиборли бир асар қолган.

Асарда (1886 йили ёзилган) XIX асрда ўтган Хива хонларининг шажараси ва тарихи баён этилган. Унда 1874–75 – 1895–96 йиллари Хоразмда юз берган ер силкиниши ва унинг ўлка об-ҳавосига кўрсатган таъсири ҳақида маълумотлар мавжуд.

Адабиёт: СВР АН. Уз., История № 579/ 7717, 580/853/II, стр. 211-212. стр 189-190; Шмидт А.Э. Из истории суннитско-шиитских отношений, сб. // "Икд ул-джуман". В.В.Бартольд, Ташкент: 1927.

МИРЗО СОДИҚ САМАРҚАНДИЙ – XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган самарқандлик атоқли шоир ва тазкиранавис олим. Ҳаёти ва илмий – адабий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Масалан,, унинг ҳақида ҳозирча қуйидагиларни айтиш мумкин: Садриддин Айний ўзининг "Намунаҳои адабиёти тожик" асарида Мирзо Содиқ Самарқандий ҳақида, хусусан, унинг уч ғазал, иккита фард, бир латиғаси ва "Даҳмаи шоҳон" маснавийсидан 48 байт келтириб ўтади ва шеърлари содда, раvon тилда ёзилганлигини айтади.

Яна бир йирик тожик шарқшунос олими Р.Ҳодизода "Маъҳазҳои адабиёти тожик нимаи дуввуми асри XIX" асарида шоир ва олим ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтади.

Н.Маъсумий "XVIII аср ва XIX аср иккинчи ярмидаги тожик адабиёти" рисоласида унинг ҳақида қимматли мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Масалан,, унинг ҳаёти ҳақида гапириб, шоирнинг 15 минг мисрадан ортиқ шеърлар ёзганини айтади. Шеърларида замондан шикоят аломатлари борлигини уқдиради. Шу билан бирга, унинг замонасининг пешқадам шоирларидан бўлганини қайд этади.

Кўп жиддлик "История таджикского народа" китобида Содиқнинг мукамал девони, шунингдек, тахминан 15 минг мисра шеърлари борлиги қайд этилади.

Лекин, олимнинг фақат "Даҳмаи шоҳон", Қазову қадар", "Рафти тумани Охугир ва Хайробод" маснавийлари, "Дарвишнинг ошиқ бўлиб қолиши" манзумаси, "Ғазаллар" девони бизгача етиб келган ва улардан баъзи нусхалари сақланган.

Мирза Содиқ Самарқандий, тадқиқотчи Усмон Каримовнинг юқорида зикр этилган рисоласида келтирилган маълумотларга қараганда, Бухоронинг Жоңдор қишлоғида (шаҳарнинг ғарб тарафида, ундан тахминан 2,5 фарсах масофада жойлашган) таваллуд топган. Асл исми – шарифи Мирза Муҳаммад Содиқ бўлиб, "Содиқ" тахаллуси билан шеърлар ёзган. У Амир Ҳайдарнинг замондоши бўлган ва Амир ҳукуматида мунший ва дафтардор бўлиб хизмат қилган. 1753–58 йиллари тугилиб, 1819 йилнинг октябрида вафот топган.

Шоир ва олим ҳақидаги мухтасар ва аниқ маълумот юқорида зикр қилганимиз Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаққир ул – асҳоб"

тазкирасида келтирилган маълумотдир. У куйилагича: "Кейинги пайтларда Болту тахаллуси бўлган мулла Содиқ Самарқандий "Риёз уш – шуаро" номли бир тазкира ёзиб, унда шайбоний Абдуллахон вафотидан (1598 й) Надр Муҳаммадхоннинг ҳокимият тепасига келганига қадар (1642 й.) бўлиб ўтган ҳар бири ўз тахаллусига эга бўлган подшоҳлар, фозил кишилар, машойих, амир, толиби илм, олим, вазир, шоир, хаттот ва китобат аҳли, санъаткор ҳамда ҳунармандлар ҳақида сўз юритганлиги, уларни кўргани, улардан эшитганини ёки улар билан мулоқотларда бўлганини ёзган ("Ўзбек адабиёти тарихи", III жилд, Тошкент 1978, 145 – бет).

Афсуски, "Риёз уш – шуаро"нинг бирон нусхаси топилганича йўқ. Акс ҳолда биз XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган кўпгина шоирларнинг ижоди билан танишган, ўша даврда мавжуд бўлган адабий муҳит билан ошно бўлган бўлардик.

Адабиёт: Ўзбек адабиёти тарихи, III жилд. Тошкент: ФАН, 1978. – 145 – бет. У.Каримов. Мирзо Содиқ Мунший. Душанбе: 1972. – 9 – 48 бетлар.

МУЛЛА ШАРАФИДДИН АЪЛАМ САМАРҚАНДИЙ (XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII аср). Самарқандлик шоир ва тарихшунос олим. Асли андижонлик; ёшлигида отаси билан бирга Самарқандга келиб қолган.

Мулла Шарафиддин аълам "Тарихи саййид Роқим" ("Тарихи саййид Шариф роқими Самарқандий", "Тарихи роқимий" ва "Тарихи Касира" деб ҳам аталади) асари билан шуҳрат қозанган. Асар нафақат Мовароуннаҳрда, балки Хуросон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда ҳам машҳур бўлиб, унда Амир Темур (1370 – 1405) замонидан то 1445 йилгача, яъни Аштархонийлардан Абдулазизхоннинг Бухоро тахтига ўлтириши (1645)гача кечган замонда Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва қисман Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеалар тарихига (йирик қурилишлар, тарихий шахсларнинг вафот топган йиллари, муҳим асарларнинг: масалан,, Мирзо Улуғбекнинг "Зижи", Жомийнинг "Нафаҳот ул – унс" асари ва б.қ. нинг ёзилиш тарихи) ҳақида маълумотлар келтирилган.

"Тарихи саййид Роқим" кенг тарқалган асар. Унинг қўлёзма нусхалари кўп ва уни жаҳоннинг жуда кўп кутубхоналаридан, масалан,, Тошкент, Душанбе, Санкт – Петербург, Англия, Франция, Миср, Саудия Арабистони кутубхоналаридан топиш мумкин.

Асарнинг танқидий матни яратилмаган, унинг тўла таржимаси ҳам ҳали амалга оширилмаган.

Адабиёт: Ч.А.Стори. Персидская литература, часть 2, Москва: Наука, 1972.- стр. 1141-1142; СВР АН. Уз., История. № 437/9215/V ва бошқалар, стр. 164-173; Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература. (Письменные памятники). стр. 131-135.

МУТРИБИЙ САМАРҚАНДИЙ. XVI асрнинг иккинчи – XVII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган етук шоир, муסיқашунос ва адабиётшунос олим. Унинг ҳақида баъзи маълумотларга эгамиз, ҳолос. Унинг "Тазкират уш – шуаро"сидан маълум бўлишича, у XVI асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда таваллуд топган ва тахминан XVII

асрнинг 30 – йилларида вафот этган. Юқорида тилга олинган Ҳасан хожа Нисорийнинг шогириди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Мутрибийдан мовароуннаҳрлик 320 шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Тазкират уш – шуаро" ("Шоирлар ҳақида ёднома") номли асар қолган.

Мутрибийнинг кейинги йилларда адабиётшунослик ва Ҳиндистондаги адабий муҳит ва маданият тарихига оид яна иккита мустақил асари: "Нусхайи зебойи Жаҳонгирий" ("Жаҳонгир подшоҳининг гўзал нусхаси") ва "Хотироти Мутрибий" ("Мутрибийнинг хотиралари") деган асарлари топилган.

"Тазкират уш – шуаро"да 320 шоирнинг шеърларидан намуналар (парчалар) ҳам келтирилган. Мутрибийнинг яхши мусиқашунос бўлганлиги ҳам маълум.

"Нусхайи зебойи жаҳонгирий" олимнинг иккинчи асари – "Хотироти Мутрибий" билан бир муқовада ва "Тарихи Жаҳонгирий" деб аталади. У ҳозирда Англияда "Индия оффис" кутубхонасида 3023 тартиб рақами билан сақланади. "Нусхайи зебойи жаҳонгирий"нинг охириги қисми (тахминан 80 шоир ҳақидаги маълумотлар) Жаҳонгир подшоҳининг ўзи тарафидан тўпланган. Шунингдек, "Хотироти Мутрибий" билан қўшиб 1976–77 йили тожик олими академик Абдулғани Мирзоев томонидан, Карачи (Покистон)да Маҳмуд Ҳасан Сиддиқий ва Саййид Ҳисомиддин Рашидий тарафидан чоп этилган. Мутрибийнинг ҳар иккала асари – "Нусхайи зебойи жаҳонгирий" ва "Хотироти Мутрибий" асарлари Урта Осиё билан Шимолий Ҳиндистоннинг XVI–XVII асрлардаги адабий алоқалари ҳамда Мутрибийнинг ижодий фаолиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

"Хотироти Мутрибий"да келтирилган маълумотларга қараганда, шоир ва олим 1559 йили Самарқандда таваллуд топган. Унинг аждодлари – ота тарафидан буваси Малик аргун ва шоир Басирий (она тарафдан буваси) замонасининг етук шоирлари жумласидан бўлишган. Шоир ва адабиётшунос олим Мутрибий хат – саводини Самарқандда чиқарган, сўнгра Бухоройи Шарифга бориб қолган ва машҳур шоир ва олим Ҳасанхожа Нисорийдан (қ.) таълим олган.

Асар ("Тазкират уш – шуаро") аввалида (исми аввалида) Мутрибий шоирлик ва шеърятга алоқадор бўлган 17 нафар шайбоний султонлар ҳақида: Абулғози, Абдуллахон II, Абулмуъминхон, Абдол султон, Абулхайр султон, Баҳодир султон, Музаффар султон ва бошқалар ҳақида маълумот келтиради ва "уларнинг баъзилари билан таниш эдим ва уларни шахсан билардим, баъзиларининг эса хизматида бўлган эдим", деб ёзади. (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 2252, в. 46. – 226.). Мазкур хонлар ва султонларнинг шахси ҳақида икки оғиз сўз. Абдуллахон II, маълумки, Бухоро ҳокимияти тепасига ҳижрий 964 йил шаъбон ойининг 7 – сида (1557 йил 5 июнь куни) келган (Мусаххир ул – билод, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 1505, в. 34а) ва шу вақтдан то 1006 (1598) йилгача ҳокимият тепасида турган. Абулмуъминхон – унинг ўғли ва тож – тахт вориси бўлиб, отасидан кейин 6 ой ҳукумат тепасида турган. Мутрибий улар билан 70 – йил ўрталаридан бошлаб муносабатда бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Бу ҳақда "Хотироти Мутрибий"да муфассал ёзилган (61–63 бетлар). Абдол султон (ҳақиқий исми Абдулмалик султон) Самарқанд хони

Абдулатифхоннинг (1540–1552) ўғли бўлган ва Ўзбекхоннинг амри билан 1577 йили Хисори шодмонда қатл этилган ("Тарихи Саид Роқими Самарқандий, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 2623, в. 193 б). Баҳодир султон шайбонийзода Султон Саъидхоннинг ўғли бўлиб (у ҳам кўп сонли тож – тахт даъвогарларидан бўлган), 1568–69 йили Абдуллахон билан жангда Самарқанд ёнидаги Қорабулоқда ўлдирилган ("Абдуллонома", II жид, Тошкент 1969, 70 – бет; "Мусаххир ул – билод, в. 56а–56б). Абдулхайр султон билан Музаффар султонга келсак, улар ҳам Самарқанд хони Жувонмард Алихоннинг (1572–1573) ўғиллари бўлиб, Абдуллахон II нинг амри билан 1578–1582 йиллари қатл этилган ("Мусаххир ул – билод", в. 57б, 64а). Мутрибий сўнгги икки султон, уларнинг феъл – атворини "Тазкират уш – шуаро"да айтиб ўтган. Мутрибийнинг сўзларига қараганда, улар ҳийлакор, золим ва фитначи одамлар бўлишган. Фикримизча, XVI асрнинг 70 – йилларида Жувонмард Алихон хизматида бўлган. ("Тазкират уш – шуаро", 14а – 16а).

1620 йилгача Мутрибий Самарқандда истиқомат қилган; кўп вақт Ҳожибий қушчи ва аштархоний Вали Муҳаммадхон хизматида бўлган. 1612 йили Ҳиндистонга саёҳат қилишга аҳд қилган, лекин оилавий шароити тўғри келмагани сабабли, (қармоғида 20 дан ортиқ одам бўлган) мақсадини амалга оширолмаган ("Хотироти Мутрибий", 4 – бет). 1620–1624 йиллари, 69 ёшида, ўзининг иккинчи тазкираси – "Нусхайи зебойи Жаҳонгирий"ни тузиш билан банд бўлган ва уни асосан битириб, 1624 йили Мовароуннахр, Хуросон, Балх ва Бадахшон шаҳарлари бўйлаб юрт кезган ва бўлажак тазкираси учун янги маълумотлар тўплаган. Ва асарини деярли тамомлаб, 1625 йили кузда, ўғли Муҳаммад Алини бирга олиб, Ҳиндистонга жўнаб кетган. Йўлда кўп вақт Балх ва Қобулда тўхтаб ўтади, бўлажак тазкираси учун янги маълумотлар йиғади ва 1626 йили Лоҳурга бориб тўхтайди. Ўша вақтда Жаҳонгир подшоҳ (1605–1627–28) ҳам ўша ерда бўлган. Мутрибий яна бир – икки ой мазкур тазкираси устидаги ишини давом этдиради ва келаси йили (1627–28 йили) уни битириб, подшоҳнинг ҳузурига боради. Мутрибий Лоҳурда бир йил чамаси туради ва она шаҳарига 71 ёшида қайтиб боради. Унинг бундан кейинги ҳаёти қандай кечгани бизга маълум эмас.

Мутрибий яшаган замон қандай кечгани ва у нималар билан шуғуллангани ҳақида бир неча оғиз сўз. Унинг шоир, мусиқашунос ва йирик адабиётшунос олим сифатида ҳамда шоир бўлиб шаклланишида юқорида номлари зикр этилган Ҳасанхожа Нисорий билан Самарқанд ҳокими Ҳожибий қушчиларнинг хизмати катта бўлган. Чунки Ҳожибий оталиқнинг уйи доимо олимлар, шоирлар ва маданият намояндалари тўпланадиган жой бўлган. Мутрибий Ҳасанхожа Нисорийга шогирд ва ёрдамчи бўлган бўлса, Ҳожибий оталиқ қушчининг унга кўп вақт хизмати сингган, деб ёзади Мутрибий. Бу ерда тез – тез ўтказиб турилган мажлислар туфайли кўпгина бухоролик ва самарқандлик фан – маданият намояндалари билан топишган, улардан кўп илм – маърифат касб этган. Тазкираларида келтирилган маълумотлардан кўринишича, Мутрибий ўз замонасида кўп илмларни: адабиёт ва илми аруз, фалсафа ва мусиқа, илоҳиёт илмлари, хаттотлик ва китоб безаш санъатлари бўйича кенг малака ҳосил қилган зиёли киши бўлган. Адабиёт билан илми арузда

Ҳасанхожа Нисорий, фалсафа билан мусиқа илмларида машҳур Юсуф Қорабоғийнинг (1644 йили вафот этган), мусиқада Ёвмий Балхийнинг, илоҳиёт илмида машҳур Муқаттаа (Самарқанд) масжидининг имом хатиби, мавлоно Низорий Бадахшонийнинг, китобга зарҳал беришда Рустам наққошнинг, ҳуснихатда Собит Миёнқолийнинг шогирди бўлган ("Тазкират уш – шуаро" в.45а, 1276 – 128а, 152 аб, 1236 – 1256, 160а, 204а, 218а) ва ўзига яқин бўлган кишилардан ғазалнавис шоир, илми аруз бўйича китоб ёзган Фарроший Самарқандий (ҳақиқий исми Ҳабибулла), рубойинавис шоир ва илми аруз билимдони хожа Дўстназар Курайший, таниқли адабиётшунос олим, мавлоно Муҳаммад Содиқларнинг номларини тилга олиб ўтган ("Тазкират уш – шуаро, в.1976 – 199а). "Мавлоно Муҳаммад Содиқ, – деб ёзади Мутрибий, – шеърят илмида ҳам маҳорати бўлиб, бизгача сақланмаган "Риёз уш – шуаро" номли тазкиранинг муаллифидир. У сиёқ илмида ҳам билимдон бўлиб ва бу мавзуда китоб ёзган ва унинг бу асари муставфийлар ва дафтардорлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда..." Лекин, зикр этилган тазкирасидан айрим парчаларни Малеҳо Самарқандийнинг "Музаққир ул – асҳоби"да учратиш мумкин.

Мутрибий ҳар иккала тилда: ўзбек ва форс тилларида ёза билган, классик шеърятнинг ҳамма жанрларида шеър ёзган моҳир шоир бўлган ("Тазкират уш – шуаро, в. 1896; "Хотироти Мутрибий, 4 – бет). Бунга унинг турли мажмуа ва баёзларга киритилган шеърлари мисол бўла олади.

Энди шоир ва адабиётшуноснинг бизгача етиб келган асарлари ҳақида сўз юритсак. У асосан уч асар: иккита тазкира: "Тазкират уш – шуаро", "Нусхайи зебодий Жаҳонгирий" ва "Хотироти Мутрибий" асарларининг муаллифидир.

1) "Тазкират уш – шуаро". XVI асрнинг сўнгги чораги ва XVII асрда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик 328 шоир ҳақида маълумот берувчи тазкира ва шеърларидан намуналарни ўз ичига олган асар. 1604 йили ёзиб тамомланган ва аштархонийлардан Вали Муҳаммадхонга бағишланган.

Тазкиранинг тузилиши қуйидагича: қисқача сўз боши, шайбонийзода хонлар ва султонларнинг ижодиёти, сўнг шу даврда ўтган Мовароуннаҳрлик шоирларнинг ҳаёти ва ижодиётига алифбо тартибида тўхталиб ўтади.

Қисқача сўз бошида асар олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни баён этиб мазкур асар Вали Муҳаммадхонга бағишланганлигини айтади. Сўнг, юқорида айтиб ўтилганидай, шеърятга алоқаси бўлган Шайбонийлар ижодига алоҳида тўхталади. Мутрибий тазкирасининг яна бир муҳим тарафи шундаки, у тазкирага киритилган ўша шоирларнинг шеърларини баъзи – баъзида таҳлил ҳам қилиб боради.

Мазкур асарда XVI асрнинг сўнгги чораги ва XVII асрда Ўрта Осиёда адабиёт ва илм – фаннинг умумий тараққиёти ҳақидаги муҳим факт ва маълумотларни учратамиз. Бу даврда мумтоз шеърятнинг маълум жанрлари (қасида, ғазал, рубоий, ҳажв, маснавий)дан ташқари, қисса ёзиш, латифа, мусиқа (ҳазил – мутойиба) жанрлари ҳам кенг ривожланган. Асарда 300 дан ортиқ шоирнинг ижоди ёритиб берилган. Улар ичидан хусусий девони бўлганлари ҳам, масалан, мулла Боқий Самарқандий, Султон Муҳаммад Карминағий, Муҳаммад Сулаймон Фузулий, Дуойи Бухорий, Муҳаммад Ҳошим Зоҳидийга ўхшаганлари ҳам бўлган. Тазкирага нафақат бой – бадавлат ва нуфузли шоирлар,

балки паст табақадан чиққан қалам аҳллари ҳам киритилган. Улар орасида Балхдан келиб қолган собиқ асир, ҳар хил хатларни кўчириш билан тирикчилик ўтказган Маъсумий Бухорий, муқовасозлик растасида хат кўчириш билан кун кечирган деҳқон Қомати Балхий ва Одина Самарқандий каби кам бизоатлик шоирлар ҳам бўлган. Мутрибийнинг тазкирасига кўплаб истеъдодли касиблар; масалан,, Зарробий Туркистоний каби қандакорлар, Таббохий сингари ошпазлар, Кафший Бухорий каби кафшдўзлар, Лутфий Бухорий каби жомабофлар, мулла Мўмин Самарқандий каби эгар—жабдуқ тикувчилар, Соибий Исфажобий кабилар ҳам кўп. Сиёқ илмининг билимдони хожа Муҳаммад Латиф, Дуойи Самарқандий сингари табиблар, Ҳасанхожа Нисорий сингари фалакиётчилар, фиқҳ илмининг билимдони Садрий Тошқандий, Юсуф Қорабоғий каби файласуфлар ҳам бор. Дарвиш Али Чангий, Дари Чоржўйи, Зарробий Туркистоний, Ёвмий Балхий каби мусиқашунослар, Мир Қосим Самарқандий каби хаттоғлар, рассомлар, тошга ўйиб ёзувчи Ибодулла Закий ва Мирак Муҳаммад мунший, каби муншийлар ҳамда лаввоҳлар ҳам бўлган. Улар ичида турли касб—ҳунар эгалари бўлганлари ҳам, масалан,, мисгарлар, зарроблар, ошпазлар, хинатарошлар, кафшдўзлар, саррожлар, жомабофлар, сўзангарлар, зарниғонлар, заргарлар, тақиядўзлар, дегризлар ва бошқалар ҳам учрайди. Тазкирага шоир бўлмиш мансабдор кишилар: девонбеғилар, кўкалатошлар, дафтардорлар, вазирлар, парвоначилар, аъламлар, қозилар, муфтийлар, воқеанавислар, муншийлар, муҳтасиблар ҳам киритилган.

Асарнинг иккита тўла ва яхши сақланган нусхаси мавжуд. Биттаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами: 2253; XVII асрда кўчирилган; иккинчиси Афғонистонда, Муҳаммад Солиҳ Пируфтанинг кутубхонасида сақланади.

2) "Нусхайи зебойи Жаҳонгирий" Асосан Самарқандда 1625–26 йили ёзилган. Лекин муаллиф асар устида Ҳиндистонга боришда Балх, Қобул ва Лоҳурда ҳам иш олиб борган. Йўл—йўлакай тўпланган материал ва Жаҳонгиршоҳ берган 80 варақ қўшимча ҳам мазкур асарга қўшилган. Мутрибий бу хусусда Жаҳонгир подшоҳнинг олимга айтган мана бу сўзларини ҳам келтиради: "Акбаршоҳ даврида ўтган шоирлардан ўзим тўплаган баъзи шоирлар ҳақидаги маълумотларни қисқа тарзда, қайта ишлаб мазкур тазкирангизга қўшсангиз бўларди". "Мен,—деб давом этади Мутрибий,— подшоҳнинг гапларини икки қилмадим ва ўша материални қайта ишлаб мазкур тазкирага киритдим. Буни ҳаммаси бўлиб 15 варақ қилди ва уни "Жаҳонгир подшоҳ Акбаршоҳ даврида ўтган ҳиндистонлик шоирлар" сарлавҳаси билан мазкур тазкира хотимасига қўшдим". Булар орасида Ўрта Осиё, Балх, Бадахшон ҳамда Эрондан келиб қолганлари ҳам бор. Асар қўлёзмаси, юқорида айтилгандай, Англияда "Индия оффис" кутубхонасида сақланди. 1665 йилнинг 10 март куни Шоҳжаҳонободда кўчирилган.

"Нусхайи зебойи Жаҳонгирий" муқаддима, хотима ва икки қисм (силсила)дан иборат.

Асарнинг биринчи қисми "Чигатой — ҳукмдорлар ҳақидаким, шоирлик маҳорати билан зийнатланганлар ва уларнинг замонида шоирлик фахрий чопонини кийгани ва девони Мовароуннаҳрда машҳур бўлган шоирлар ҳақида" деб аталади. У Шимолий

Ҳиндистонни идора қилган бобурийлар ва уларнинг хизматида бўлган ва Бадахшон билан Шимолий Ҳиндистонда яшаган шоирларга бағишланади.

Асарнинг иккинчи қисми ўзбек султонлари ва уларнинг хизматида бўлган шоирларга бағишланади. Уларнинг кўпчилиги мовароуннахрлик бўлиб, бобурийлар даврида Ҳиндистонга бориб қолишган. Бу бўлим ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда асли Ўрта Осиёлик, лекин Чигатой ҳукмдорлар вақтида Ҳиндистонга бориб машҳур бўлиб кетган шоирлар зикридадир.

Хотимада Мутрибийнинг Лоҳурда туриши ва Жаҳонгир подшоҳ ҳузурига бориши воқеалари ўз аксини топган. Шунингдек, Жаҳонгир подшоҳнинг мазкур тазкирага қўшган қўшимчаси ҳам келтирилади.

"Нусхайи зебони Жаҳонгирий", бадахшонлик, балхлик, эронлик ва Шимолий ҳиндистонлик 292 шоир ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади ва Ҳиндистон Ўрта Осиё адабий алоқалари ҳақида кенг маълумот беради.

"Хотироти Мутрибий" ҳижрий 1036 йилнинг 9 жумодил охирида (1627 йил 25 февралда) ёзила бошланган ва унда Шимолий Ҳиндистоннинг XVII асрнинг биринчи ярмидаги илмий ва адабий ҳаёти, Самарқанднинг осори атиқалари ва Бобурийлар империясининг Бухоро хонлиги билан ўша вақтлардаги адабий ва маданий алоқалари, қисман икки ўртадаги сиёсий муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Мутрибий келтирган маълумотлардан кўринишича, Жаҳонгир подшоҳни, балки ундан аввал ўтган бобурий ҳукмдорларни ҳам Ўрта Осиё ҳукмдорларининг феъл-атвори, қилиқлари ва шахсий ҳаёти, хонларнинг яқинлари (масалан, Надр девонбеги) ва Жуйбор хожаларининг (масалан, Абдураҳимхожа, Фулодхожа ва б.қ.) мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тугган мавқеи қизиқтирган ("Хотироти Мутрибий", 20–21, 23, 34, 45, 48, 61–63, 64–65, 69–бетлар). Шу ҳам эътиборга моликки, Жаҳонгир подшоҳ (балким бошқа бобурийзодалар ҳам шундай қилгандир) Бухоро хонларининг суратларини чиздирганлар. Масалан, Мутрибий 18 хотиротида (61–63 бетлар) мана буларни эслайди: "Бир куни мен подшоҳнинг остонасига бош қўйгани келган эдим. Подшоҳ, қўлида бир кишининг суратини тутиб кўриб турган экан. Подшоҳ, менга "Ўлтур!" деб ишорат қилди ва сўради: "Қараб кўр-чи, бу суратга диққат билан қара, у кимнинг сурати экан?". Суратга қарасам, унда Абдуллахон ўзбекнинг тасвири туширилган экан, бошқаси—Абдулмўминхоннинг тасвири экан. Подшоҳ сўради: "Улар ўхшашми, ёки сенда бошқа фикр борми?". Мен жавоб қилдим: "Булар ота-бола хонларнинг тасвирига ўхшайди. Лекин, Абдуллахон тўла қилиб тасвирланган, аслида иягида тиришлари бор". Подшоҳ яна мендан сўради: "Иягидаги тиришлари чап тарафдами, ёки ўнғамми?" Мен жавоб қилдим: "Тиришлари чап тарафда". Подшоҳ рассомни олдига чақиртирди ва суратни бошқатдан мен айтгандай қилиб чизишни буюрди. Кейин подшоҳ мендан яна сўради: "Абдулмўминхоннинг сурати хусусида нима дейсан?". Жавоб қилдим: "Абдулмўминхонни буғдойранг қилиб чизбдилар. Аслида ундай эмас, аксинча, оқсариқдан келган тусда. Салласини сал пешонасига қинқайтириб ўрайди. Жуда чиройли кўринади... Подшоҳ яна рассомни ҳузурига чақиртирди ва уни ҳам бошқатдан чизишни буюрди".

Мутрибий ўз хотиротида ҳозирги Самарқанднинг осору атиқалари (масалан,, Гўри Амир, Рухобод зиёратгоҳи, Оби раҳмат устига қурилган қоғоз жувозлари, Улуғбек расадхонаси, Пуштойи расад устида қурилган қаҳвахоналар ва хожа Чубон чорроҳаси ҳақида суриштирди ("Хотироти Мутрибий", 19— 21, 36, 39 ва б.к. бетлар).

"Хотирот"да Самарқанднинг бунёд этилиши ҳақида келтирилган афсона ҳам диққатга сазовордир. Унда, хусусан бундай дейилади: "ат— Табарий асарида ва бошқа қадимги китобларда айтилишича, "Самарқанднинг ҳақиқий номи Искандар Зулқарнайнинг икки ғуломи номидан: бири "Самар", иккинчиси "Қамар"дан олиниб, шаҳарга асос солганлар ўшалардир. Уларнинг мозорлари Чорсудадир. ("Хотироти Мутрибий", 18— бет).

"Хотирот"да икки давлат— Бухоро хонлиги билан бобурийлар давлати ўртасидаги элчилик муносабатлари ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. "Айтишларича, 1626 йили Ҳиндистонга Бухоро элчиси хожа Абдуҳаким келган. Жаҳонгир подшоҳ уни илиқ кутиб олган, лекин Мутрибий билан кўришганда, Имомқулихон, ҳузурда Надр девонбеги каби олий мартабалик одамлари бўлса— да ҳузуримизга улардан биронтасини эмас, балки бошқа одамни юборибди", деб бир оз норози бўлган ("Хотироти Мутрибий", 65— бет).

Маълумки, Мутрибий Шарқ классик мусиқаси назариясини яхши билган мусиқашунос ҳам бўлган. У, масалан,, Шарқ мақомларини турли мусиқа асбоблари билан: най, қонун ва доирада яхши ижро қила билган. Мутрибий Муҳаммад Ҳаким мирзонинг Қобулдан Лоҳурга келгани муносабати билан унинг шарафига уюштирилган бир мажлис ҳақида ҳикоя қилар экан, (50—51 бетлар), ўша мажлисда ўтган 12 мақом ҳақидаги мунозарада қатнашгани ва доирада бир неча кўйни: ирок, ҳусайний, сеғоҳ ва бошқаларни зўр маҳорат билан ижро этганини ҳикоя қилади.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI первой половины XVIII вв. (Письменные памятники). стр. 165-173; Ахмедов Б.А. Мутрибий ва унинг "Нусхайи зебойи Жаҳонгирий" тазкираси // Мулоқот, № 2, 2000 йил.

МУҲАММАД БАДИЪ ДЕВОН САМАРҚАНДИЙ (МАЛЕҲО)— Самарқандлик атоқли шоир ва биограф олим. Тазкирасида келтирилган маълумотларга қараганда, унинг ҳақида фақат мана булар маълум: ота— боболари фақиҳ (фиқҳ олимлари), ўзларига тўқ ва нуфузли кишилар бўлишган. Шу боис хонлар, султонлар ва беклар орасида обрў— эътибор қозонишган.

Олимнинг отаси Муҳаммад Шариф билимли киши бўлиб, бир умр Самарқанд қозиси ва муфтияти маҳкамасида хизмат қилган. Муҳаммад Шариф отасининг вафотидан (1670 й.) кейин Абдулазизхон унинг бойлигини ўғлига қолдирган.

Муҳаммад Бадиъ Девои яхши ўқиди ва кенг маълумот олди. Отасининг ёрдами билан 11 ёшигача хат— саводини чиқариб олди. У шу ёшдаёқ шеърлар ёзди, мантиқ, илми калом, фиқҳ, аруз, фалакиёт, фалсафа (илми ҳикмат)ни яхши ўрганди. Олий маълумотни Бухороий Шарифдаги Абдулазизхон мадрасасида олди. Қози Лутфуллоҳ (Шокир тахалуси билан шеърлар ёзган)дан илми калом, илми ҳикмат, тафсир

ва фикҳ илмини ҳам ўрганди. Муҳаммад Бадий, шунингдек, тарих, адабиёт ва бошқа фанларни ҳам яхши ўрганган. 1670 йили, отасининг вафотидан кейин, Эронга сайёҳат қилди, Исфаҳон, Машҳад, Нишопур ва Қошонда маълум вақт истиқомат қилди ва бўлажак асари (тазкираси) учун маълумот йиғди. Шу сабабли бўлса керак, Малеҳо тазкирасининг чорак қисмини эронлик шоирлар ва уларнинг ижоди ҳақидаги маълумотлар эгаллаган. Улар орасида Ҳожи Фридунобек, Мирзо Бадий, Соиб Қошоний, Қосимбек Машҳадий, машҳур шоир, адабиётшунос олим Мирза Тоҳир Насрабодий ва бошқалар ҳам бор эди. 1673 йили Муҳаммад Бадий Ватанига қайтди. Етти йил мобайнида Бухоро ва Самарқандда туриб фикҳ, тафсир ҳамда ҳадис илмидан бўлган маълумотини кенгайтди. Кейин бир неча вақт Самарқанд қозиси Қозихожа Мирақшоҳ қўлида хизмат қилди. 1689 йили у Самарқанд ҳокими Иброҳимбий ҳузурда ишлади. Хон уни Шайбонийхон мадрасасига мударрис этиб тайинлади. Олим ўша ерда тазкираси устида иш олиб борди. Олимнинг ўз сўзларига қараганда, 1670 йили у 30 ёшларда бўлган. Бу ҳолда, у 1641 йили туғилган бўлиб чиқади. Малеҳонинг вафот этган йили маълум эмас.

Муҳаммад Бадий Девои қимматли бир асар — "Музаққир ул — асҳоб" ("Дўстлар ҳақида хотиралар") деган тазкира ёзиб қолдирди. Тазкирада 200 дан ортиқ мовароуннаҳрлик ва эронлик шоирлар ҳақида қисқача, лекин қимматли маълумотлар ҳамда ўша шоирларнинг ижодидан намуналар келтирилган. Мазкур тазкира 1682 — 83 — 1692 йиллар ичида ёзиб тугатилган.

Муҳаммад Бадий Девои мазкур асарини ёзишда шоирларнинг девон ва жамуаларидан ташқари, турли мазмундаги қўлёзма асарларнинг материалларидан ҳам фойдаланган. Улар орасида Мирхонднинг "Равзат ус — сафо", Абулфазл Муҳаммад ас — Самарқандийнинг "Китоби қаңд" (XII аср), Яҳё Сибак Нишопурийнинг (1448 й. вафот этган) "Шабистони хаёл", Али ибн Ҳусайн Воиз ал — Кошифийнинг "Рашаҳот айн ул — ҳаёт", мулла Содик мунший Самарқандийнинг "Риёз уш — шуаро" ("Шоирларнинг жаннат боғи"), Мир Саид Шариф Роқими Самарқандийнинг "Тарихи касира", Хожа Самадқар Термизийнинг "Дастур ул — мулуқ" асарлари ҳам бор.

Муҳаммад Бадий Девои Малеҳонинг мазкур асари ("Музаққир ул — асҳоб") муқаддима ва икки қисмдан иборат.

Муқаллимала, одатдаги сўзлар (ҳамду сано ва муаллиф ўз олдига қўйган вазифалар таъкиди)дан кейин, ўзидан аввал тазкира ёзган Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳасанхожа Нисорий ва "Риёз уш — шуаро" муаллифи Муҳаммад Содик мунший ҳамда Мирза Тоҳир Насрабодийларни тилга олиб ўтади.

Асарнинг биринчи қисмида (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 4270, в. 2436 — 2876; 1682 — 1689 йили тузилган.) 165 шоир ҳақида маълумот берилди.

Иккинчи қисмада (Ўзбекистон Фанлар академияси шарқшунослик институти қўлёзмаси, 4270, в. 188а — 320б), уни муаллиф "Мулҳақот" (қўшимча) деб атаган ва унда 35 шоир ҳақида маълумот учратамиз. Асарнинг бу қисми 1689 — 1692 йиллар ичида ёзилган. Бу ердалар қайд этилган шоирлари орасида хунармандлар ҳам кўп учрайди.

Малеҳо тазкирасининг аҳамияти шундаки, ундан Мовароуннаҳрнинг XVII асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий — сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида керакли маълумотлар

топамиз. Хусусан, мамлакатда илм — фан, шеърят тараққиётининг умумий аҳволи, шеърятнинг газал, қасида, маснавий, рубоий, таърих, қитъа, ҳажв жанрларининг тараққиёти ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз. Тазкиранинг яна бир муҳим жиҳатики, унда ҳам қисса жанрининг тараққиёти (масалан,, мулла Бақо Ворис) ҳақида маълумотлар мавжуд.

"Музаққир ул — аҳбоб"нинг яна бир муҳим тарафи шундаки, шеърят бобида 20 дан ортиқ табратган олимлар, хаттотлар ва муסיқашунослар ортиқ маълумот бор. Улар орасида математик, астроном ва илоҳиёт олимлари ва тарихшунослар ҳам қабул этилган. Тарихчилардан Мир Саид Шариф Роқим, Хожа Самандар Термизий, "Анис ул — фуқаро" муаллифи мулла Неъматулла Самарқандий, муסיқашунос қози Абдулла Офаринкентий, Мирза Али Бухорий, Тоиб, мулла Раҳмат девон Самарқандий, хаттот мулла Ниёз, хожа мулла Маҳжур ва бошқалар бор.

Асарда аштархонийлар давлатининг тузилиши, турли мансаб ва лавозимлар ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотларни кўраимиз.

Тазкирада — Хожа Убайдулла Аҳрорнинг мол — мулки ва унинг тақдирини ҳақидаги муҳим маълумот бор. "Мулҳақот"да бу ҳақда масалан, мана бундай гап мавжуд.: Хожа Убайдулла Аҳрорнинг 1000 бўлак мазраъ мулки (ер — суви) бор эди. Уни фарзандларига вақф қилиб берди, мугаваллий қилиб эса тўнғич ўғли хожа Яҳъёни тайинлади. У ўзидан кейин мугаваллий этиб катта ўғлини таъйин қилди. У, ўз навбатида ўғлини қўйди. Шу тартиб давом этди. Ҳозирда (1622 йили) мулк тасаррифи хожа Хованд Маҳмуднинг қўлида (унинг асл исми Султонхожа Адо бўлиб, ўзининг шахсий мулки 70 қўш (жуфти гав) бўлган. Малеҳо ўша замонда хонлар ва амирлар ўртасида ришватхўрлик (порахўрлик) кучайиб кетганлигини ҳам айтади.

Асарда келтирилган яна бир муҳим маълумот — XVII асрнинг 80 йиллари Бухорога Хива хони Анушахон мунтазам уюштириб турган хуружлардир. Масалан,, 1681 йилнинг кузида ва 1689 йили хивалиқлар Бухоро атрофини қаттиқ талон — торож қилганлар. Бухоро шахристонини ҳам вайрон қилганлар; ҳатто Самарқанд, Қарши ва 1686 йили Шаҳрисабзни талаганлар. Натижада мамлакатнинг иқтисодий аҳволи оғирлашди: хазина бўшаб қолди. Субҳонқулихон навбатдаги талончиликдан кейин Самарқанд халқини айбдор деб ҳисоблаб, халққа оғир солиқ солди.

Тазкирада, шунингдек,, Аштархонийларнинг давлат тузилиши ҳақида, хусусан, ундаги мансаб ва лавозимлар хусусида келтирилган маълумотлари ўта муҳимдир. Уларнинг орасида янгилари, илгари манбаларда учрамаганлари ҳам кўп. Масалан,, аълами аскар, ҳумоюн, қози аскар, воқеанавис, муфтий аскар, раис ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Асарда Самарқанд ва Бухоронинг маҳаллари ҳамда гузарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни учратамиз. Масалан,, Самарқанднинг Дегризлиқ, Ҳовузи сангин, Бўстон боло, Мир Саид Ошиқ, Кимхутгарон, Бўстони хон, Гавкашон, Собунхона, Хон Саид имом, Ҳаммоми кунжик, хонақоҳи Шайх Абулайсий, Булбулак, Гули Сафед маҳаллари ва Бухоройи шарифнинг Соржўйи саррофон, Бозори нав, Лаби ҳовуз, Дарвозайи об ва ҳ.к. маҳаллари тилга олинади. Тазкирада Бухоро хонлигининг Кеш ва Насаф шаҳарлари ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтирилади. Масалан,,

Насаф ҳақида ўқиймиз: "Насаф – обод вилоят. У ортиқча тавсифга муҳтож эмас. Масжид ва сардобадан ташқари, булар мазкур шаҳарда қурилган биринчи иморатлар эдилар, Абдуллаҳон тарафидан кўп янги иморатлар бино қилинган. Боқибий эса, хоннинг тошпириғи билан, мадраса, карвонсарой, тоштепа бозорлари ва ҳаммомлар қурдирди". Шаҳрисабз ҳақида ўқиймиз: "Кеш вилояти, Самарқандга ўхшаб Мовароуннаҳрнинг қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. У бошда ҳазрат Амир Темурга пойтахт бўлган. Лекин Амир Темур замонида қурилган бинолар кўп. Масалан, унинг жомеъ масжидини шаҳид ҳоқон Мирзо Улуғбек қурдирган. Амир Кулол мақбараси шу масжид саҳнида. Мирзо Жаҳонгирнинг мақбараси Муҳаммад Шайбонийхон мозори (Дар ас – саодат") рўбарўсидадир.

Улуғ амирнинг биноларидан фақат арқадаги жиловхона билан давлатхона қолган, ҳолос".

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI первой половины XVIII вв. (Письменные памятники). стр. 173-178.

НИЗОМИ АРУЗИ САМАРҚАНДИЙ – XI асрнинг сўнгги чорағи ва XII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган адиб, шоир ва адабиётшунос олим. Унинг ҳақида биз фақат қуйидагиларни биламиз: олим ва адибнинг ҳақиқий исми Нажмиддин Аҳмад ибн Умар ибн Али; келиб чиқиши Самарқанддан. Отаси бир вақтлар Салжуқийлардан Алп Арслон (1063 – 1072)нинг хизматида бўлган.

Низоми Арузи Самарқандий тахминан XI асрнинг 90 йилларида туғилган, 1116–1119 йилларда Нишопурда Султон Санжар (1118–1157) саройида хизматда бўлган; кейинчалик ҳозирги Афғонистоннинг Ғур ва Бомийён вилоятларида ҳукм сурган шансабийлар хизматида бўлган.

Низоми Арузи Самарқандий этик – дидактик мавзуда "Мажмуъ ал – ғаройбот" ("Ғаройботлар мажмуъаси"), ёки "Чор мақола" ("Тўрт ҳикоят") номи билан кўпроқ шуҳрат топган муҳим бир асар ёзиб қолдирди. Мазкур асар 1156 – 1157 йиллари ёзиб таъмомланган.

Ушбу асар ("Чор мақола") тўрт қисмдан иборат: 1) дабирлар (котиблар) ва дабирлик санъати ҳақида; 2) шеърят илми ва шоирларнинг қадр – қиймати хусусида; 3) Сайёралар хусусидаги илм ва мунажжимлар ҳақида; 4) Тибб (медицина) илми ва табибларга панд – насиҳатлар.

Биринчи қисма Қорахитойлар билан Салжуқий Султон Санжар ўртасидаги 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд атрофида бўлган уруш; Қорахитойлар билан Хоразм, Ғазнавийлар (хусусан Султон Санжар) билан Мовароуннаҳр ҳукмдори Қорахоний Бугроҳон Муҳаммад (1033 – 1056) ўртасидаги элчилик муносабатлари, қорахитойлар истилоси арафасида Бухоронинг умумий аҳволи ҳақида қисқача, лекин эътиборга молик маълумотлар келтирилади.

"Чор мақола"нинг **иккинчи қисми** машҳур форсийзабон шоирлар: Рудакий (тахм. 860 – 941), Фаррухий (1038 йили вафот этган), Абулқосим Фирдавсий (тахм. 940 – 1020) ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, Хуросондаги – Бодҳизнинг юмшоқ табиий шароити, ўша ерда жойлашган 1000 га яқин коризлар, узумнинг 120 навъи, Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрдаги адабий ҳаёт ва маданиятга оид ахборотларни кўрамайз.

Асарнинг учинчи қисмида буюк олимлар: Абу Райҳон Беруний ҳамда Умар Хайём (тахм. 1048–1123) билан боғлиқ маълумотларни учратамиз. Маълумки, Низоми Арузи Самарқандий у билан таниш бўлган.

Тўртинчи қисмда Ўрта Осиёлик буюк қомусий олим Ибн Сино (980–1037)нинг Бухоро ва Хоразмда кечган ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотларни учратамиз.

Хулласи калом, Низоми Арузи Самарқандийнинг мазкур асари Мовароуннаҳрнинг X–XI асрлардаги ижтимоий–сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим манбалар қаторига киради.

Асарнинг форсийча матни 1910, 1955–1957 йилларда эронлик шарқшунос олим Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний ҳамда Муҳаммад Муъин тарафидан нашр этилган. Асар инглиз (1921) ҳамда рус (1963) тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.

Адабиёт: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 120–122 бетлар.

САЙИД АҲМАДХОЖА – Бухоролик биограф, сайёх, Ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолияти ҳақида фақат қуйидагилар маълум: ўзига тўқ, нуфузли оиладан чиққан. 1795–96 йили туғилган. Отаси Муҳаммад Юсуфхожи амир Ҳайдар (1800–1826) даврида Бухорода нақиб¹ бўлиб хизмат қилган. Ўзи ҳам дастлаб амир Ҳайдар даврида, кейинчалик, унинг ўғли ва тахт вориси Насруллахон (1826–1860) хонлигида шу лавозимда хизмат қилган. Ундан сал аввалроқ Нурота туманига ҳокимлик қилган. 1850 йили истеъфога чиқишга мажбур бўлган ва Арабистонга ҳаж сафарига борган.

Сайид Аҳмадхожа нақибнинг "Саёҳатномаси"да Хива хонлиги, Эрон ва Туркия каби қўшни давлатларнинг XIX аср ўрталаридаги ижтимоий–сиёсий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар бор. "Саёҳатнома"нинг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами 4213/4292 сақланади. Лекин, афсуски, қўлёзманинг боши ва охири йўқ; ораларидан баъзи варақлар тушиб қолган. Шу сабабдан асар ҳақида тўла тасаввурга эга эмасмиз. Масалан, у ҳажга Хива – Астробод – Теҳрон – Табриз – Арзирум – Трабзун – Истанбул – Искандария орқали борган ва йўлда, шубҳасиз, кўп нарсаларни, ҳеч бўлмаганда тўхтаб ўтган шаҳарларнинг осору атиқаларини кўрган, бирмунча тарихий шахслар билан. Масалан, Хива хони Муҳаммад Амин (1845–46 – 1854–55), Эрон шоҳи Насриддиншоҳ (1848–49 – 1896–97) билан учрашган. "Саёҳатнома"да сайид Аҳмадхожа нақиб, қайси шаҳардан чиққан вақти қачонлигини ҳам аниқ кўрсатган. Шунга кўра, у ўзи бўлган Хива, Эрон, Туркия ва Миср шаҳарларидан анча – мунчасини, уларнинг машҳур кишиларини ҳам кўрган ва бу ҳақда кўрган–билганларини ёзиб қолдирган. Лекин, асарнинг тўла нусхаси йўқлиги сабабли, унинг йўлда кўрган–эшитган нарсалари ҳақида бирон фикр айтиб бўлмади. Мазкур "Саёҳатнома"га алоҳида мақола

¹ Нақиб – қўшиннинг қуролланиши ва унинг ҳарбий юриш пайтида тўхтайдиган манзилларини аниқлаб берувчи ҳарбий мансабдор (Муҳаммад Бадиъ "Мажмуъ ал – арқом", 93 – бет)

ёзмоқчи бўлган тошкентлик шарқшунос Д.Юсупова ҳам шу сабабдан саййид Аҳмадхоннинг саёҳати ҳақида фақат Хива хони Муҳаммад Аминхоннинг чорбоғлари, баъзи қасрлари ва ҳовлиларидан бошқа Хива ҳақида маълумот келтиролмаган. Шунингдек, мазкур хон тарафидан Кўҳна Урганчга сув олиб бориб, унинг бир қисмида чорбоғ бино қилдиргани ва у ерлар обод бўлганлигини айтади. Бу маълумотлар, шубҳасиз, мазкур хоннинг феодал ҳўжалигини ўрганишда тадқиқотчига қўшимча материал бериши мумкин.

Адабиёт: СБР АН. Уз., т VI, стр 71-72.

САЙЙИД ХОЖА БАҲОУДДИН ҲАСАН БУХОРИЙ НИСОРИЙ

– бухоролик машҳур шоир, адабиётшунос, биограф олим. У ҳақидаги айрим маълумотларни ўзи ёзиб қолдирган "Музаққир ул – аҳбоб" (Дўстлар ҳақида ёднома) асаридан топамиз. Бу маълумотларга кўра, хожа Ҳасанхожа Нисорий аслодалар хонадонига мансуб бўлиб, XVI асрда яшаб ижод этган атоқли шоир ва адабиётшунос олим саййид Подшоҳхожа (у "Мифтоҳ ул – адл" – "Адолат калити" ва "Гулзор" дostonларининг муаллифи) авлод (ўғил) ҳисобланади.

Хожа Ҳасан Нисорий, отасига ўхшаб кенг билимли киши бўлган. У адабиётдан ташқари, тиббиёт, тафсир, ҳаңдаса, фалакиёт, ҳисоб – китоб, мусиқа, ҳуснихат илмларини яхши билган. Мавлоно Муҳаммад Мазиддан тибб илмини, шоир Ҳофиз Убеҳийдан ҳуснихат илмини, Сафиуддин Румийдан тафсир илмини, Мир Муҳаммад Гижжакийдан мусиқани, мавлоно Шайходан фалакиёт илмини, амир Маҳдийдан ҳисоб – китоб фанини касб этган.

Унинг ҳақида яна қуйидагилар маълум. Ўз даврида шайбонийзодалардан Самарқанд Сўғдада ҳоким бўлиб ўтирган Рустам султон ҳузурда садрлик лавозимида бўлган, Балх мадрасасида ҳаңдасадан дарс берган. Хожа Ҳасан Нисорий 1596 – 97 йили вафот топган.

Олимдан ёдгорлик бўлиб, ўша "Музаққир ул – аҳбоб" асари қолган. Унда мовароуннаҳрлик 261 туркийзабон ва форсийзабон шоир ҳақида қисқа, лекин ўта муҳим маълумотлар жамланган. Асар атоқли Жуйборий шайхларидан хожа Муҳаммад Исломга бағишланган ва 1566 – 67 йиллари тузилган.

Асар қисқа муқаддима (в 16 – 5в), қириш қисми, тўрт боб ва хотимадан иборат бўлган.

Қисқа сўз бошида муаллиф ўз олдига қўйган вазифалар ва асарнинг Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган "Мажолис ун – нафоис"нинг давоми эканлиги айтилади.

Қириш қисмида (в 56 – 42а) шайбонийзода шоирлар: Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдулатиф султон, Рустам султон, Абдулазизхон, Султон Саъид султон, Жувонмардалихон, Дўстмуҳаммад султон, Абдулғозихон ва теурий мирзолардан (бобурийлардан) Ҳумоюн, Комрон, Акбар, Мирзо Аскарый, Ҳиңдол ва Мирзахонлар ҳақида қисқача маълумотларни учратамиз. Шунингдек, шу қисмда Шайбонийхоннинг теурий Султон Аҳмаднинг таклифига кўра Бухорода бўлиши (1487 – 1488 й.) билан боғлиқ воқеаларга тўхталиб ўтади. Шайбонийхон бу ерга Султон Аҳмад ва амир Абдулалӣ тархоннинг тақифи билан келган эди.

Хожа Ҳасан Нисорийнинг сўзларига қараганда, у (Шайбонийхон) ўшанда Омонкент қишлоғида тўхтагани ва хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг набираси Мир Муҳаммад Нақшбандга мурид бўлгани айтилади. Хожа Ҳасан Нисорийнинг айтишича, хусусан шу шайх хоннинг яқин орада Туркистон тарафдан келиб ҳоқимият тепасига чиқишини қаромат қилган. Унинг гаплари рост бўлиб чиқди. Шайбонийхон билан бу воқеа 12 йилдан кейин содир бўлган. Шунингдек, Рустам султон, Жувонмардалихон, Абдулазизхоннинг шахсий ҳаётидан айрим лавҳалар келтирилган.

Асарнинг биринчи боби (в 426—886), ҳам тўрт фаслга бўлинган бўлиб, унда 84 шоир ҳақида маълумот берилади. Муаллиф уларнинг кўпчилигини кўрмаган, чунки улар тазкира тузилмасдан анча илгари ҳаётдан кўз юмганлар.

Иккинчи бобда (в 89а—1186) 65 бухоролик шоирлар ҳақида маълумот келтирилади. Уларнинг кўпчилиги билан муаллиф таниш бўлган. Лекин, улар ҳам ҳаётдан кўз юмган эдилар.

Кириш қисми ва I—II боблар тилга олинган шоирларнинг девонларидан ташқари, "Матлаъ ус—саъдайн", "Сувар ул—ақолим", "Ажойиб ул—булдон" каби тарихий ва географик асарлар, Жомийнинг "Силсилат уз—заҳаб", Навоийнинг "Мажолис ун—нафоиси", Давлатшоҳ тазкираси, шунингдек, Биноий асарлари манба бўлиб хизмат қилган.

Асарнинг учинчи бобида (в 1186—1446) 59 бухоролик шоир ҳақида маълумотни кўрамыз. Улар билан муаллиф яқиндан таниш бўлган.

Тўртинчи бобда (в 1446—152а) Ўрта Осиёлик 44 шоир ҳақида ҳикоя қилинади. Улар муаллиф замонида ҳаёт бўлишган ва муаллиф улар билан таниш бўлмаган.

Хотимада (в 152а—158а) олим ота—боблари ҳақида, хусусан, бобоси Абдулваҳобхожа, отаси Подшоҳхожа ва инилари: Абдуссамадхожа (бир вақтлар Рустам султоннинг шайхулисломи бўлган), рубоийнавис шоир Бобохожа ҳақида сўз юритади. Унинг ҳориқ одати шул эдики, тинмай зикри самога тушар эди. Рубоийнавис шоир Шохимхожа ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Бир сўз билан айтганда, "Музаққир ул—аҳоб" Ўрта Осиёнинг XVI аср биринчи ярмидаги адабий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Асарнинг қиммати унда касб—ҳунари фақат шоирлик бўлган кишилар орасида бошқа касб—ҳунар эгалари: савдогарлар, ҳунармандлар, табиблар, котиблар, рассомлар, қурувчилар ҳақида ҳам маълумотлар берилганлигидадир.

Асарда қайд этилган икки улуғ шахс — Амир Ҳайдар ва Мирзо Улуғбек номи билан шўҳрат қозонган шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Тазкирадан маълум бўлишича, Ҳайдар Алишер (в 836—856) Алишер Навоийга қариндош бўлиб, бир вақтнинг ўзиде икки тилда: туркий ва форсий тилларда шеърлар битган. Шеърлари равон, ўқимишли ва сермазмун эди. Унинг фақат туркийча ғазаллари 10 минг мисрадан ортиқ бўлган. Амир Ҳайдар Алишер Низомийга тақлид қилиб, "Махзан ул—асрор" ("Аброрлар сирри") деган маснавий, Хусрав Деҳлавийга тақлид қилиб 30 минг байтдан иборат "Баҳр ул—аброр" ("Аброрлар денгизи") номи шеърлар тўпламини ҳам ёзган.

Иккинчи шахснинг исми Мирзо Улуғбек бўлиб, у Шайбонийхонга яқин бўлган атоқли шоир Муҳаммад Солиҳнинг ўғли

бўлиб, ўша вақтларда Нисо вилоятига ҳоким эди. Дарун вилояти ҳокимлиги Ҳасан Нисорийнинг отаси Подшоҳхожа ихтиёрида эди. Ҳасан Нисорийнинг сўзларига қараганда, ҳар икки амир: Ҳайдар Алишер билан Подшоҳхожа ўртасида яқин борди – келди алоқалари бўлиб, уларнинг мажлислари мушоира ва илиқ суҳбатлар билан ўтар эди.

"Музаққир ул – аҳбоб"да XVI асрнинг биринчи ярмида, Убайдуллахон ва Абдулазизхон даврида шаҳарсозликнинг аҳволи яъни қурилган масжид, мадраса ва хонақоҳлар, улар орасида машҳур Мир Араб мадрасаси, Пири маръа чорбоғ (Бухоронинг шимоли – ғарбий тарафида жойлашган), Кўҳак дарёси устига қурилган Меҳтар Қосим кўприги, Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси ва Баҳоуддин Нақшбанд мазоридида қурдирган хонақоҳ, Абдулазизхон тарафидан Бухорода бино қилинган катта кутубхона ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган.

"Музаққир ул – аҳбоб"нинг форсийча матни 1969 йили Покистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида чоп этилган.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература XVI-XVIII вв. (Письменные памятники) стр. 161-165.

ҲУСАЙН АС – САРАХСИЙ – XVI – XVII асрларда ўтган биограф олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид айрим маълумотларни ўзи ёзиб қолдирган "Маноқиби Саъдия" ("Хожа Муҳаммад Саъдининг маноқиблари") асаридан топиш мумкин. Ўша маълумотлардан маълум бўлишича, у машҳур Жуйбор хожаларидан хожа Муҳаммад Ислоом (1493 – 1563) ҳамда кўпинча хожа Калон номи билан машҳур бўлган хожа Саъд (1531 – 1589), кейинчалик хожа Тождин Ҳасан (1574 – 1646)нинг яқин киши ва хизматчиларидан бўлган.

"Маноқиби Саъдия"да Шайбонийхон вафотидан кейин Мовароуннаҳрдаги икки вазият ҳақида: қизилбошлар хуружи (1511 – 12 й.), Убайдуллахон вафотидан кейин (1540) Тошкент ҳукмдори Наврўз Аҳмадхон билан Самарқанд султонлари иттифоқ бўлиб, Бухоро учун олиб борган курашлари, Абдуллахон II билан Балх хони Пирмуҳаммадхон ўртасида Бухоро учун бўлган курашлар, шуниингдек, Кошғар, Хўтан ҳукмдорлари билан хожа Муҳаммад Ислоом ўртасидаги, Чоржўй, Марв ҳукмдорлари билан Абдуллахон ўртасидаги муносабатлар ва бунда хожа Муҳаммад Ислоомнинг ўрни ҳақидаги ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

Асар ҳақида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, таржимон Ҳалим Тўраевнинг сўзларига қараганда, у "Маноқиби Саъдия"нинг ҳижрий 1123 (1711) йили кўчирилган нусхасидан фойдаланган. Асар етти бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида он ҳазратнинг ота – боболари, иккинчи бобида хожа Муҳаммад Ислоом ва хожа Саъдининг аждод ва ақраболари, учинчи бобида ҳазрат эшоннинг таваллууд топиши, болалиги (икки ёшдан бошлаб) ҳаёти, тўртинчи бобида сирру асрорлари, сулуки, унинг қизилбошлар хуружидан (1511 – 1517 й.) кейин қозоқлар (Қосимхон) юртига қилган сафари, бешинчи бобида ҳазрат эшон ҳаётининг сўнгги кунлари, олтинчи бобида он ҳазратнинг муборак фарзандлари зикри, еттинчи бобида ҳазрат эшоннинг вафоти тафсилоти баён қилинади.

Асарда келтирилган сўнгги воқеадан маълум бўлишича, ҳазрат эшоннинг вафоти ҳижрий 971 йил сафар ойининг 26 сида (1563 йили)

содир бўлган. Бу воқеа тафсилоти асарда қуйидагича баён этилади: "Он ҳазрат дедилар: "Икки мужим нарса бор: бири қобилият, иккинчиси иродат. Ҳар иккаласи ҳам хожа Калонда бор. Етмиш йил ичида биз ва биз каби авлиёлар авлоди эришган нарсаларнинг барчаси, мулкимиз ичидаги ва ташқарисидаги мукамал нарсалар бўлиб, [уларнинг] ҳаммасини ҳазрат хожа Калонга бердик. [Сўнг] ўз ёронлари ҳамда катта – кичикларини ҳузурига таклиф этиб амр қилдилар: "Биздан талаб қилган нарсаларни биздан кейин хожа Калондан талаб қилинглр ва унинг ошени эшиги олдида ҳозир бўлинглар. [Он ҳазрат] яна дедилар: "Умримиздан ўн икки кун қолди. Ўн иккинчи кун вафот этамиз". Сўнг [бизга қараб] дедилар: "Хожа Сарахсийга қасам бериб айтаманки, ҳазрат хожа Калоннинг амрисиз ҳеч қаерга бормайсан... Қасам ички, ҳазрат хожа Калон олдидан ҳеч ерга жилмайсан. Менга ишонч ҳосил бўлгач, теварак – атрофдаги ҳар бир подшоҳга пайшанба куни [Бухорога] келишларини сўраб номалар жўнатдилар. [Ўзлари эса] шаҳар тарафига бориб дедиларки, "Ҳазрат хожа Нақшбанд Дарвозайи об карвонсаройида бетоб бўлиб, шу карвонсарой ҳужраларидан бирида жон таслим қилганлар. Биз ҳам ўша ерда оламдан ғарибона ўтайлик".

Он ҳазрат хонақоҳга кириб ўша ерда бўлдилар. Пайшанба куни эрталаб он ҳазратнинг диллари ғаш бўлди ва ҳушларидан кетдилар... Бир оздан сўнг ўзларига келдилар... [Ва] дедилар:... "Биз сендан розимиз, худо сендан рози бўлсин... Тонгга яқин он ҳазратнинг руҳи поклари асл жойига кўчди..." ("Маноқиби Саъдия", 46 – 47 – бетлар).

Ва сўнг: Сафар ойининг 26 – сида жумъа куни (971/1563 йили) он ҳазрат мактубига биноан подшоҳлар жам бўлдилар. Масжидлар, мадраса ва хонақоҳлар одамга тўлди. Ҳазрат Абдуллахон намози жумъани ва он ҳазратнинг жанозаларини ўша ерда ўтказишга ҳукм қилдилар..." ("Маноқиби Саъдия", 47 – бет).

"Маноқиби Саъдия"да Мовароуннаҳрнинг ички аҳволи, Балх, Марв, Кошғар ва Чин тарафда XVI асрдаги аҳвол ҳақида бошқа манбаларда (хусусан "Абдулланом"да) кам учрайдиган ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

Қуйида улардан айримларини келтириб ўтаемиз:

[Убайдуллахон] тақводор киши эди. Ва ҳамиша қизилбош – авбошлар билан газот қиларди. У вафот этгач, фарзанди Абдулазизхон хон бўлди. Подшоҳлигидан бир йил ўтгач, Тошқанд подшоҳлари ва Самарқанд султонлари иттифоқ бўлиб, ... ҳаддан зиёд лашкар билан Абдулазизхон устига келиб, Бухорони муҳосара қилдилар. Он ҳазрат дедиларки, биз подшоҳларнинг Бухорони олишига рози эмасмиз... Сўнг ноумид бўлиб, ўз вилоятларига қайтиб кетдилар. Бошқа йили яна қурол – яроғлари ва лашкарини олиб Ҳисор ва унга қарашли ерларнинг подшоҳлари келиб Бухорони танг қилдилар. Он ҳазрат мажлисларида айтар эдиларки, "Бухоро – хожалар оролидир, агар улар истамасалар, бирор киши унга тасарруф қўлини чўзолмайди ва уни оломайди, Бухоронинг соҳиби бошқадир" ("Маноқиби Саъдия", 24 – бет).

"Андак замондин кейин Абдулазизхон кўп шароб ичиб вафот этди. Шоҳбекхоннинг набираси Муҳаммадёр султон подшоҳ бўлди. Озгина фурсат ўтгач, Пирмуҳаммадхон Балхдан келиб Бухорони олди... Ул айёмда Бурҳон султон (Убайдуллахоннинг набираси)

Бухорода подшоҳ эди. Шу пайт Наврӯз Аҳмадхон яна Бухоро атрофига келиб тушди. Бурҳон султон Бухородан чиқиб, шаҳарни унга топширди. Ҳақ Қоракўлини ихтиёр қилди. Лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам он ҳазратга маъқул эмасди. Ҳазрат ёронлари ва дўстлари орасида, "Бурҳон султонни Бухоро ҳукмдорлигидан четлаштирмасам, пушти падаримдан бўлган эмасман", дер эди.

Лекин кўп ўтмай Бурҳон султон Сайрамбийнинг ўғли тарафидан ўлдирилди. Бухоро тўла—тўқис Абдуллахон қўлига ўтди. Орадан уч йил ўтиб, Абдуллахон Бухорони Пирмуҳаммадхон билан Балхга алмаштирадиган бўлди. У Балхга жўнаб кетди. Оиласини кўчиртириб келиш учун Бухорога Қулбобо кўкалтошни юборди. "Он ҳазрат буни эшитиб, Қарши чўлига шикорга чиқиб кетди ва ёронларига деди (муаллимиз ҳам унинг узангисида эди): ҳазрат эшоннинг юз—қўзида бирон ўзгариш содир бўлмади. Тўртинчи куни у Бухорога қайтди. Ўша кунлари Бухоро остин—устин эди, чунки Қулбобо кўкалтош келиб хоннинг арқдаги ҳарамини олиб кетмоқчи эди. Он ҳазрат дедилар: "Шаҳарни алишмоқ ғоят ғалатдир" ва савор бўлиб, Жуйбор тарафга кетдилар ва ҳазрат хожа Каалоннинг боғчасига бориб тушдилар. Ва яна дедилар: "худованд ва пайғамбарлар ва авлиёлар, аброрлар ва нақиблар ҳиммати билан Бухорони Балхга алмаштиришларига ёрдам бермаймиз". Ўша куни шундай ўтди. Иккинчи куни чопқир суворий келиб деди: "Ҳазрат хон дағдағалари ва орзуларидан қайтдилар ҳамда Бухоро томон етишдилар" ("Маноқибни Саъдия", 31—32— б.).

"Озгина вақт [ўтгач], Пирмуҳаммадхон ичидан вайрон бўлиб, Балхга кетди. Муҳаммадёр султон шаҳарда эди. Бошқа бир куни Бурҳон султон Чоржўйдан келиб, ул иккаласи Бухорони эгалладилар" ("Маноқибни Саъдия", 25 б.)

Аммо Муҳаммадёр султон [хожа Исломога] таъзим бажо қилмади. Бурҳон султоннинг яқинлари "бир шаҳарда икки подшоҳ нима қилади?" дедилар. Бир гуруҳ сурбетлар қиличларини яланғочлаб аркка кирдилар ва Муҳаммадёр султонни қатл этишди" ("Маноқибни Саъдия", 26 б.)

Хитой. Кошғар. Ёркент ва Хўтандаги воқеалардан:

Кошғар, Ёркент подшоҳлари, Хитой ва Хўтан сарҳадларигача бўлган подшоҳлар, Манғит мирзолари, қозоқ подшоҳлари, Турон ва Дашти Қипчоқ султонлари, Хоразм, Марви Шоҳижаҳон, Нисо ва Бовард подшоҳларининг бўйинлари, ихлос ва эътиқод юзасидан, он ҳазрат фармони ҳалқалари ичида эди.

Хитой ва Хўтан подшоҳлари Шоҳжаҳоннинг он ҳазратга бўлган ихлос ва эътиқодининг сабаби шундаки, Шоҳжаҳон газот қилиб кўпинча қалмоқлар устига борар эди. Бир бора мағлуб бўлиб, қолаётганда қалмоқлар уни қўлга туширмоқчи бўлишди" ("Маноқибни Саъдия", 32—б.).

"Рашидхоннинг он ҳазратга бўлган эҳтиёжи ғолиб бўлиб, ҳамиша ҳазрат эшон учун совға сифатида чиройли тўтиларни ва яхши чиннилар жўнатар эди..." ("Маноқибни Саъдия", 32—33 б.).

"Он ҳазрат вафот этгандан кейин мўғул подшоҳларига қарашли ерларга бориш даввоси каминайи ҳақирнинг хотирига келди. Кошғар ва Ёрканддан ўтиб, Хитой сарҳадларига етишдим. Бу ерларда барчанинг бўйни он ҳазрат фармони ҳалқаси ичидалигини кўрдим" ("Маноқибни Саъдия", 33 б.).

Шу ва шунга ўхшаш факт ҳамда маълумотларни мазкур асарда кўплаб учратиш мумкин.

Адабиёт: Ҳусайн ас – Сарахсий. Маноқибӣ Саъдия / Сўзбоши, форс – тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ҳалим Тўраев, Бухоро: Бухоро нашр, 1997. – 212 бет.

ХОЖА АБУЛБАҚО ИБН ХОЖА БАҲОУДДИН КОСОНИЙ. XVI асрда ўтган биограф олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Маноқибларда ва олимнинг ўз асари "Жомеъ ул – мақомот"да келтирилган маълумотлардан маълум бўлишича, у Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бири хожа Аҳмад ибн мавлоно Жалолоддин Косоний (кўпроқ Маҳдуми Аъзам Косоний номи билан машҳур)нинг набираси бўлиб, бобосининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Жомеъ ул – мақомот" ("[Хожа Аҳмад Косонийнинг] мақомотлари мажмуъаси") асарининг муаллифидир. Асар 1617 йили ёзиб тамомланган.

"Жомеъ ул – мақомот" Маҳдуми Аъзам Косонийнинг кўп сонли муридлари ва хизматкорларининг масалан, мавлоно Муҳаммад Али Ахсикатий, мавлоно Дўст саҳзоф, мавлоно Бобойи ҳужрадор, ҳофиз Иброҳим ва бошқаларнинг оғзидан ёзиб олинган маълумотлар асосида тузилган. Асар, шунингдек, муаллиф ўз кўзи билан кўрган ва эшитган воқеаларга ҳам асосланган.

Хожа Абулбақо ибн хожа Баҳоуддин Косоний маълумотли қиши бўлиб, асосан тижорат билан машғул бўлган. Унинг савдо қарвонлари Бухоро ва Балх, Ҳиндистон ҳамда Қошғар мамлакатлари ўртасида қатнаб турган. У вилоят ҳокимлари бўлиб ўлтирган шайбонийзодалар хизматида бўлган ва уларнинг топшириғи билан элчилик, хон ҳамда султонларнинг ҳукмларини ижро этувчи вазифаларда турган Абдулазизхон даврида ҳукмгирлик (ҳукми ижро этувчи) вазифасини ўтаган; Фарғона ҳукмдори Маҳмуд султоннинг элчиси сифатида ўша пайтдаги Қозоғистонда бўлиб, икки йил мобайнида кўп қийинчилик билан ҳаёт кечирган. 1556 йили Бухоро қамали пайтида Жуйборий хожаалардан хожа Муҳаммад Ислоҳ билан бирга Бурҳон султоннинг элчиси сифатида Абдуллахон II нинг ўрдасига борган.

Хожа Абулбақо ибн хожа Баҳоуддиннинг мазкур асари, одатдагидек, кириш (муқаддима), хотима ва учта асосий бобдан иборат.

Асарнинг биринчи бобида хожа Аҳмад Косонийнинг шажараси (ота – боболари) ва унинг баъзи аجدоди ҳақида маълумотлар келтирилади (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмаси, тартиб рақами 7638, в. За. 11б.). Иккинчи ва учинчи бобларда (в. 11б. – 247б) Маҳдуми Аъзам Косонийнинг қароматлари, унинг муридлари ва шогирдлари, издошлари билан учрашувлари ҳамда суҳбатлари келтирилган. Хотимада эса ҳазрат эшоннинг оғриб қолиши ва вафоти тафсилоти (Даҳбед қишлоғи ҳижрий 943 йилнинг 21 муҳаррама куни) баён қилинади.

Асарда Бухоро хонлигининг XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий – сиёсий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотларни учратамиз. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, унда баъзи мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий аҳволи, баъзи тарихий шахсларнинг ҳаётига

оид муҳим маълумотлар, шунингдек, баъзи шаҳарлар ва қишлоқлар, уларнинг географик маълумотларни ҳам учратиш мумкин.

"Жомеъ ул – мақомот"да учрайдиган ижтимоий – сиёсий маълумотлар ичида энг муҳимлари: XVI асрнинг биринчи ярмида, хусусан Шайбонийхон вафотидан (1510 йили) кейин Бухоро хонлигида юз берган воқеа ва ҳодисалар, хусусан, ўзаро курашлар, унда мусулмон руҳонийларининг тутган ўрни ва роли, Бухоро хонлигининг Эрон ва Мўғулистон билан муносабатлари, Фарғонанинг шарқий – шимолида истиқомат қилиб турган қирғиз қавмлари шунингдек, меҳнаткаш аҳолининг оғир аҳволи ҳақидаги маълумотлардир.

Мазкур асарда баъзи йиллари Зарафшон дарёси ўзанининг ўзгариб туриши, унинг халқ учун туғдирган қийинчиликлари, феодал – ер эгаллиги, тархонлик формаси, мамлакатнинг ерларида ўғрилиқнинг кучайиб кетиши, порахўрлик фактлари ҳақида, шунингдек, ўша йиллари юз берган чигирткалар хуружи тўғрисидаги маълумотларни учратамиз. Маҳдуми Аъзамнинг оиласи (хотинлари ва болалари) ҳақида диққатга сазовор фактлар келтирилган. Тошкент ва Бухоро вилоятларида жойлашган муҳим булоқлар ва жойлар ҳақида ҳам қизиқ маълумотлар бор.

"Жомеъ ул – мақомот" кейинчалик хожа Саъднинг яқинларидан бўлган Дўстмуҳаммад ибн Наврўз Аҳмад тарафидан қайта ишланган. Бу асар "Силсилат ус – салотин ва анис ул – ошиқин" деб аталади.

"Жомеъ ул – мақомот" нашр этилмаган. Қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида мавжуд.

Адабиёт: Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. стр. 179-182.

СЎНГИ СЎЗ

Илдизи теран ва бақувват дарахтнинг кўрки, салобати ҳам шунга мос бўлади. Ўзбек халқининг тарихи ва бугунги борлиги нуфуз жиҳатдан бетимсол, ўзига хос. У Ўрта Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири. Халқ ҳам давр ўтиши билан шаклланиб боради. Турли замонларда унинг турли фазилатлари кўзга ташланиб боради. Дунёдаги жамийки халқларга хос фазилатлар ўзбекларга ҳам хос; меҳнаткашлик, болажонлик, оилага, туғилган гўшага меҳр, шафқатлилик, бағри кенглиқдир. Лекин барча миллат ва элатлар фонида ўзбеклар икки жиҳати билан ажралиб туради. Бу – уларнинг беҳад хокисорлиги ва сертавозеълиги. Халқимизнинг бахти ҳам, кулфати ҳам шунда. Мен, шу муқаддас заминда туғилиб, бутун умримни мазкур заминда ўтказганим ва ҳақиқий ўзбек бўлганим учун якка Оллоҳ таолога беҳад шукроналар айтаман.

Мен бизнинг келжагимиз бўлмиш бизнинг жонажон ёшларимизга бир икки илтимос қилмоқчиман: Ҳа демай бу муқаддас замин сизларники бўлади, бизнинг ёшлик даврларимизда хатолар кўп бўлди. Бу хатолардан энг катгаси, сўзсиз, халқимизнинг ўз тарихидан ажралиб қолгани бўлди. Сиз, қайси касб эгаси бўлишингиздан қатъий назар, агар ўзингизни ўзбек фарзанди деб билсангиз, бу кўҳна ва ибратли тарихни халқимизга қайтариш учун курашинг, уни ўз Ватанингиз сингари асраб авайланг. Чунки, тарих келажак демақдир. Ўз келажагингиздан ажралиб қолманг, менинг ёш дўстларим.

Бу рисолада қарийб бир минг йиллик катта давр ичида қалам тебратган ўзбекистонлик атоқли тарихшунослар ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Лекин бу борада қалам тебратган олимларимизнинг барчаси ҳақида ахборот тўпладик, деб айтолмаймиз. Бу биринчидан. Иккинчидан эса уларнинг илмий фаолиятига етарли даражада тўхталиб ўтдик ва асарларини тўла қамраб олдик, деб ҳам айтишимиз қийин. Учинчидан, мазкур асаримизда – XX асрда яшаб ўтган тарихшуносларга тўхтай олмадик. Лекин булар ҳақида ҳам озми – кўпми маълумот бериб ўтиш зарур эди. Ўз – ўзидан кўриниб турибдики, бундай иш бир тадқиқотчи учун мушкулдир. Умид қиламизки, бу ишга келгусида бирон ҳамкор топилиб, мамлакатимиз тарихшунослиги ҳақида яна бир мукамал асар ёзилади. Бу тарихшунос олимларимиз олдига турган муҳим вазифалардан биридир.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Мовароуннаҳрда тарихшунослик ва географик фан тараққиёти

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал – Хоразмий (789 – 850)	5
2. Абу Бакр Муҳаммад Наршахий (899 – 959)	6
3. Балъамий (974 вафоти)	7
4. Абу Наср Муҳаммад Утбий (961 – 1022)	8
5. Абу Райҳон Беруний (973 – 1048)	9
6. Маҳмуд Кошғарий (XI аср)	10
7. Абу Ҳафс ан – Насафий (1142 – 43 вафоти)	11
8. Самъоний (XII аср)	12
9. Авфий (1172 – 73 вафоти)	13
10. Банокатий (XIII – XIV аср)	14
11. Жамол Қарший (XIII – XIV аср)	15
12. Низомиддин Шомий (XIV – XV аср)	16
13. Ҳофизи Абру (XIV – XV аср)	17
14. Мирхонд (1438 – 1498)	18

XV–XIX асрларда ўтган Ўзбекистон тарихшунослари ва географ олимлари

1. Абдулла Насруллоҳий (XV – XVI аср)	20
2. Абдулкарим Бухорий (XIX аср)	21
3. Абдураззоқ Самарқандий (1413 – 1482)	21
4. Абдурахмон Давлат ((XVII аср)	23
5. Абулқосим Маҳмуд аз – Замахшарий (1075 – 1144)	23
6. Абулғозихон (1603 – 1664)	24
7. Абу Тоҳирхожа Самарқандий (XIX аср)	26
8. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий (XIX аср)	28
9. Аҳмад Дониш (1827 – 1897)	29
10. Аҳмад ибн Масруқ (?)	30
11. Зайнуддин Восифий (1485 – 1551)	30
12. Заҳири Самарқандий (XII аср)	32
13. Исҳоқхон Тўра Тўрақўргоний (1862 – 1963)	32
14. Камолiddин Биноий (1453 – 1512)	33
15. Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний (XV аср)	34
16. Мир Муҳаммад Аминни Бухорий (XVII аср)	35
17. Мир Олим Бухорий (XIX аср)	36
18. Мир Ҳусайн ибн Амир Ҳайдар (XIX аср)	36
19. Мирза Бадигъ Девон (XVIII аср)	37
20. Мирза Олим Тошкандий (XVIII – XIX аср)	38
21. Мирза Салимбек (XIX – XX аср)	38
22. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (XVI аср)	39
23. Мирзо Улуғбек (1394 – 1449)	41
24. Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф (XIX аср)	43
25. Мулла Мирзо Алим Тошкандий (XIX аср)	43
26. Мулла Шодий (XV – XVI аср)	44
27. Муҳаммад Азиз Марғилоний (XIX аср)	44
28. Муҳаммад Амин Бухорий (XVII – XVIII аср)	45
29. Муҳаммад Вафойи Карминагий (1685 – 1769)	47

30. Муҳаммад Ёқуб (XVIII – XIX аср)	48
31. Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809 – 1874)	48
32. Муҳаммад Солиҳ (1455 – 1535)	49
33. Муҳаммад Солиҳ Хожа Тошкандий (XIX аср)	49
34. Муҳаммад Тоҳир Балхий (XVIII аср)	50
35. Муҳаммад Фозилбек ибн Қози Муҳаммад Отабек (XIX – XX аср)	53
36. Муҳаммад Юсуф Баёний (XIX – XX аср)	53
37. Муҳаммад Юсуф Мунший (XVIII аср)	54
38. Нажмиддин Абу Ҳафс Насафий (XI – XII аср)	54
39. Ниёз Муҳаммад Хўқандий (1803 – 1876)	56
40. Номанъум муаллиф (XVI аср)	56
41. Оллоҳмурод Аннабой ўғли (XIX аср)	57
42. Рузбеҳон (XV – XVI аср)	58
43. Сайид Муҳаммад Носир Бухорий (XIX – XX аср)	59
44. Султон Муҳаммад Балхий (XVI аср)	60
45. Тожир (XVIII – XIX аср)	61
46. Хожа Самандар Термизий (XVII – XVIII аср)	61
47. Хондамир (1475 – 1535)	62
48. Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивақий ((XIX аср)	64
49. Шарафиддин Али Яздий (XIV – XV аср)	66
50. Шермуҳаммад Мунис (XVIII – XXIX аср)	67
51. Шиҳобиддин Муҳаммад Нисовий (XIII аср)	69
52. Эшонхўжа қори Тошкандий (XIX аср)	70
53. Ҳожи Мир Муҳаммад Салим (XVI аср)	70
54. Ҳожи Муҳаммад Ҳақимхон тўра (XIX аср)	72
55. Ҳофиз Таниш Бухорий (XVI аср)	73
56. Қипчоқхон Балхий (XVII – XVIII аср)	75
57. Фиёсиддин Али Яздий (XIV аср)	76
58. Ўтамиш Ҳожи (XVI аср)	76

ИККИНЧИ ҚИСМ

Биограф олимлар (тазкира ва маноқиб муаллифлари)

1. Авесто (мил. ав. VI аср)	78
2. Ас – Саолибий Абу Мансур Абдулмалик (961 – 1038)	79
3. Ас – Сафий (XVI аср)	80
4. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий (XIV – XV аср)	81
5. Бадриддин Кашмирий (XVI аср)	82
6. Бобур (1483 – 1530)	84
7. Давлатшоҳ Самарқандий (XV аср,)	85
8. Домла Муҳаммад Шариф ота ибн Муҳаммад Нақий (XIX аср).	87
9. Камёб	87
10. Мирзо Содиқ Самарқандий (XVII аср)	88
11. Мулла Шарафиддин аълам Самарқандий (XVII – XVIII аср).	89
12. Мутрибий Самарқандий (XVI – XVII аср)	89
13. Муҳаммад Бадӣ Девои Самарқандий (Малеҳо)	95
14. Низоми Арузи Самарқандий (XI – XII аср)	98
15. Сайид Аҳмадхожа (XVIII – XIX аср)	991
16. Сайид Хожа Баҳоуддин Ҳасан Бухорий Нисорий (XVI аср)	100
17. Ҳусайн ас – Сарахсий (XVI – XVII аср)	102
18. Хожа Абулбақо ибн Баҳоуддин Косоний (XVI аср)	105

СЎНГИ СЎЗ.

107

**АКАДЕМИК
БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ**

**Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари
(био – библиографик маълумотнома)**

Тарихшунослар ва тарих муаллимлари учун қўлланма

Муҳаррир: Абдураҳмон Акбар
Муқова рассоми: И.Г. Баталова
Саҳифаловчилар: И.Ниёзов, З.Аҳмедова

ИБ № 09 – 19

Лицензия АІ № 0004 2001.27.11 дан. Босишга рухсат этилди
2003 й. 14.07. Қоғоз бичими 84 х 108.1/32. Офсет босма
усулида босилди. Босма табоқ 4,5. Буюртма № 43. Адади 3000
нусха. Баҳоси шартнома асосида.

«Чўлпон» нашриёти. 700129, Тошкент ш., Навоий кўч., 30.

Ўзгеодезкадастрнинг Тошкент картография фабрикасида нашр
этилган. 700170, Тошкент ш., Полковник Асом Муҳиддинов кўч., 6